

Бош илмий-методик  
марказ

**2021**

Ўқув-услубий мажмуа

УНИВЕРСИТЕТ 3.0 МОДЕЛИ ВА  
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ

УНИВЕРСИТЕТ 3.0 МОДЕЛИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“Таълим тизими менежменти” йўналиши учун**

**“УНИВЕРСИТЕТ 3.0 МОДЕЛИ ВА ИННОВАЦИОН  
ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:** **Р.Нуриимбетов** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
**Н.Хақназарова** – Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Такризчи:** **М.А.Махкамова** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўқув -услугий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

**МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>22</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>32</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>134</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>163</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>175</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Сўнги йилларда республикамизда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига қаратилган қатъор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашидан дарак беради.

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармон ва Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорда белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Бугунги кунда республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Мазкур дастурда асосан охириги 20-30 йилда ривожланган хорижий давлатлар амалиётида ўзининг ижобий натижасини бериб келаётган университет 3.0 концепцияси асосида олий таълим муассасаларида таълим, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг натижаларини тижоратлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш усуллари, ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнининг услубий таъминоти, бу борадаги ишларни республикада ривожлантиришга қаратилган таълим ҳамда илмий фаолият соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси тингловчиларининг олий таълим муассасаларида «Университет 3.0» концепцияси асосида таълим, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш борасидаги билимлари, кўникмалари, малакалари ва компетенцияларини ошириш.

#### **Модулнинг вазифалари:**

- университет 3.0 моделини жорий этиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қонун ва қонун ости ҳужжатларини таҳлил этиш;
- университет 3.0 концепцияси асосида таълим жараёнларини ташкил

этиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият самарадорлигини таъминлашнинг инновацион методларини таҳлил қилиш;

- университет 3.0 концепцияси асосида олий таълим муассасалари, раҳбар кадрлар ва илмий-педагоглар фаолиятини ҳамда ўқув жараёнининг услубий таъминотини таҳлил қилиш;

- университет 3.0 модели асосида профессор-ўқитувчилар, илмий-педагог кадрларнинг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини режалаштириш, тартибга солиш;

- тингловчиларда олий таълим муассасаларида таълим, илмий-тадқиқот ва тижоратлаштириш фаолиятини амалда қўллаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;

- тингловчиларда академик ва инновацион-тадбиркорлик маданиятни шакллантириш;

- тингловчиларда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот, инновацион фаолият ва академик сафарбарлик натижалари самарадорлигини ошириш орқали дунёнинг ТОП 1000 та университетлари рўйхатига кириш борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мазмуни ва моҳиятини;

- Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асосларини;

- илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини;

- илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари, инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш усулларини;

- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепцияси мазмунини;



- замонавий университетларда технологиялар ва лойиха бошқаруви, фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими компонентларини;

- халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари, илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп этириш тартибларини;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмунини;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмуни ҳақидаги **билимларга эга бўлиши**;

- Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш;

- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

- фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш;

- ўз-ўзининг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш;

- академик сафарбарлик фаолияти самарадорлигини ошириш;

- халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидаги журналларда илмий мақолаларни чоп этиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

- кредит-модуль тизимида ўқув-тарбия жараёнини ва илмий-инновацион фаолиятни лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;

- 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида ўз-ўзининг илмий-педагогик ва инновацион фаолиятини олиб бориш;

- олий таълим муассасаларида «Университет 3.0» концепцияси асосида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш;

- ўз-ўзини инноватор-тадқиқотчи сифатида ривожлантириш;

- Scopus, ScienceDirect, Web of Science халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидаги журналларда илмий мақолаларни чоп этиш ва ўз илмий фаоллигини такомиллаштириш Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурлар асосида фаннинг ишчи дастурини ишлаб чиқиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотли ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ва аклий хужум, видеоусул, SWOT, “KWHL”, “W1H”, SCAMPER, лойиҳа, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари”, “Олий таълимда инсон ресурсларини бошқариш”, “Таълим менежментида PR – механизми” ва “Молиявий ўз-ўзини таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар ва профессор-ўқитувчиларининг касбий ва педагогик маҳорат даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Мазкур модулни ўзлаштириш орқали тингловчиларда илмий тадқиқотлар, инновацион ва уларни тижоратлаштириш фаолиятини яхшилаш, янги технологияларни яратиш, замонавий олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш орқали академик тадбиркорлик ва илмий-тадқиқот

натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

### МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкلامаси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Тадбиркорлик университетлари - университет 3.0 концепциясининг замонавий ривожланиш босқичлари	2	2	
2.	Университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш асослари	2	2	
3.	Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш	2	2	
4.	Тадбиркорлик университети - университет-3.0 концепциясини шакллантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш	2		2
5.	Университет 3.0 модели асосида “Илмий мактаблар, трансфер ва инновациялар” бўйича олий таълим муассасаси ички муҳити таҳлили	4		4
6.	Университет-3.0 модели асосида ОТМ мавжуд муаммоларини ҳал этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш	4		4
7.	Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” методикаси бўйича ОТМда илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш йўллари	2		2
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>6</b>	<b>12</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-МАВЗУ. ТАДБИРКОРЛИК УНИВЕРСИТЕТЛАРИ - УНИВЕРСИТЕТ 3.0 КОНЦЕПЦИЯСИНING ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (2 соат)

#### Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари.
2. Университетларнинг пайдо бўлиши ва университет концепцияси эволюцияси.
3. Тадбиркорлик университети – университет ривожланишининг замонавий босқичи сифатида – 3.0 концепцияси.
4. Илмий-таълим соҳасида технологиялар трансферини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ва “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш. Илмий-таълим соҳасида технологиялар трансферини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси ва улардан республикамизда фойдаланиш истиқболлари.

## **2-МАВЗУ. УНИВЕРСИТЕТ 3.0 МОДЕЛИДА БИЛИМЛАРНИ ТАРҚАТИШ, ГЕНЕРАЦИЯЛАШ ВА ТИЖОРАТЛАШТИРИШ УЧУН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ (2 соат)**

### **Режа:**

1. Технологияларни тижоратлаштириш моделлари.
2. Трансфер технологиялар: трансфер марказлари ва технологияларни тижоратлаштиришни информацион қўллаб-қувватлаш.
3. Университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш.

Ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни тартибга солиш ва ривожлантириш борасида университет таълимнинг тутган ўрни. Олий таълим муассасаларида таълим, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни йўлга қўйиш тизими. Университетларда технологияларни тижоратлаштириш моделлари. Етакчи университетлар, бизнес(корхона) ва ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларида трансфер технологияларни жорий этиш уларни амалга ошириш масалалари. Университетлар қошида фаолият юритадиган трансфер марказлари ва технологияларни тижоратлаштиришни информацион қўллаб-қувватлаш масалалари. Университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш масалалари.

## **3-МАВЗУ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ (2 соат)**

### **Режа:**

- 3.1. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
- 3.2. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш.
- 3.3. Бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрни.
- 3.4. ОТМлар рейтинги ва ташқи омиллар.

Замонавий таълим хизматлари маркетинги тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Таълим бозорида фаолият юритишни шакллантириш ва

бошқариш тизимини такомиллаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини ташкил этиш асослари ва уни стратегик режалаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари. Таълим хизматларининг олди-сотди объекти сифатидаги ўзига хос жиҳатлари. ОТМнинг стратегик мақсадлари ҳисобланган таълим хизматлари бозорида ўз ўрнини мустақамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш. Олий касбий таълим муассасаларида қўлланиладиган ўсишнинг маркетинг стратегияси. Бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрни. Бенчмаркинг олий таълим тизимида стратегик йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг йўналишларидан бири сифатида. ОТМлар рейтинги ва ташқи омиллар. ОТМларни рейтинг бўйича ранжирлаш. THE-QS рейтинги. Times Higher Education (THE) World University Ranking рейтинги.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-МАВЗУ: ТАДБИРКОРЛИК УНИВЕРСИТЕТИ - УНИВЕРСИТЕТ-3.0 КОНЦЕПЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**(2 соат)**

Таълим муассасининг таълим бозорида самарали фаолият юритиши учун таъсир этадиган муҳим ташқи ва ички омилларни таҳлил этиш. Келажакдаги ўзгаришларни прогноз қилиш. Олий таълим муассаси фаолиятини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Олий таълимнинг маркетинг муҳитини баҳолаш ва прогноз қилиш учун STEP–таҳлилини қўллаш.

### **2-МАВЗУ: УНИВЕРСИТЕТ 3.0 МОДЕЛИ АСОСИДА “ИЛМИЙ МАКТАБЛАР, ТРАНСФЕР ВА ИННОВАЦИЯЛАР” БЎЙИЧА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИЧКИ МУҲИТИ ТАҲЛИЛИ**

**(4 соат)**

Олий таълим муассаси ички муҳити таҳлилини амалга ошириш. Таълим жараёни иштирокчилари ва уларнинг функционал ўзаро алоқалари. Олий таълим муассасасининг мақсадларини амалга оширадиган компонентлар йиғиндилари. Олий таълим муассаси фаолиятини стратегик режалаштириш доирасида ички муҳитни таҳлил этиш. **SWOT-** таҳлилини қўллаш орқали ички муҳит келтириб чиқарадиган таҳдидлар, хавфлар, рискларни аниқлаш.

### **3-МАВЗУ: УНИВЕРСИТЕТ-3.0 МОДЕЛИ АСОСИДА ОТМ МАВЖУД МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**(4 соат)**

ОТМнинг ички муҳити таҳлили топшириғи таҳлилининг дастлақбик натижалари. Натижалар асосида кейинги навбатдаги ишларни амалга ошириш. Университет-3.0 модели асосида ОТМ кучли томонларни янада кучайтириш. Университет-3.0 модели асосида ожиз томонларни йўқотиш. Келгусида камчиликларга йўл қўймаслик, уларнинг таъсирини камайтириш, ўрнини қоплаш йўллари. Университет-3.0 модели асосида ОТМга ташқи қулай таъсирларни кучайтириш борасида амалга ошириладиган ишлар.

ОТМ учун бўладиган қулай вазиятларни ўз вақтида аниқлаш ва улардан ОТМ манфаати йўлида фойдаланиш йўллари. Университет-3.0 модели асосида ташқи хавфлар, таҳдидлар ва рискларга қарши туриш. Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ОТМ раҳбари томонидан амалга ошириладиган ишлар.

### **4-МАВЗУ: АМАЛИЁТДА ИННОВАЦИОН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ОЙНАСИ” МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА ОТМДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ**

**(2 соат)**

“Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” методикаси алгоритмини ўрганиш. Методика асосида фаолият юритаётган олий таълим муассаси мисолида университет 3.0 моделига ўтиш борасидаги битта аниқ муаммони танлаш. Белиланган 9 та кетма-кетликлар бўйича ҳал этиш йўлларини асослаш.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаъолият бунёдлари. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февраль “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони.



15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни.

20. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июль «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармони.

### **Ш. Махсус адабиётлар:**

22. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-Б.23.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

24. Алексунин В. А. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности: учеб.пособие. – М.: Маркетинг, 2007. –516 с.

25. Бадеева, Е.А. (2012), Университетское планирование в рамках процессного подхода: монография, Москва: Издательский дом Академии Естествознания. <http://econom.khsu.ru> [Доступ 24 марта 2010 г.]

26. Балмасова Т.А. «Третья миссия университета» –новый вектор развития? // Высшее образование в России. – 2016. – № 8-9. – С. 48-55.

27. Ватагина М.В. Стратегические направления в развитии маркетинговой деятельности вузов// Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России№2(42)2009. С.113-116.

28. Веретенникова, О. Б., Дрантусова, Н. В., Ключев, А. К., Кортков, С. В., Майданик, В. И., Малышева, Л. А., Попова, Л. Н. (2008), Разработка стратегии образовательного учреждения: методические рекомендации, Екатеринбург: Университетское управление: практика и анализ.

29. Виссема Йохан Г. Университет третьего поколения: управление университетом в переходный период. – М.: Сбербанк, 2016. – 422 с.

30. Гафуров И.Р., Васильев В.Л., Кашбиева Р.Р. Инновационные кластеры и социально-экономическое развитие регионов: анализ методических подходов. – М.: «Анкил», 2012. – 292 с.

31. Головкин Н.В., Зиневич О.В., Рузакина Е.А. Университет третьего поколения: Б. Кларк и Й. Уисема // Высшее образование в России. – 2016. – № 9. – С. 40-47.

32. Каким должен быть университет будущего? – URL: <http://indicator.livejournal.com/24905.html>. Движение имиджей. Российские вузы крепнут в борьбе // Поиск. – 2016. – № 25(1411). – С. 6.

33. Каргин Д.Б. Предпринимательское образование, предпринимательский университет, коммерциализация технологий. Астана, 2016: [http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательское образование.pdf](http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательскоеобразование.pdf).

34. Касаткина Е. А. Градобоев В. В. Место бенчмаркинга в международной конкурентной среде // Научная электронная библиотека «КИБЕРЛЕНИНКА». — 2012. — № 6–1

35. Клаус Шваб «Четвертая промышленная революция»: Э. Москва. 2016. 48 с.

36. Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Что такое предпринимательский университет // Вопросы образования. – 2007. – № 1. – С. 49-62.

37. Красинская Л.Ф. Модернизация, оптимизация, бюрократизация...Что ожидает высшую школу завтра? // Высшее образование в России. – 2016. – № 3. – С. 73-82.

38. Хагуров Т.А. Выше образование: между служением и услугой // Высшее образование в России. – 2011. – № 4. – С. 47-57.

39. Лагутина Е. Е., Леонгардт В. А., Шапошников В. А. Профессиональное образование по специальности «маркетинг» как товар в системе маркетинга // Вестник ЮУрГУ. – 2010. – № 7. – С. 98–101.

40. Николаева Е.М., Щелкунов М.Д., Ившина О.Я. Феноменология потребительства. Личностное и институциональное измерения. – Казань: Изд-во Казанский ун-т, 2014. – 160 с.

41. Панкрухин А. П. Маркетинг образовательных услуг в высшем и дополнительном образовании: учебное пособие. – М.: Интерпакс, 1995.
42. Самойленко К.А. Перспективы развития инновационно-предпринимательских университетов: [http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk\\_chut\\_2014\\_3\\_177182.pdf](http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk_chut_2014_3_177182.pdf).
43. Тазарбеков К.А. К разработке «Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы.- алматы: Университет «Туран», 2016. -36 с.
44. Паспорт приоритетного проекта «Вузы как центры пространства создания инноваций». – URL: <http://government.ru/media/files/OnTUmegFLNj5Uqtac57yWG1EtMG9ABe.pdf>
45. Шуклина З. Н., Эшонов Р. Р., Хаданович Н. В. Выбор инструментов и стратегий бенчмаркинга в рискованной конкурентной среде // Молодой ученый. — 2017. — №12. — С. 387-392. — URL
46. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М. Образование в XXI веке: перед лицом новых вызовов. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2010. – 156 с.
47. Шадриков В., Геворкян Е. О процедуре комплексной оценки вуза // Высшее образование в России. 2001. № 1.
48. Шульц Д.Е., Танненбаум С.С., Лаутерборн Р.Ф. Новая парадигма маркетинга. Интегрируемые маркетинговые коммуникации: Пер. с англ. М.: ИНФРА-М, 2004.
49. Щелкунов М.Д. Университеты перед лицом глобальных вызовов: российский путь // Поиск. Альтернативы. Выбор. – 2016. – № 3. – С. 48-59.
50. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М., Фурсова В.В. На пути к международному признанию: Казанский федеральный университет как субъект глобального пространства высшего образования. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2016. – 140 с.
51. Clark B. Creating Entrepreneurial Universities: Organization Pathways of Transformation. – Guildford, UK: Pergamon, 1998. – 163 p.
52. Etzkowitz H., Leydesdor L. The Triple Helix University-Industry-Government Relations: a Laboratory for Knowledge-Based Economic Development // EASST Review. – 1995. – Vol. 14. – № 1. – P. 14-19.
53. Summarized from Sarah Lurman. A Student of Value' Means a Student a no Can Pay the Rising Cost of College // Wall Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

#### IV. Интернет сайтлар:

54. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

55. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
56. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
57. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet.
58. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “KWLH” методи:

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишни хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсам бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

<b>“KWLH” методи</b>	
<b>1. Нималарни биламан:</b> -	<b>2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b>
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b>

### “W1H” методи:

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олти саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
-------	---	--

Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, тахрирлаш мумкин)	

### “SWOT-таҳлил” методи:

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**S – (strength)**

- кучли томонлари

**W – (weakness)**

- заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunity)**

- имкониятлари

**T – (threat)**

- хавфлар



**Кейс-стади” методи:**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p><b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<p><b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> </ul>



	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яққа ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>

### “Ассесмент” методи.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



**Тест**

•

**Муаммоли вазият**

**Тушунча таҳлили  
(симптом)**

**Амалий вазифа**

**“SCAMPER” методи:**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод муаммоларни бартараф этиш бўйича янги инновацион ҳолатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. SCAMPER "тез югуриш" деган маънони англатади. SCAMPER тушунчаси кенгайтмаси (7 та)нинг ҳар биридан 7 қатордан ва 3 устундан иборат жадвал яратиш талаб этилади.

**SCAMPER**



**Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини  
ривожлантириш.**

<b>SCAMPER саволлари</b>	<b>SCAMPER саволлари (янги ғояни ишлаб чиқиш)</b>	<b>Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш</b>
<b>S</b>	Нима билан алмаштириш мумкин?	
<b>C</b>	Нима билан бирлаштириш мумкин?	
<b>A</b>	Нимага мослаштириш керак?	
<b>M</b>	Қандай яхшилаш мумкин?	
<b>P</b>	Нималарни ўзгартириш мумкин? (шакл, тур, белги, ранг ва бошқалар)	
<b>E</b>	Яна қандай ҳолда қўллаш мумкин	
<b>R</b>	Нимани қайта тиклаш мумкин?	

**"Лойиҳа" методи:**

Лойиҳа- тингловчиларнинг муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришни кўзда тутувчи методдир.



**“ВЕЕР” технологияси:**

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

-бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш:

-яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-нормукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

**ФСМУ технологияси.**

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга,

қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

### **1-босқич.**

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

### **2- босқич.**

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

### **3 - босқич.**

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларида фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

### **4 - босқич.**

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича

умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

#### **5- босқич.**

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар:

Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

#### **6 - босқич.**

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.



# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-МАВЗУ: ТАДБИРКОРЛИК УНИВЕРСИТЕТЛАРИ - УНИВЕРСИТЕТ 3.0 КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (2-соат)

##### Режа:

- 1.1. Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Университетларнинг пайдо бўлиши ва университет концепцияси эволюцияси.
- 1.3. Тадбиркорлик университетлари - университет 3.0 концепциясининг замонавий ривожланиш босқичи сифатида.
- 1.4. Илмий-таълим соҳасида технологиялар трансферини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси

**Таянч тушунчалар:** илм-фан, инновация, инновацион фаолият, университет, университет концепцияси, тадбиркорлик университетлари, университет-3.0, технологиялар трансфери, хорижий тажриба, фан, ишлаб чиқариш, бизнес, университет, илмий муассаса, тижоратлаштириш, интеллектуал фаолият натижаси, академик тадбиркорлик, янги авлод университетлари.

##### 1.1. Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз



керак”<sup>1</sup>. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий мақсади - мамлакатимизда илмий салоҳиятни ошириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини яратиш шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ва танқидий ўрганган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқишдан иборат.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан кўплаб, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармонидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси -олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни мақсад қилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси 4 боб

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-Б.23.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сонли Фармони 2018 й. 21.09.

ва 9 параграфдан иборат: **1-боб.** Умумий қоидалар; **2-боб.** Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар; **3-боб.** Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари; **4-боб.** Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар ўз ичига олади. Концепциянинг 2-бобида Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолари: Жумладан:

- олий таълимнинг жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардошликни таъминлаш соҳасидаги муаммоларни яъни республика олий таълим муассасалари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари Webometrics халқаро рейтингининг 1000 талик рўйхатига кирмаган;

- таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмаган; мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаган;

- хорижий фуқароларни мамлакатимизда таълим олишга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот ишлари, жумладан PR-лойиҳалар (Ўзбекистон олий таълим муассасалари кунларини ташкил қилиш, тақдимотлар ўтказиш ва бошқалар) етарли даражада ташкил қилинмаган, бу борада интерактив виртуал платформа мавжуд эмаслиги келтирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш бўйича қатор кенг қамровли вазифалар: олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш; Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш; республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш; олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга

йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш; олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса кўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш; олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш; олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш; хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш; олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш; Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш; олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш; талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш; олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш; таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазибаларни амалга оширишни кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Қонун 6 боб, 46 моддалардан иборат бўлиб, 1-боби. Умумий қоидалар, 2-боби. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини тартибга солиш, 3-боби. Илмий фаолият ва унинг субъектлари, 4-

боби. Илмий фаолиятни ташкил этиш ва баҳолаш, 5-боби. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш ҳамда 6-боби. Яқунловчи қоидаларга қаратилган.

“Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 3 моддасида илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари: илмий ижод ва ахборот эркинлиги; самарадорлик ва ижодий рақобат; манфаатдорлик ва рағбатлантириш; илмий экспертизанинг холислиги; инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик кабилар белгиланган.

4-моддасида эса илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишлари этиб қуйидаги: илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш; илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш; давлат илмий дастурларини ишлаб чиқиш, асослантирилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш; илм-фанга интилиш ва унинг жозибадорлик муҳитини шакллантириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ёш истеъдод эгаларини тайёрлаб бориш; интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оқилona ошириб бориш; илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда ундан манфаатдорликни ошириш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг ахборот макони билан узвий боғлиқлигини таъминлаш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

11-модда. Ёшларни илм-фан ва илмий фаолиятга жалб этишга қаратилган бўлиб, унда тегишли давлат дастурларини ишлаб чиқиш; таълим ташкилотида истеъдодларни аниқлаш, танлаш, тарбиялаш бўйича тегишли чора-тадбирлар олиб бориш; тегишли йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, махсус синфлар, марказлар ва ўқув курслари ташкил этиш; таълим жараёнида эгалланган билимларни кундалик турмуш ва касбий фаолиятда самарали қўллай олишга қаратиш; таълим олувчилар ўртасида турли танловлар уюштириб бориш ва рағбатлантириш; чет эл етакчи илмий ташкилотлари ва таълим муассасаларига магистратура ва докторантура дастурларини ўташ, малака ошириш, тажриба орттиришга юбориш орқали ва бошқа шаклларда амалга оширилиши ҳамда ёш олимларнинг илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардаги илмий уюшмалари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шунингдек илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида ёш олимлар ва талабаларнинг илмий фаолият юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши таъкидланган.

Қонуннинг 21 ва 22 моддалари бевосита илм-фан ва таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги қаратилган:

21-модда. Илм-фан ва таълимнинг узвий боғлиқлиги

- таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш;
- таълим олувчиларда илмий тафаккурни ривожлантириш;
- педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш,
- «устоз — шогирд» мактаб ва анъаналарини мустаҳкамлаш, илмий изланувчиларнинг иқтидорли келажак авлодини шакллантириш;
- илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб бориш орқали таъминланади.

22-модда. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги

- инновацион маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ҳамда қўллаш учун қулай муҳитни шакллантириш;
- инновацияларни жорий этишдан манфаатдорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириб бориш;
- тадбиркорлик субъектлари ҳузурида тегишли йўналишларда илмий ташкилотларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, илмий фаолият юритаётган хорижий ҳамкорлар билан изчил ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- инновацион инфратузилмани (технология парклари, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур жамғармалари, бизнес-инкубаторлар ва бошқаларни) ривожлантириш;
- хусусий илмий ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш;
- инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

23-модда. Илмий даражали кадрларни тайёрлашга қаратилган бўлиб, унда илмий даражали кадрларни тайёрлаш таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик асосида амалга оширилиши, таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий фаолият ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилиши ҳамда мустақил изланувчилик доирасидаги илмий фаолият ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилиши таъкидланади. Шунингдек, 25-моддада илмий даража олиш учун тайёрланган диссертация илмий ташкилот ва таълим муассасаси қошида тегишли ихтисослик бўйича тузилган илмий даражалар берувчи илмий кенгашда ҳимоя қилиниши ва илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур кенгашни тузган, илмий ташкилот ва таълим муассасасида фаолият юритаётган олимлардан иборат бўлиши шартлилиги ҳамда илмий даражалар берувчи илмий кенгаш жамоатчилик асосида фаолият олиб бориши ва

диссертациянинг танланган ихтисосликка мослиги, экспертизанинг сифати ва ҳолислиги, қабул қилинган қарорнинг асослантирилганлиги учун масъул ҳисобланади деб кўрсатилади.

Мазкур қонуннинг 41-моддасида Ўзбекистон Республикасининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлиги миллий илмий мактабларнинг жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиши, дунё илм-фани ва технологиялари илғор ютуқларидан миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришда фойдаланиш, чет эл инвестициялари, чет эллик етук илмий ва технология марказлари, олимлар, мутахассисларни мамлакатга жалб этиш ммасалалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни қабул қилинган. Қонуннинг мақсади-инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. У 6 боб, 39 моддаларни ўз ичига олган бўлиб, унинг 1-боби Умумий қоидалар, 2-боби Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, 3-боби Инновацион фаолиятни амалга ошириш, 4-боби Инновацион инфратузилма, 5-боби Инновацион фаолиятни молиялаштириш ва 6-боби Яқунловчи қоидаларга қаратилган. Қонуннинг 3-моддасида инновация, инновацион инфратузилма, инновацион лойиҳа, инновацион фаолият, технологиялар трансфери ва янги ишланмалар тушунчаларига қуйидагича таърифлар келтирилади:

- инновация — фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма;

- инновацион инфратузилма — инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услугий, ахборот, консултатив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуи;

- инновацион лойиҳа — янги ишланмалар яратиш учун бажариш муддатларини, ижрочиларни, молиялаштириш манбаларини ва тегишли инфратузилмани шакллантиришни назарда тутувчи тадбирлар мажмуи;

- инновацион фаолият — янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият;

- технологиялар трансфери — янги ишланмани у олинадиган (ишлаб чиқариладиган) соҳадан амалда қўллаш соҳасига ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

- инновацион ишланма — мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин



бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижасидир.

18-моддасида инновациялари маҳсулотга, жараёнга ва маркетингга оид инновацияларга бўлинган.

- маҳсулотга оид инновациялар — техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни (ишларни ва хизматларни) ишлаб чиқишга ҳамда жорий этишга қаратилган инновациялар; ташкилий инновациялар

- жараёнга оид инновациялар — техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқариш ёхуд таълим усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этишга, шунингдек технологиялар трансферини амалга оширишга қаратилган инновациялар;

- маркетингга оид инновациялар — маҳсулотларнинг дизайни ва кадоқларидаги ўзгаришларни камраб олувчи янги ёки такомиллаштирилган усуллари жорий этишга, маҳсулотни (ишларни ва хизматларни) сотиш ва тақдим этишнинг янги усулларида фойдаланишга, янги нархлаш стратегияларини шакллантиришга қаратилган инновациялар;

- ташкилий инновациялар — бизнесни ташкил этиш ва юритиш, иш ўринларини ташкил этиш ва ташқи алоқаларни йўлга қўйишнинг янги ёки такомиллаштирилган усуллари жорий этишга қаратилган инновациялар.

20-модда. Технологиялар трансферининг устувор йўналишлари ва усуллари, 21-модда. Технологиялар трансфери механизмлари, 22-модда. Технологиялар трансферини амалга ошириш чекловлари, 23-модда. Технологиялар трансфери учун шартнома тузиш ва рўйхатдан ўтказиш қоида белгиланган.

24-модда эса янги ишланмаларни тижоратлаштириш йўллари келтирилган. Янги ишланмаларни қўллаган ҳолда яратилган товарларни (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш; таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объектини ёки технологияни киритган ташкилот бўлган тижорат ташкилотларини ташкил этиш; интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни роялти ажратмаларига асосланган лицензия шартномаларини тузиш йўли билан бериш. Шунингдек интеллектуал мулк объектига доир ҳуқуқ эгасининг ташкилот устав фондидаги улуши миқдори таъсисчиларнинг ўзаро келишуви бўйича белгиланиши ва давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ёки давлат сирлари жумласига кирувчи маълумотларни ўз ичига олган

янги ишланмаларни тижоратлаштириш давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармони эълон қилинди. Концепция 5 боб ва 5 параграфдан иборат. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг стратегик мақсади- миллий иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устунликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестицияларни йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилаш, ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш шунингдек «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ва «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Концепциянинг 2-бобида Илм-фанни ривожлантириш зарурати, унинг жорий ҳолати ва мавжуд ўн тўққизта муаммолари кўрсатилган. 4-боб. Илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш қаратилган бўлиб, унда илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш шунингдек, илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш йўллари белгиланган.

Илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида қуйидаги ишлар: илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш; илмий фаолият инфратузилмалари (илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари доирасида миллий илмий лабораториялар тармоғи яратиш; илм-фанни ривожлантириш учун маҳаллий ва хорижий олимларга марказларнинг асбоб-ускуналари, тажриба-ишлаб чиқариш базалари ва бошқа илмий ресурсларидан фойдаланишга кенг имкон яратилгандагина илмий ташкилотлар ҳамда муассасалар салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш.

Бунинг учун илмий ташкилотлар ҳузурида илмий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича жамоавий фойдаланиладиган илмий



лабораториялар ҳамда GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозланган замонавий лаборатория мажмуалари босқичма-босқич ташкил этилиши; илмий ташкилотлар, университетлар таркибида илмий-инновацион кластерлар, инновация марказлари, конструкторлик устахоналари, бизнес акселераторлар, стартап акселераторлари ташкил қилиниши, ҳудудий марказларда эса инновация марказлари, ёшлар технопарклари, технологиялар трансфери марказлари, кичик илмий-ишлаб чиқариш кластерлари ҳамда инновацион полигонлар ташкил қилиниши; илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, маҳсулотлар маркетинги билан шуғулланадиган алоҳида компаниялар ташкил этилиб, илм-фанга оид дастурлар доирасида яратилган янги ишланмалар маркетингини юритиш ва шерикликда тижоратлаштириш мажбуриятлари юкланиши; хусусий сектор ва хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан давлат бошқаруви органлари иштирокидаги жамғармалар ташкил қилинади ҳамда янги ишланмаларни тижоратлаштириш учун шарт-шароитлар яратилиши; ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, илмий экспертиза жараёнида «манфаатлар тўқнашуви» омилларини чеклаш мақсадида илмий лойиҳалар экспертизасига масъул тузилма ташкил қилиниб, муҳокамаларга чет эл мутахассисларини жалб қилган ҳолда экспертизанинг тўла интерактив платформа орқали ўтказилиши кўрсатиб ўтилган.

## **1.2. Университетларнинг пайдо бўлиши ва университет концепцияси эволюцияси.**

Университетлар Европа Ўрта асрларида XII-XIII аср охирларида "нимадир ўқитишни истаган қобилиятли одамлар ва ўрганишни истаган ёшларнинг бирлашиши натижасида" пайдо бўлган<sup>3</sup>. Ўрта асрларда *universitas* атамаси (*лотинча* - "яхлитлик", "бутунлик")<sup>4</sup> бир қатор жамиятлар ва бирлашмалар учун ишлатилган, аммо олий таълим тизимининг ривожланиши билан атама маълум бир мақсад учун яратилган - бундай иттифоққа мос келадиган барча хусусиятларга эга бўлган таълим учун яратилган корпорациянинг фақат битта турига берилади.

Мактаб таълимини такомиллаштириш ва черковга бевосита боғлиқ бўлмаган мактабларнинг пайдо бўлиши университетларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Монастирларнинг эҳтиёжлари учун ўқувчиларни ўқитадиган монастир мактабларидан фарқли ўлароқ, фуқаролик ва черков ишларида ўқитувчиларга ўқитувчи бўлган епископал собор мактаблари ва

<sup>3</sup> Laurie, S. S. Lectures on the Rise and Early Constitution of Universities. London: Kegan Paul, Trench & Co., 1886. 326 p.

<sup>4</sup> Латинско-русский и русско-латинский словарь / А. В. Подосинов [и др.]. М.: Флинта, 2015. 752 с.

черковга алоқаси бўлмаган шаҳар мактаблари вақт ўтиши билан пайдо бўлиб, ўқувчиларни фуқаролик ва бозор эҳтиёжларига тайёрладилар. Шаҳар мактаблари черков билан боғлиқ бўлмаганлигига қарамай, уларда руҳонийлар дарс беришарди. Кейинчалик мактаблар университетларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлди.

Университетларнинг пайдо бўлишига бир қатор ҳолатлар ва сабаблар, масалан шаҳарларнинг ривожланиши, жамиятнинг фикрлаш тарзидаги ўзгариш, давлат томонидан университетларни ташкил этишнинг иқтисодий фойдалари тан олинishi, ҳукуматнинг маълумотли кадрлар пайдо бўлишидан манфаатдорлиги ва таълим олишни истаган қизиқувчиларнинг пайдо бўлиши каби омиллар ёрдам берди. Оқибатда ҳамкорлик натижасида шаҳар ва университет ўзаро манфаатли фойда олди. Шаҳар университетни дарслар учун жойлар ва талабалар учун инфратузилма билан таъминлади, университет, ўз навбатида, шаҳарга янги аҳолини жалб қилди ва савдо ривожланишига ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайишига сабаб бўлди.

Дунёвий ҳокимият учун университетларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошланғич мақсади пайдо бўлган бошқарув давлат аппарати учун мутахассисларни тайёрлаш, университет берган ҳудуднинг алоҳида ҳолати ва талабаларнинг ташрифидан қўшимча даромадларни жалб қилиш эди. Шаҳарларнинг фаол шаклланиши, бозор муносабатларининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш ҳамда саноатнинг изчил ташкил этилиши билан шаҳар ҳокимияти янги мутахассисларга кескин эҳтиёж сезди. Қирол ҳокимиятига аристократиядан фарқли ўлароқ янги интеллектуал элитани шакллантириш учун шифокорлар, тилшунослар, таржимонлар ва ҳуқуқшунослар керак эди. Черков дунёвий ҳокимият билан бир қаторда, ўз мавқеини ва папа ҳокимиятини мустақамлаш учун таълимни ривожлантириш ва тарқатишда, шунингдек, бидъатларга қарши курашишда, университетлар ва ўқитувчиларни молиявий ҳамда маъмурий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Университет таълимини ривожлантиришда черковнинг иштироки уларнинг ўз тузилмаларида ўқимишли кадрларга бўлган эҳтиёжга боғлиқ эди. Дунёвий ва черков ҳокимиятининг ҳомийлиги туфайли талабалар барқарор ижтимоий мавқега, солиқлар ва йиғимлардан озод қилиш, иш ташлаш ва фақат шаҳарнинг маъмуриятига эмас, балки ўзларининг профессорлари ва епископларига бўйсунуш ҳуқуқи каби университетларнинг оммавийлигини оширишга ёрдам берадиган кўплаб имтиёзларга эга бўлдилар.

Университетлар талабалар томонидан ҳудудий ёки тил асосида ташкил этилган биродарликлардан (қардошликлардан) ва профессорлар томонидан

ўқитиладиган турли хил билимларга мос келадиган факультетлардан иборат эди. Қонунларга кўра, бир меҳмон ватандошининг жинояти учун ҳибсга олиниши мумкин эди, аммо жамоат ичида талабалар ушбу қоидадан ҳимояланишди.

Биродарликлар, шунингдек, талабаларга ўзларининг шахсиятини сақлашга ва тезроқ мослашишга ёрдам берди. **XIX** асргача факультетларга бўлиш Аристотел тизимига мувофиқ амалга оширилган, тўртта классик факультет асосий ҳисобланган: илоҳиёт, тиббиёт, ҳуқуқ ва либерал санъат. Париж университетида биринчи марта факультетлар пайдо бўлган ва худди шу фан бўйича ўқитувчилар гуруҳи бўлган. 1231 йилда Папа Грегори **IX** буқаси имзолангандан сўнг, факультетларда сезиларли ўзгаришлар рўй берди - ҳар бир факультет ўз қоидалари ва ички тартибларини ўрнатиши мумкин эди ва бошқа факультетнинг ишларига аралаша олмасди, факультетлар бошида раҳбарлар- деканлар пайдо бўлди.

Бутун Европада университетлар юқори тезликда очилди. Европадаги биринчи университетлардан бири Болония университети бўлиб, унинг ташкил топган санаси 1088 йил деб номланган, у ўз низомини 1158 йилда қабул қилган. 1150 ва 1170 йилларнинг орасида Париж университетига асос солинган, ундан кейин Оксфорд (1096 й.), Кембриж (1209 й.), Арццо (1215 й.) ва бошқа шаҳарларда университетлар очилган. **XIII** аср охирига келиб, Европада 20 га яқин университет мавжуд эди, **XIV** асрда уларнинг сони 45 га яқин эди. Турли мамлакатлар университетлари тарихий меросдан келиб чиққан ҳолда ўз ихтисосларига эга эдилар. Масалан, испан университетлари тиббиётни ўрганишга ихтисослашган, араб табибларидан йиғилган тажрибани такомиллаштирганлар, Италия университетлари эса ҳуқуқшунослик соҳасида кучли бўлган.

Вақт ўтиши билан иккита университет модели шаклланди - талабалар раҳбарлик қилган Болония университети ва ўқитувчилар ҳамда профессорлар устунлик қиладиган Париж университети.

Болония Университети Рим ҳуқуқини ўрганувчи ҳуқуқшунослик мактаби негизида ташкил этилган ва Ўрта асрларда ҳуқуқни ўрганишнинг асосий маркази эди. Болонияда Ўрта аср тушунчаси ва ўқитиш методикаси шаклланди. Машғулотлар цикли ҳуқуқий матнларни ўқиш ва шарҳлаш орқали рим ва канон қонунларини ўрганган маърузалар ва баҳслардан иборат эди<sup>5</sup>. Баҳсларда суд амалиётининг ғайриоддий ва мунозарали прецедентлари муҳокама қилинарди, талабалар зиддиятни ва унга қарши бўлган далилларни ҳал қилиш усулларини таклиф қилардилар, шундан сўнг ўқитувчи далилларни таҳлил қилиб, ҳукм чиқарарди. Болония талабалари хусусий

<sup>5</sup> Суворов, Н. С. Средневековые университеты / Н. С. Суворов. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012. 256 с.

шахслар ва дунёвий ҳокимиятга маслаҳат берадиган ҳуқуқшунослар (юристарлар) бўлиши билан бир қаторда, уларнинг фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этувчи ва даромад олишга имкон берадиган воситачилар ва судьялардан ташқарида ҳам ҳаракат қилганлар. XIII асрнинг бошларида Болония Университетида иккита университет ташкил топди, улар фақат юридик талабалардан иборат бўлиб, биттаси Италиядан келган талабалардан иборат - ситрамонтанлар ("Алп тоғларининг бу томонида яшайдиган"), иккинчиси - бошқа Европа мамлакатларидан келган ултрамонтанлардан ("тоғларнинг нариги томонида яшайдиганлар") иборат эди. XIII – XIV асрлар охирида Тиббиёт талабаларини (улар асосий ўринни эгаллаган), риторика, математика, физика ва нотариусларнинг касб-хунарларини бирлаштирган эркин санъат университети яратилди<sup>6</sup>. Болония университетлари фақат ташриф буюрган талабалардан иборат эди - Болония аҳолиси университетдан чиқарилди, бу эса университетга автономия ва дунёвий ҳокимиятдан мустақилликни таъминлади.

"Шифокорлар коллежи" деб номланган ўқитувчилар уюшмалари бундан олдин университет талабалари томонидан ташкил этилган. Учта коллеж бор эди: Рим ҳуқуқи ўқитувчилари, канон ҳуқуқи ўқитувчилари ва тиббиёт ҳамда бошқа эркин санъат ўқитувчилари<sup>7</sup>.

Ҳайъатлар бўлажак ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиши ва докторантурага номзодларни таклиф қилиши мумкин эди. Талабалар университетларидан фарқли ўлароқ, фақат Болониянинг фуқароси ҳайъат аъзоси бўлиши мумкин эди. Болония Университетида барча куч талабаларнинг қўлида эди, яъни улар амалда ўқитувчиларнинг иш берувчилари бўлиб ва улар кимнинг маърузаларини тинглашлари керак, кимнинг раҳбарлиги остида ўқишни танлашлари ва шунингдек, ўқитувчиларнинг иш ҳақини белгилашлари мумкин эди.

Ўрта асрларда диний ва фалсафий таълимнинг марказига айланган Париж университети Нотр-Дамдаги собор мактабидан ва Санкт-Женевьева аббатлиги ва Санкт-Виктор аббатлигидаги монастырлардан<sup>8</sup> пайдо бўлди. Кўпгина университетлар учун намуна бўлиб хизмат қилган Париж Университетида менежмент (бошқарув) талабаларга эмас, балки магистрларга (ўқитувчиларга, менежерларга) тақдим этилди.

1219 йилда черков маъмурлари (черков ҳокимияти) талабаларни илоҳиётни ўрганишдан кўра кўпроқ иштиёқи туфайли Парижда Рим ҳуқуқини ўқитишни тақикладилар. Кўп ўтмай, Болония университети

<sup>6</sup> Суворов, Н. С. Средневековые университеты / Н. С. Суворов. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012. 256 с.

<sup>7</sup> Ле Гофф, Ж. Интеллектуалы в Средние века / Ж. Ле Гофф. СПб. Издательство СПбГУ, 2003. 160 с.

<sup>8</sup> Суворов, Н. С. Средневековые университеты / Н. С. Суворов. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012. 256 с.

хуқуқшунослик соҳаси ва Париж Университети илоҳиёт соҳасида чироқ сифатида хизмат қилади деган ишонч пайдо бўлди<sup>9</sup>. Бизга маълумки, факультетларга биринчи бўлиниш айнан Париж Университетида пайдо бўлди, кейинчалик улар билан ҳамкорликдан ташқари янги ташкилий модел - коллеж пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан бошқа шаҳарларда коллежлар очила бошлади ва XIV аср бошларига келиб уларнинг сони 25 тадан ошди, шу тарзда уларнинг сони тез ўсиб борди. Дастлаб, коллежлар тўловга қодир эмас талабалар учун ётоқхона эди, аммо вақт ўтиши билан улар имтиёзли муассасаларга айланди, уларда талабалар нафақат яшабгина қолмай, балки ўқиб, талабалар элитасини шакллантирдилар.

Ўрта аср университетлари танланган амалдорларга эга бўлган демократик ташкилотлар эди ва дунёвий ҳамда черков ҳокимиятининг ҳомийлиги туфайли мавқеи янада ошди. Шунга қарамай, В.Рюгг ёзганидек, "улар илм-фан чўққиларини забт этишга тайёр эмас эдилар, чунки улар анъанавий эътиқоднинг тўпланган захирасини қандай сақлаш кераклиги масаласида пайдо бўлган даврда туғилганлар"<sup>10</sup>.

XVI асрнинг бошларида университетлар сони сезиларли даражада ўсди, аммо уларнинг мақомида ёки таълимни ташкил этишда сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Ўзгаришлар фақат Уйғониш даврининг келиши ва инсонпарварлик фалсафасининг пайдо бўлиши билан бошланди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида қаттиқ масофа бўлган Ўрта аср мактабининг қоидалари ўрнига махсус таълим ва мутахассислик билимлари ва ҳаваскор олимларни бирлаштирган янги билимларни, гуманитар тадқиқотларни биргаликда излаш тушунчаси келди. Шу билан бирга, Юнонистоннинг янги атамаси – академия нутқида илдиз отди. Босма матбуот ихтироси ҳам янги ғояларнинг тарқалишига ёрдам берди.

Илм-фан ва университет таълимини ривожланишининг навбатдаги босқичи табиатни аниқ кузатиш билан боғлиқ. Ривожланишнинг янги тўлқини янги билимларни уларга тегишли мавзуларни ўргатишнинг белгиланган тартибига таҳдид сифатида қабул қилган университетларни четлаб ўтди. Амалий фанлар пайдо бўлишининг натижаси университетлар билан боғлиқ бўлмаган мустақил ихтисослаштирилган мактабларнинг ташкил этилиши эди. Бу даврда, шунингдек, черков таъсири остида университетларнинг сони кўпая бошлади. Франция инқилобидан сўнг тугатилмаган университетларни алмаштирадиган олий мактаблар, дастлабки политехника ва ҳарбий факультетлар пайдо бўлган. Инновациялар Ўрта аср ёндашуvidан университет таълимининг янги босқичига ўтишни англатарди,

<sup>9</sup> Ле Гофф, Ж. Интеллектуалы в Средние века / Ж. Ле Гофф. СПб. Издательство СПбГУ, 2003. 160 с.

<sup>10</sup> Ruegg W. A History of the University in Europe // EuropeanHistory Quarterly, 2008. №1. P. 185-187.

айни пайтда хусусий университетларнинг биринчи прототиpleri пайдо бўлди. Университет моделини янгилаш ўз навбатида янги университетлар ва факультетларни яратишга тўсқинлик қилувчи мавжуд университетларни, шунингдек, янги фанларни ўқитишни сезиларли даражада мураккаблаштирди. Вақт ўтиши билан анъанавий университетлар янги фанлар ва илмий усулларни қабул қила бошладилар ва бунинг натижасида Германияда янги университет модели пайдо бўлди - Гумболдт<sup>11</sup>. Кейинчалик тадқиқот университетининг прототипига айланган немис классик университетининг модели ҳисобланди.


Шундай қилиб, саноат даврининг бошланишидаги ислохотлар натижасида ўрта асрдаги врачлар, юристлар, теологлар университетлари - олимлар ва муҳандисларнинг табиий-илмий университетига айланди.

Вильгелм фон Гумбольд(1767-1835 йй.) бугунги кунда классик университетнинг 4 та функциялари тўғрисида қуйидагиларни келтириб ўтган: билимларни ишлаб чиқиш; билимларни тўплаш ва сақлаш; билимларни узатиш; билимларни тарқатиш.

XIX асрнинг охирида университетларнинг таълим модели биринчи илмий инқилоб натижасида илм ва таълимни бирлаштирувчи тадқиқот университетларига трансформация қилиш жараёни рўй берди.

К. Ясперс (1949 й.)нинг фикрича, университет вазифаларини учтага ажратиш мумкин - тадқиқот, билимларни узатиш (таълим) ва маданият.

Бугунги кунда университетларнинг 3 та асосий шакллари ажратдилар (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Университетларнинг 3 та асосий шакллари.

<sup>11</sup> Виссема, Й. Университет третьего поколения / Й. Виссема.М.: Олимп-Бизнес, 2016. 480 с.



Иккинчи илмий инқибол деб аталадиган даврда (XX асрнинг иккинчи ярмида) билимни “ўзлаштириш” - классик университет ўрнига янги билимларни “яратувчи” ноклассик университет келди.

XX асрнинг охирларидан бошлаб инсоният университет эволюциясининг навбатдаги модели-тадбиркорлик моделини муҳокама қилишмоқда<sup>12</sup>.

Тадқиқот университетлари. 1809 йилда таниқли немис дипломати Вилгелм фон Гумболдт Берлиндаги илмий муассасаларнинг ички ва ташқи ташкилоти тўғрисида меморандумни эълон қилди, унда кейинчалик классик немис таълими асосига айланган тамойиллар тасвирланган<sup>13</sup>.

Университет мухториятга айланди - давлат ўқитувчилар ва олимларга таъсир кўрсатмади, улар ўқиш ва ўқув услубини ўз хоҳишига кўра танлашлари мумкин эди, талабалар танлаш эркинлиги улар олган касб доирасида ўқув курсларини мустақил танлаш билан боғлиқ эди. Ўқитиш сифати ҳам яхшиланди - дарслар уни яхши бажарганлар томонидан эмас, балки амалий тадқиқотчилар ва олимлар томонидан олиб борилди. Ўқитиш ва тадқиқотнинг бирлиги тамойили ҳамда машғулотнинг янги тури пайдо бўлди - ўқитувчи ва талабалар биргаликда иккала томон учун ҳам қизиқадиган илмий йўналишларни биргаликда ўрганадилар. Университетлар ҳам давлат томонидан молиялаштирила бошланди, натижада давлат томонидан профессорлар тайинлана бошланди.

Гумболдт университети 1810 йилда Берлинда очилган. Унинг мафкураси файласуф Шлеермахернинг қарашларига асосланиб шундай деган эди: "Университетнинг вазифаси мактаб ва коллежларда бўлгани каби, умумий тан олинган ва амалий билимларни етказиш эмас, балки қандай қилиб бу билимлар олинишини ўргатишдир; талабаларнинг илмий изланишларга қизиқишини уйғотиш ва уларнинг барча фикрларида илм-фаннинг асосий қонунларини инобатга олишларига ёрдам бериш"<sup>14</sup>. Гумболдт университети - бу "тадқиқот, таълим ва бепул ўқитиш ғояси"<sup>15</sup>.

Гумболдт университетида замонавий илмий услублар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ўқув жараёнида асосий ролни ўйнайди. Илмий изланишлар ўқув жараёнига киритилди, уларда профессорлардан ташқари талабалар кўпроқ иштирок этдилар. Тадқиқотлар бошқа олимлар

<sup>12</sup> Тазарбеков К.А. К разработке « Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы. - алматы: Университет «Туран», 2016. С. 4.

<sup>13</sup> Дуда, Г. Введение к меморандуму Вильгельма фон Гумбольдта «О внутренней и внешней организации высших научных заведений в Берлине» // Университетское управление: практика и анализ. 1998. №3. С. 24-27.

<sup>14</sup> Ruegg W. A History of the University in Europe // EuropeanHistory Quarterly, 2008. №1. P. 185-187.

<sup>15</sup> Ясперс, К. Идея университета / К. Ясперс. Минск: БГУ, 2006.159 с.

томонидан олинган натижаларни ўрганиш ва замонавийлаштиришга имкон берадиган оқилона ёндашувга, экспериментларга (тажрибаларга), жиддий далилларга ва муҳокама қилиш майдонига таянди. Илмий хулосалар фақат мураккаблик ва мақсадга мувофиқлик тамойилларига асосланиши керак эди.

Биринчи академик тадбиркорликка ўтиш 1862 йилда тузилган муҳандислик ишига ихтисослашган ва минтақавий эҳтиёжлар учун ҳукуматдан ер оладиган Массачусетс технология институтида (Etzkowitz, 2002) рўй берди. Кейинчалик академик тадбиркорлик XX асрнинг бошида ва ўрталарида гуманитар фанлар йўналишларида қўлланиладиган Стэнфордга ўтказилди. Ҳозирги даврда бунга ўхшаган жараёнлар бутун дунёда рўй бериши натижасида қатор университетлар учинчи - иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш миссияни амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. Бунга иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва маҳаллий академик ва маданий анъаналарга боғлиқ бўлган фаолликни янада жадаллаштириш йўли билан эришилади.

Хоҳлаганлар илмий ютуқлардан фойдаланишлари мумкин эди, уларни текшириш учун эркин фойдаланиш мумкин ва қисман жамият эгалик қилади, шу мақсадда улар ихтисослаштирилган даврий нашрларда ва китобларда нашр этилди. Университет таълимининг асосий мақсади фанни ривожлантириш ва шакллантириш эди. Университетларнинг таркибий тузилмаси ҳам ўзгарди, битта фанга ихтисослашган факультетлар уларнинг асосига айланди; ҳамжамият (биродарлик) ва коллежлар деярли ғойиб бўлди.

Университет моделига кўра ҳарбий-техник академиялар ташкил этила бошланди, кейинчалик улар политехника институтларига айлантирилди, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига ихтисослашган университетлар ҳам очилди. Шундай қилиб, 20-асрнинг биринчи чорагига қадар олган университетлар, ҳарбий, политехника, тижорат, тиббий, ветеринария, қишлоқ хўжалиги, таълим, сиёсий ва мусиқа соҳаларида билим берарди. Гумболдт университети нафақат Европада, балки АҚШда ҳам университетларни яратиш учун намуна бўлди. Университетлар тизими 19-асрда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожланиши учун зарур бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда шаклланди.

Ўша давр муаллифларининг аксарияти немис университетларининг классик моделини қўллаб-қувватлаб, "немис университетлари цивилизациялашган дунёдаги университетлар учун нормага айланди"<sup>16</sup>, университетда илм-фан ва фикр эркинлигининг аҳамияти ушбу моделнинг асосий устунлиги ҳисобланади. Аммо бу моделга қарши бўлганлар ҳам бор

<sup>16</sup> Сперанский, Н. В. Кризис русской школы. Торжество политической реакции. Крушение университетов / Н. В. Сперанский. М.: Типолитография т-ва И.Н. Кушнерев и Ко, 1914. 271 с.



эди, улар чет эл моделларини такрорлашни тўхтатиш ва рус ҳақиқатларига мослаштирилган ўз моделини яратиш кераклигини таъкидлашди. 20-асрнинг биринчи чорагида инқилобдан олдинги Россия университети Европанинг энг қадимги университетларининг инқирози билан боғлиқ бўлган инқирозни бошдан кечирди. Германия университетлари ўзгаришларни қабул қилмаслик ва фанни ислоҳ қилишда ҳамда университетни демократлаштириш тарафдори бўлганликда айблана бошладилар. Европа университетларидан фарқли ўлароқ, шу жумладан техник факультетларни ҳам ўз ичига олган Америка университетлари келтирилган.

Университет 2.0 нинг ўзига хос хусусиятлари:

- асосий мақсадлар илмий ва тижорат мақсадларида эмас, балки илм-фан тараққиёти йўлида олиб бориладиган тадқиқотлар;
- илмий нашрлар ва кашфиётлар сони бўйича университетларнинг рейтинги;
- университетлар ўртасида рақобат руҳининг йўқлиги;
- моноинтизомий тадқиқотлар;
- таълимнинг “элитизми” (“элитарлилиги”) - фақат қобилиятли ва бадавлат талабалар маълумот олишлари мумкин;
- университет ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг йўқлиги;
- миллийлаштириш - ўқитиш давлат тилида олиб борилади;
- молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакли давлатдир.

Классик немис университетининг модели ўз даври учун муваффақиятли бўлган, аммо маълум бир пайтда у танқидга учраган ва бир қатор сабабларга кўра замонавий талаблар ва тенденцияларга мос келмай қўйган. 20-аср ўрталарида талабалар сони кескин кўпайиб, бу бюджет маблағларининг кўпайишига ва университет фаолияти устидан давлат назоратининг кучайишига олиб келди, бюрократия даражасини сезиларли равишда оширди ва ўқитувчиларнинг илмий изланишларидаги йўналишни танлаш эркинлигини камайтирди. Талабалар сонининг кўпайиши ҳам олий маълумот даражаси ва сифатига салбий таъсир кўрсатди, талабалар сони кўпайганига қарамай, ҳаммаси ҳам ўқишни тугатмади. Глобаллашув туфайли инглиз тили университет муҳитида лотин ва миллий тилларнинг ўрнини босадиган янги универсал тилга айланди. Саёҳат ва алоқа харажатлари нархининг сезиларли даражада пасайиши натижасида талабалар ҳаракати эркинлиги ва чет эл университетларида ўқиш имконияти ошди. Талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги ўқув ва янги тадқиқотлар учун маблағ ажратадиган турли хил фондлар томонидан қўллаб-қувватланди. Бу омиллар, айниқса катта ёшдаги талабалар ва ёш олимлар учун курашда университетлараро

рақобатнинг кучайишига олиб келди. Болония жараёни, Сорбонна ва Болония декларациялари ҳам таълим модели ва университет тушунчасига сезиларли таъсир кўрсатди. Болония жараёнининг асосий мақсади олий таълим тизимини модернизация қилиш орқали Европада рақобатбардош иқтисодий яратиш учун юқори даражадаги мутахассислар ва малакаларни тайёрлашдир. Болония декларациясини 1999 йилда Европа давлатларининг 29 вазири имзолаган<sup>17</sup>, 2004 йилда келишувда иштирок этган давлатлар сони 40 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда Болония жараёнида 48 та давлат катнашмоқда.

Болония жараёнининг асосий мақсадлари ва вазифалари<sup>18</sup>:

- Европа олий таълимининг сифати ва жозибадорлигини ошириш;
- бакалавр, магистратура ва аспирантурада битирувчилар учун ягона малака тизимини жорий этиш ва ўзаро тан олиш;
- Европа олий таълим ҳудудини яратиш;
- талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлигини ошириш;
- кредит пунктлари (ECTS) кредит тизимини яратиш ва бошқалар.

Таълим дастурлари даражасини назорат қилиш ва керакли даражада ушлаб туриш учун ўқув дастурларининг аккредитацияси яратилди, бу дастурнинг мазмуни ва ҳажмининг берилган малака билан мувофиқлигини баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилади. Академик ҳаракатчанликни ривожлантириш учун турли хил университетларда ўқиш натижаларини аниқлаш ва таққослаш, шунингдек, касбий тайёргарликнинг сифати ва даражасини аниқлашга имкон берадиган Трансфер Кредит Бирликларининг Европа тизими (ECTS) яратилди. Икки босқичли таълим тизимини яратилиши Гумболдт университети моделида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу шуни кўрсатдики, бакалавр доирасида ўқитувчи тадқиқот қобилятини йўқотади, турли одамлар яна ўқитиш ва тадқиқотлар билан шуғулланадилар. Илм-фан университетларни тарқ этади - тадқиқотлар фондлар доирасида олиб борилади, олимлар конференциялар ва симпозиумларда нутқ сўзлайдилар, тадқиқот натижалари оммага очиқдир. Университет моделини ривожлантиришнинг яна бир омили янги тадқиқот турларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бўлди. Дастлаб, тадқиқотлар битта илмий интизом доирасида олиб борилган, аммо вақт ўтиши билан улар икки ёки ундан ортиқ фанлар, кўп йўналишли тадқиқотлар бирлашувида ўзгартирилди ва амалга оширила бошланди, технология ҳамда

<sup>17</sup> History // European higher education area. 2015. URL: <http://www.ehea.info/pid34248/history.html> (дата обращения: 02.10.2017).

<sup>18</sup> The Bologna Declaration of 19 June 1999 // European higher education area. 2015. URL: [http://media.ehea.info/file/Ministerial\\_conferences/02/8/1999\\_Bologna\\_Declaration\\_English\\_553028.pdf](http://media.ehea.info/file/Ministerial_conferences/02/8/1999_Bologna_Declaration_English_553028.pdf) (дата обращения: 02.10.2017).

лойихалаштириш, транс интизомий тадқиқотлар билан бирлаштирилди. Фанлараро тадқиқотда турли соҳалар ва турли факультетлар мутахассислари лойиханинг бирон - бир соҳасига мурожаат қилмасдан биргаликда ишлайди. Классик немис университети модели янги турдаги тадқиқотларни ўтказиш учун мос эмас эди, бу эса ташкилий тузилмани модернизация қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Тадқиқотга янги турлар ва ёндашувларнинг ривожланиши илмий гуруҳнинг сезиларли даражада ўсиши ва кўплаб қимматбаҳо замонавий ускуналардан фойдаланиш зарурати билан боғлиқ ҳолда уларнинг нархини оширди. Тадқиқот харажатларининг ошиши келажакда университетларни нафақат давлатдан, балки компаниялардан ҳам маблағ излашга мажбур қилди, бу эса келажакда биргаликда ҳамкорлик учун кенг уфқ очади. 20-асрнинг бошларида университетлар амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказишга қизиқиш билдирмадилар, уларнинг асосий ва ягона мақсади фақат фундаментал фан эди. Аммо, саноат аллақачон ривожланиб борди ва янги ихтиролар, кашфиётларга талаб пайдо бўла бошлади, уни университетлар қониқтирмоқчи эмас эди. Шу муносабат билан саноат корхоналари ва турли бўлимлар томонидан яратилган ихтисослаштирилган амалий тадқиқотлар институтлари фаол равишда очила бошланди. Илғор тадқиқотлари ва кашфиётлари билан янги институтлар илм-фан ва жамиятнинг замонавий эҳтиёжларига мослашишни истамаган университетларнинг эскирган модели учун жиддий рақобатчиларга айланди. Университетларнинг ривожланишида янги ИТ-компаниялар ва уларда юқори технологияли стартапларнинг пайдо бўлиши, илмий изланишлар ва битирувчилар учун янги иш жойлари яратилиши бўлди. Университетлар ва давлат ишсизлик муаммосини камайтирадиган, иқтисодий ривожланиш ва инновацион салоҳиятни оширадиган технологик кластерларни яратишга интилоқда. Кўпинча бундай компаниялар битирувчилар ва талабаларнинг ўзлари томонидан яратилади. Шу билан бирга, университетлар ва ишлаб чиқариш компаниялари ўртасида корпоратив буюртмалар ва ишланмаларнинг бир қисмини таъминлайдиган ҳамкорлик машхурлик касб этмоқда.

Университет 2.0 нинг функциялари таълим хизматлари ва илмий изланишларни тақдим этиш билан чекланган, ихтироларни тижоратлаштириш талаб қилинмаган - бу амалий тадқиқотлар ва илмий-техник ишланмалар билан боғлиқ ташкилотларнинг вазифаси эди.

### **1.3. Тадбиркорлик университети – университет ривожланишининг замонавий босқичи сифатида – 3.0 концепцияси.**

Университет - бу фундаментал ва кўпгина амалий фанлар бўйича мутахассислар таҳсил оладиган олий таълим муассасидир. Қоидага кўра у

илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб боради. Кўпгина замонавий университетлар ўқув-илмий-амалий комплекс сифатида фаолият юритадилар. Университетлар ўз таркибига илмий бидамлар асосларини ташкил этувчи турли хил фанлар йиғиндисини намоён этувчи бир нечта факультетларни бирлаштиради.

Бугунги кунда олий таълим тизими бозор томонидан сезиларли даражадаги босимга дуч келмоқда: давлат ва нодавлат молиялаштириш нисбати ўзгармоқда, олий таълим муасасалари борган сари бюджет маблағларини кам миқдорда олиб, улар ҳомийларни кўпроқ фаол равишда жалб этиш ҳисобига молиялаштириш манбаларини диверсификациялашга, ўқиш учун тўловлар миқдорини оширишга, шунингдек ўз тадбиркорлик фаолияти ва бошқа хўжалик фаолияти турлари ҳисобига маблағлар топишга мажбур бўлмоқдалар.

Замонавий университет жамиятнинг фаол, кўпқиррали ва самарали фаолият юритувчи институти бўлиб, бир вақтнинг ўзида учта йирик вазифаларни ҳал этиши лозим: таълим, илмий ва инновацион-тадбиркорлик. Бундай университетларда академик таълим олиш билан бир қаторда битирувчиларнинг тадбиркорлик фаоллигини ҳам рағбатлантириш лозим, бу ўз навбатида университетнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази бўлишига имкон яратади<sup>19</sup>.

Тадбиркорлик университети тарихи Калифорнияда (XX асрнинг 40 йилларининг охири 50 йилларнинг бошларида) Силикова (Кремли) водийсини яратиш билан бошланади. Бунинг асосий мақсади Массачусета технологик университети билан бизнес ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлган.

Европада биринчи тадбиркорлик шаклидаги биринчи университет 1994 йилдан Халмерс университети (Гетеборг) ҳисобланади.

Биринчи марта “тадбиркорлик университети (институт)” ибораси британиялик тадқиқотчи Бертон Кларкнинг “Тадбиркорлик институтларини яратиш. Трансформациянинг ташкилий йўллари” номли китобида қўлланилган. “Тадбиркорлик университети” концепциясининг муаллифи бўлиб Стэнфорд университети профессори Генри Ицковиц ҳисобланади<sup>20</sup>.

### **Тадбиркорлик университетининг асосий қирралари.**

1. Тадбиркорлик университетлари ижтимоий тадбиркорлик билан шуғуланадилар. П. Друкер “тадбиркорлик на фанга, на санъатга тааллуқли эмас - бу аниқ фаолият, амалиёт” деб ҳисобланаган.

<sup>19</sup> Самойленко К.А. Перспективы развития инновационнопредпринимательских университетов: [http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk\\_chut\\_2014\\_3\\_177182.pdf](http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk_chut_2014_3_177182.pdf).

<sup>20</sup> Тазарбеков К.А. К разработке «Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы.- алматы: Университет «Туран», 2016. С. 5.

Тадбиркорлик университетининг мазмун-моҳиятини ҳатто Й.Шумпетер (1883-1950 йй.) томонидан аниқланган қуйидаги 4 та жиҳат орқали ифодалаш мумкин:

- янгиликлар (инновациялар)га интилиш;
- таваккалчиликни билиш;
- ўз кучига ишониш;
- ўз мустақиллигини ҳис этиш.

Тадбиркор “креатив бузиш” билан шуғулланади ва ресурсларнинг янги комбинацияларини амалга оширади.

2. Тадбиркорлик университети ўз фаолиятини молиялаштиришнинг кўпканалли тизимига эга. Унинг асосий манбалари: 1) таълим хизматларини амалга ошириш; ўқув-услубий адабиётларни нашр этириш ва сотиш; 3) маблағларни бизнестан қўшма тижорат лойиҳаларни жалб этиш орқали топиш; 4) минтақавий буюртмаларни бажаришдан тушумлар; 5) давлат буюртмалари; 6) битирувчилар; 7) халқаро филантропик(ҳомийлик, хайрия) ташкилотлар. Фандрейзинг (турли мақсадлар учун пул маблағларини йиғиш). Эндаумент (хайрия инвестицион фонди, университет ҳамжамиятини қўллаб-қувватловчи жуда муҳим дастак).

3. Тадбиркорлик университети доимий равишда янги фаолият турлари билан шуғулланиш борасидаги яъни, рақобатчиликни кучайтириш ва фаолиятни диверсификациялаш, маркетинг хизматини яхшилаш каби ташаббуслар билан чиқади. Шунингдек, мавжуд (назорат қилинадиган) ресурслар ва инновациялар доирасидаги имкониятларни излаш, технопаркли муҳит ва технопаркча тафаккур билан шуғулланадилар.

4. Тадбиркорлик университети ўзининг ички кучига(пермаментли) мос ҳолда чуқур трансформациясини амалга оширади. Тадбиркорлик университети-бу амбицион мақсадлар + самарали ташкилий ўзгаришлардир. Тадбиркорлик ташкилотига фан, таълим ва инновация ўртасидаги янги баланс керак бўлади.

Инновациявийлик ва лойиҳали йўналтирилганлик ҳам таълимни ҳам илмий тадқиқотларни ўз ичига қамраб олади. Натижада, профессионализм тушунчасининг ўзгариши рўй беради. Фанлараро жамоавий ишлаш услуби тасдиқланади. Илмий тадқиқотларда асосий эътибор асосан амалий тадқиқотларга ва инновацияларни ишлаб чиқишга қаратилади.

5. Тадбиркорлик университети халқаро алоқаларни қўшган ҳолда ташқи муҳит билан ўзаро хатти-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқади. Тадбиркорлик университетининг ҳамкорлар билан кўп томонлама ўзаро хатти-ҳаракатларини Г.Ицковицнинг “Учала спирал” тамойили орқали кўриб чиқиш мумкин: бизнес, ҳукумат, университет.

“Учала спирал” моделининг асосида Г.Ицковицнинг қуйидаги тасдиқлари ётади:

1) бизнес, ҳукумат ва университетнинг ўзаро ҳамкорликдаги тадбиркорлик фаолиятидаги имконият тамойили;

2) ҳукумат, бизнес ва таълим моделида улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, инновацион иқтисодиётда университет бош ролни ўйнайди.

3) кўрсатилган субъектлар орасидаги ўзаро муносабатлар борган сари яқинлашиб, чегаралар босқичма-босқич йўқолиб бормоқда.

Тадбиркорлик университети ролининг ортиши билимларни “генерациялаш” механизми шакллантириш сифатида уларни амалиётда қўллашгача олиб боришга қодирлиги билан изоҳланади. Бунда акселерацион (кучайтирувчи) дастурлар, асосан ёшлардан иборат бўлган янги жамоалар муваффақиятли star-up – стартаплар (“жараённинг бошланиши”), spin-off - спинофлар (“реклама, хабар жўнатиш”, “ҳамкорликдаги натижа”) -тижорат мақсадидаги таклифлар учун шўъба компанияларни ажратиш йўли билан қайта ташкил этиш муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда тадбиркорлик университетлари глобал ахборот жамиятида ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда, цивилизациялараро синегрия сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада европаликлар америкаликлардан ўрганишган бўлишса, бизлар ҳам америкаликлар ҳам европаликлардан, ҳам хитойликлардан ҳам ўрганишимиз лозим.

Шундай қилиб, тадбиркорлик университети – бу:

биринчидан, университет-ўз миссияси доирасида тадбиркор;

иккинчидан, университет-инноватор. Унинг субъектлари инновацион, унинг фаолияти инновацион, унинг маҳсулоти инновацион;

учинчидан, университет-интегратор. Унинг барча субъектлари фаолияти якуний натижага йўналтирилган бўлиб минтақавий ҳамжамиятга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилади. У етакчи маҳаллий ва хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги “стратегик бирлашмалар”нинг иштирокчиси ҳисобланади.

Адабиётлар ва муомалада охириги пайтларда "тадбиркорлик университети" университет 3.0 номи билан аталиб россиялик мутахассислар Г.Н.Константинов ва С.Р.Филонович томонидан берилган таърифга кўра, тадбиркорлик университети - бу учта соҳада - билимларни яратиш, ўқитиш ва билимларни амалда ўзгартириш - янги фаолиятни бошлаш, ички муҳитни ўзгартириш ва ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларни ўзгартириш орқали чекловларни енгиб ўтиш учун мунтазам равишда ҳаракат қиладиган олий ўқув юрти<sup>21</sup>.

<sup>21</sup> Константинов Г. Н., Филонович С. Р. Что такое предпринимательский университет // Вопросы



А.О.Грудзинский тадбиркорлик университетини куйидагилар деб ҳисоблайди: 1) ўз фаолиятида мақсадли инновацияларга асосланган, ҳавф ва динамик талаб шароитида ишлашга қодир бўлган ташкилот; 2) рентабелли фаолият олиб борадиган ва биринчи навбатда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий жиҳатдан самарали ташкилот; 3) эгилувчан тармоққа эга либерал ташкилот; 4) асосий омиллар одамлар, гуруҳлар ва уларнинг тўлиқлиги бўлган ташкилот, бунда одамлар иши фойда ва ҳавф балансига асосланади; 5) раҳбарияти биринчи навбатда ходимларнинг ҳаракатларини режалаштириш ва назорат қилишни эмас, балки ташкилотнинг стратегияси доирасидаги фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган ташкилот, бу учун раҳбарият ижрочиларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини имкон қадар топширади; 6) истеъмолчи олдида турган ва унинг талабларига киритилган ўзгаришларга ўз вақтида ва мослашувчан жавоб беришга имкон берадиган ташкилот»<sup>22</sup>.

*Университет 3.0 нинг асосий хусусиятларини кўриб чиқамиз:*

*– Янги авлод университетининг асосий вазифаси сифатида билимларни шакллантириш ва тижоратлаштириш;*

Таълим хизматларини кўрсатиш ва илмий изланишларни амалга ошириш билан бир қаторда, 3.0 университети учинчи муҳим функцияга эга - ихтиролар ва билимлардан фойда олиш. Илгари университетлар интеллектуал фаолият натижаларини сотишган ва хайрия қилишган, аммо бу университетнинг асосий фаолияти ва даромадларидан бири эмас, балки ўқитувчилар учун кўшимча даромад олиш имконияти сифатида жойлаштирилган.

*– Саноат компаниялари, инвесторлар, венчур фондлар, йирик корпорациялар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа университетлар билан ўзаро ривожланган ҳамкорлик;*

Университет 3.0 технологик тадбиркорларни жалб қилиш марказига ва билим ва янги технологияларни ишлаб чиқарадиган жойга айланмоқда.

Замонавий рақобат шароитида, бутун дунё миқёсида муҳим халқаро тадқиқотлар ўтказиш ёки йирик илмий кашфиётларнинг яратилиш маркази бўлган университет ва касбий бошқарув ҳамда операцион хизматларни тақдим этадиган турли хил илмий-тадқиқот ташкилотлари, инвесторлар ва фирмаларнинг ҳамкорлиги билан амалга ошириш мумкин. Компаниялар ва илмий марказлар университет ҳудудида жойлашган бўлиб, бу уларнинг алоқасини, университет профессорларидан маслаҳат олишни ва талабаларни

образования. 2007. №1. С. 49-62.

<sup>22</sup> Грудзинский А. О. Университет как предпринимательская организация // Социологические исследования. 2003. №4. С. 113-121.

ривожланишга жалб қилишни осонлаштиради.

Университет 3.0 бутун дунёнинг энг яхши фикрларини жалб қилган ҳолда ўз атрофида тадбиркорлик экотизимини яратади, улар билан таққослаганда, университет 2.0 га яқин ҳудудлардан иқтидорли талабаларни жалб этган ҳолда минтақавий тадқиқот марказларига айланади.

– *Юқори халқаро рейтинглар;*

Янги авлод университетлари илмий нашрларнинг сони билан эмас, балки улар асосида яратилган технологик компанияларнинг тадқиқотлари ва капиталлашуви бўйича шартномалар миқдори билан баҳоланади.

– *Энг яхши мутахассислар, талабалар ва илмий-тадқиқот шартномалари учун фаол танлов (рақобат);*

Университет 3.0 да ўқишга киришга талаблар кучайтирилади, иқтидорли талабалар учун махсус шароитлар яратилиб, молиявий ёрдам учун маблағ ажратилади. Университетларга қабул қилиш тартибининг қатъийлашишига қарамай, иккита илмий йўналиш – стандарт дастур ва илғор илмий изланишларга асосланган мураккаб йўналиш пайдо бўлади.

– *Глобализация сиёсати - ўқитиш инглиз тилида олиб борилади (инглиз тилида дарс бериш);*

Барча дарслар бизнес тилига айланган инглиз тилида олиб борилади, давлат тили мактабдан ташқари соатларда бир мамлакатнинг талабалари ўртасидаги мулоқот тили бўлиб қолади. Ходимлар ва ўқитувчилар халқаро корпорациялардан ва дунёнинг етакчи университетларидан тобора кўпроқ жалб қилинмоқда.

– *Асосан фанлараро илмий тадқиқотларни ўтказиш;*

Фанлараро ва транс интизомий тадқиқотлар янги босқичга кўтарилмоқда - талабалар ва турли факультетларнинг вакилларидан иборат лойиҳавий гуруҳлар ташкил этилиб, бу қийин вазифаларни бажаришга, ваколатларини сезиларли даражада кенгайтиришга ва лойиҳа иштирокчилари ва интеграциялашган қарорларни қабул қилишга қодир бўлган биринчи даражали раҳбарларни тайёрлашга имкон беради.

– *Университет 1.0 моделига нисбатан яқин бўлган турли хил ўқитувчилар ва талабалар таркиби;*

Университетлар яна кўп маданиятли бўлиб келмоқдалар, бу талабаларга нафақат тадқиқот, балки маданий ва алоқа кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради.

– *Давлат бошқаруви ва аралашувига боғлиқликни камайтириш.*

Давлат университет 3.0 ни молиялаштиришни давом эттирмоқда, аммо тадқиқотларнинг сиёсатга боғлиқлиги ва таъсирини камайтириш учун молиялаштириш учинчи томон воситачилари орқали амалга оширилади.



Университет шунингдек, битирувчилар ва хайрия хомийларининг хайриялари орқали ажратиладиган маблағлар ҳисобидан маблағ олади.

Ўрта аср университетлари Болония ва Париж университетлари намуналари асосида яратилган, Берлиндаги Гумболдт университети ва немис классик университет модели кейинги авлод университетлари учун муҳим босқич бўлди, 3.0 университетлари учун эса ким намуна? Университет 3.0 соҳасининг етакчилари Массачусетс технология институти (АҚШ), Калифорния технология институти (АҚШ), Кембридж университети (Буюк Британия), Стенфорд университети (АҚШ), Сингапур миллий университети (Сингапур), Тел-Авив университети (Исроил) ва бошқалар ҳисобланади. Массачусетс технология институти (МТИ) мисолида тўхталиб ўтамиз.

Массачусетс технология институти 1861 йилда Кембрижда АҚШнинг Массачусетс штатида ташкил этилган. Унинг йиллик бюджети уч миллиард доллардан ошади, 2017 йилда талабаларнинг умумий сони 11000 кишини ташкил этган. МТИ дунёдаги энг йирик тадқиқот маркази бўлиб, унинг 89 аъзоси Нобел мукофотиغا сазовор бўлганлар<sup>23</sup>, сўнгги 5 йил ичида у QS университетларининг дунё рейтингига биринчи ўринни эгаллаб турибди<sup>24</sup>. Массачусетс технология институти немис политехника таълими моделига мувофиқ ташкил этилган ва Линколн лабораторияси, информатика ва сунъий интеллект лабораторияси ҳамда менежмент мактаби сингари дунёга машхур 5 та илмий лабораторияни ўз ичига олади.

МТИ ташкил этилгандан бери тадқиқотчилар учун факультетлараро тадқиқот стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот йўналишлари билан чекланиб қолмай, натижада институтнинг саноат ва бошқа илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлиги фаол ривожланди. Бугунги кунда МТИ умумий таълим дастурларида ва кичик бирлашмаларда ўқитувчилар ва талабалар билан ишлайдиган 700 дан ортиқ компаниялар билан ҳамкорлик қилади. 2016 йилда тадқиқотлар учун хомийлик 200 миллион доллардан кўпроқни ташкил этди, бу Массачусетс Технология институти тадқиқотлари умумий молиялаштиришнинг 19 фоизини ташкил этади<sup>25</sup>. АҚШ Миллий Илмий Жамғармаси маълумотларига кўра, МТИ тиббиёт факультетисиз барча университетлар ва коллежлар ўртасида илмий молиялаштирилган ишланмалар ва тадқиқотларни ривожлантириш бўйича иккинчи ўринда туради<sup>26</sup>. Технологияларни лицензиялаш ва патентлаш билан тижорат

<sup>23</sup> MIT Financial Data // MIT Facts. 2017. URL: <http://web.mit.edu/facts/financial.html> (дата обращения: 08.11.2017).

<sup>24</sup> QS World University rankings // QS Top Universities. 2017. URL: <https://www.Topuniversities.com/university-rankings/worlduniversity-rankings/2018>.

<sup>25</sup> MIT Financial Data // MIT Facts. 2017. URL: <http://web.mit.edu/facts/financial.html> (дата обращения: 08.11.2017).

<sup>26</sup> Rankings by total federal obligations // National Science Foundation. 2017. URL: <https://ncesdata.nsf>.

инвестициялари МТИ ва Линкольн лабораториясида ихтиролар ва кашфиётларга киритилади. 2016 йилда 800 та янги ихтиро эълон қилинди, 341 та патент берилди, 110 та лицензия берилди ва 25 та компания яратилди<sup>27</sup>. Корпорациялар билан кучли алоқалар, шунингдек, тегишли соҳаларда ўқитиш амалиётини таклиф этадиган бизнесни бошқаришга йўналтирилган дастурларда ҳам ўз аксини топган. МТИ таълими муҳандислар, олимлар ва тадқиқотчиларга таниқли ва изланувчан мутахассисларга эга бўлиш имконини беради.

Бугунги кунда, янги авлод университетларининг аксарияти Кўшма Штатларда жойлашган бўлиб, уларнинг мамлакатда пайдо бўлиши ва ривожланиши шунингдек, университетлар ва корпорациялар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга, шунингдек технология компаниялари ва инновацияларни яратишга кўмаклашувчи "Патент ва савдо маркалари тўғрисидаги қонун" деб ҳам номланадиган 1980 йилда Бай-Доле тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги билан боғлиқ<sup>28</sup>. Қонун қабул қилинишидан олдин, барча илмий кашфиётлар ва патентлар федерал молиялаштириш ҳисобига ўтказилган тадқиқотлар натижасида давлатга тегишли эди. Қонун университетларга ва корхоналарга университет 3.0 ни шакллантириш ва инновацион маҳсулотларни яратишни фаоллаштирган давлат дастурлари маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқларини олиш ҳуқуқини берди. Бироқ Бай-Доле қонуни тадбиркорлик университетининг шаклланиши ва ривожланишининг ягона драйвери (қўзғатувчиси) эмас эди, университет анъаналари минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга, "патент" тушунчасини қонуний равишда кенгайтиришга ва бошқа омилларга таъсир кўрсатди. АҚШда тадбиркорлик университетларини ташкил этиш йўлидаги навбатдаги ҳуқуқий қадамлар Миллий кооператив тадқиқотлар тўғрисидаги қонун (1984 й.), Федерал технологияларни топшириш тўғрисидаги қонун (1986 й.) ва Миллий кооператив тадқиқотлар ва маҳсулотлар тўғрисида қонун (1993 й.). АҚШнинг янги патент сиёсатининг асосий мақсадларидан бири илмий билимларни университетларга топширишни соддалаштириш орқали тадқиқот учун нодавлат маблағларини жалб қилиш ва ушбу натижаларни кейинчалик тижоратлаштиришни исташ эди.

Университет 3.0 модели ривожланишининг янги босқичи XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШ ва Канадада очилган илмий паркларнинг

---

[gov/profiles/site?Method=rankingBySource&ds=fss](http://gov/profiles/site?Method=rankingBySource&ds=fss) (дата обращения: 02.11.2017).

<sup>27</sup> MIT at a glance // MIT Facts. 2017. URL: <http://web.mit.edu/facts/faqs.html>.

<sup>28</sup> Public Law №96-517. Chapter 30: accept by Senate of the United States of America at 12 dec. 1980 // U.S. Government publishing office. 2008. URL: <https://www.gpo.gov/fdsys/pkg/STATUTE-94/pdf/STATUTE-94-Pg3015.pdf> (дата обращения: 10.10.2017).

университетларда пайдо бўлишидан бошланди. Илмий паркларнинг аниқ таърифи йўқ, улар бизнес-инкубаторлар, технология марказлари, тадқиқот парклари, илмий парклар, технопарклар ва бошқалар деб ҳам аталади.

Технологик парклар халқаро ассоциациясининг (**IASP**) таърифига кўра, илмий парк ихтисослашган мутахассислар томонидан бошқариладиган ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади инновациялар маданияти ва бизнес ҳамда инновацион компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали жамиятнинг фаровонлигини оширишдир. Ушбу мақсадларга эришиш учун Илмий парк университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, компаниялар ва бозорлар ўртасида билим ва технологиялар оқимини рағбатлантиради ва бошқаради; инкубация жараёни орқали инновацион компанияларни яратиш ва ўсишига ҳисса қўшади, шунингдек, бошқа хизматларни ва юқори сифатли ускуналар ҳамда жиҳозларни тақдим этади.

Илмий паркларни ходимлар сонига, эгаллаб олинган майдонга, ихтисосликка ва бошқа омилларга қараб таснифлаш мумкин. Биринчи технопарк 1951 йилда АҚШнинг Калифорния штатидаги Стенфорд университетида очилган бўлиб, кейинчалик “Силикон водийси” ёки “Кремний водийси” сифатида танилган<sup>29</sup>. Силикон водийси туфайли Калифорния технология, тадқиқот ва молия бўйича халқаро марказга айланди. Технопаркнинг тузилишини 4 қисмга бўлиш мумкин:

– кичик ва ўрта инновацион бизнесни ўз ичига олган бир ёки бир нечта бизнес-паркларни, шунингдек прототибли компанияларни ўз ичига олган бизнес майдони (бизнес доираси);

– илмий марказлар ва лабораториялардан иборат Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) бўлими;

– бизнес инкубаторлари, консалтинг компаниялари, лицензиялаш ва патент марказлари ва бошқа хизматларни ўз ичига олган технология хизматлари доираси;

– умумий хизматлар кўрсатиш доираси компьютер марказлари, электр тармоғи, кутубхона ва бошқалардан иборат.

Таълим ҳудуди университетлар, бизнес-инкубаторлар, институтлар ва бошқалар томонидан тақдим этилган.

Илмий-тадқиқот парклари турли мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини ривожлантиришнинг муҳим стратегик воситасига айланмоқда:

– илмий тадқиқотларни ташкил этиш, янги технологияларни яратиш ва билимларни тижоратлаштириш;

– технологик тадбиркорликни яратиш ва ривожлантириш;

---

<sup>29</sup> Чистякова Н. О. Анализ мирового опыта функционирования и развития объектов инновационной инфраструктуры // Известия томского политехнического университета. 2007. №6. С. 76-81.

- миллий ва глобал иқтисодийликларни бирлаштиришни рағбатлантириш;
- иқтисодий ислохотларни илгари суриш;
- халқаро даражадаги мутахассисларни тайёрлаш.

Университет атрофидаги илмий-тадқиқот парклари ва бизнес-инкубаторларнинг мавжудлиги бизнесни ривожлантириш ва технологик стартапларни яратиш учун мақбул шароитларни яратади. XX асрнинг иккинчи ярмида университет моделини модернизациялашда фаол иштирок этган Швеция тажрибасини кўриб чиқамиз. Биринчи тадбиркор университет Халмерс университети бўлиб, унда олимнинг ташаббуси билан университетнинг юқори раҳбарияти, ректор томонидан қўллаб-қувватланиб, фанлараро тадқиқотлар олиб борила бошланди. Бундай тадқиқотларни ўтказиш учун илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, лойиҳалаш ишларини бажариш, компаниялар учун илмий буюртмаларни бажариш, консалтинг хизматлари, тренинглар ўтказиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тадқиқотчилар учун бепул юридик хизматлар кўрсатиш учун алоҳида бўлинма ташкил этилган. Саноат билан ишлашга ихтисослашган ваколатли марказлар ҳам янги тузилмалар сифатида очилиб, кейинчалик университет, саноат ва бизнес томонидан олиб бориладиган тадқиқотларнинг янги турини шакллантирдилар. Ҳамкорлик доирасида, шунингдек, билимлар саноатдан махсус техник билимларга эга бўлмаган университетларга ўтказилди, бунда марказ раҳбарлари керакли ходимларни жалб қилишлари ва талабалар ҳам тадқиқотларда иштирок этишлари мумкин эди. Шундай қилиб, Швеция тажрибаси шуни кўрсатадики, ташкилий ўзгаришларсиз ва ўқитувчилар ва менежерлар томонидан ушбу ўзгаришларга бўлган хоҳишсиз тадбиркорлик университетини ташкил этиш мумкин эмас.

Америкалик олим, Стенфорд университети профессори Генри Ицкович томонидан “Уч қиррали спирал” моделида университетлар, корхоналар ва давлатнинг ўзаро алоқаси зарурлиги ҳам муҳокама қилинди. Инновацион ривожланишнинг “Уч қиррали спирал” модели учта асосий таркибий қисмни ўз ичига олади<sup>30</sup>:

- илмий билимларга асосланган жамият саноат ва ҳукумат билан ҳамкорликда университетларнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги билан ажралиб туради;
- учта институт (Университет, Бизнес, Ҳокимият) ҳамкорликка интиломда, инновацион таркибий қисм эса давлат ташаббуси билан эмас, балки бу ўзаро ҳамкорликдан келиб чиқади;
- анъанавий функцияларга қўшимча равишда, учта институтнинг ҳар

<sup>30</sup> Концепция модели «Тройная спираль» // IX International Triple Helix Conference. 2011. URL: <http://www.triplehelixconference.org/th/9/ru/the-triple-helixconcept.html>.

бири "қисман иккинчисининг ролини" олади. Ноанъанавий функцияларни бажаришга қодир институтлар инновацияларнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади.

Қуйидаги 1.2.1-жадвалда университет тушунчаларининг қиёсий тавсифи келтирилган. Тадбиркорлик университетига ўтиш учун сезиларли ўзгаришлар зарур бўлади (1.2.1-расм). Бунинг учун аввало муассасада фаол маърифий тарғиботларни амалга ошириш лозим бўлиб, бу борадаги миссия: инновацион фаолият муваффақияти раҳбарият ва университет жамоасининг янги тенденцияларни англаши ва қабул қилишга тайёрлигига боғлиқ бўлади (1.2.2-расм).


### 1.2.1– жадвал.

#### Университетлар концепциясининг қиёсий тавсифи.


	Университет 1.0	Университет 2.0	Университет 3.0
Бошқа номлари	Ўрта аср, европа	Гумбольдт, тадқиқот	Тадбиркорлик
Мақсади	Таълим	Таълим, тадқиқот	Таълим, тадқиқот, тижоратлаштириш
Тадқиқот усуллари	Схоластик	Монофанларга йўналтирилган	Мультидисциплинар, фанлараро
Ўқитиш тили	Латин	Миллий тиллар	Инглиз
Битирувчилар	Профессионаллар	Профессионаллар, тадқиқотчилар	Профессионаллар, тадқиқотчилар, технологик тадбиркорлар
Тузилмавий бирликлар	Маҳаллийчилик, факультетлар, коллежлар	Факультетлар, кафедралар	Институтлар, олий мактаблар
Раҳбар	Ректор	Профессор	Профессионал менежерлар
Таъсир даражаси	Локал (Маҳаллий)	Миллий	Халқаро
Тартиба солиш	Автоном	Давлат	Автоном
Таълим олиш имконияти даражаси	Оммавий	Элитар	Оммавий ва элитар

Схоластика – тажрибада синаб кўрилмаган, алоҳида тасаввурларга асосланган ва ҳаётдан ажралган билим.

Тадбиркорлик университети ўз ичига 2 та ташкилотни қамрайди: илмий-ўқув ва тадбиркорлик ва 2 вазифани ҳал этади: биринчиси - бўлғуси тадбиркорларни тайёрлаш ва иккинчиси ўзи тадбиркор-инноватор сифатида намоён бўлади.




**1.2.1-расм. Тадбиркорлик университетига ўтиш учун зарур бўладиган ўзгаришлар.**



**1.2.2-расм. Самарали “ўзгартиришлар жамоасини” шакллантириш.**

Ҳар қандай ташкилотда ходимлар 2 қисмга бўлишади: ижодий ва стандартлашган. Жалб этиш тамойили: кўпроқ даражадаги турли хил пионер лойиҳаларни яратиш ва амалга оширишга тайёр ва унга қодирлардан бошлаш. Бунда инновацияларни етказиб берувчиларга асосий эътиборни қаратиш зарур бўлиб, улар орқали стратегик бошқарувга ўтиш амалга оширилади (1.2.3-расм).



**1.2.3-расм. Стратегик бошқарувга ўтиш.**

Бугунги жаҳон иктисодиётида рўй бераётган кескин рақобатчилик шароитида университетнинг узоқ муддатли фаолият юртишини стратегик



тасаввур этиш ва аниқлаш ва истиқболли фаолият турларини белгилаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик университетга йўналтирилган миссиялар бошқа миссия турлари билан ҳам аниқланади.

Шундай қилиб, биз университет 3.0 модели жамоавий бўлиб, ўрта асрлар ва тадқиқот университетларининг энг яхши томонларини ўз ичига олади ва университетнинг асосий функцияларига университетда билимларни тижоратлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш вазифасини қўшади деган хулосага келишимиз мумкин.

#### **1.4. Илмий-таълим соҳасида технологиялар трансферини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси.**

Илмий-таълим соҳасидан бизнесга технологиялар трансферининг хорижий тажрибаси таҳлилининг кўрсатишича, ушбу соҳада етакчи бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ушбу масалага катта эътибор қаратишади. Бунда АҚШ, Финляндия каби мамлакатларда технологиялар трансфери таълим ва илмий-тадқиқот фаолияти билан тенг ҳолатда мажбурий фаолиятга киритилган. Трансфер технологияларнинг бир неча вариантлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагича:

1. Технологияларни фаолият юритаётган компанияларга тўғридан-тўғри ўтказиш.

2. Илмий ёки таълим муассасалари қошида start-up ва spin-off-компанияларини яратиш.

3. Илмий ёки таълим муассаси ва бизнес орасида воситачи бўладиган махсус тузилмага технологияни узатиш.

Технологиялар трансфери фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқасини таъминлайди, бунда асосий ўринни давлат илмий ва таълим муассасалари таркибидаги трансфер марказлари эгаллайди. Турли хил номланишлар – технологиялар трансфери марказлари (офислар, агентликлар); патентлаштириш ва лицензиялаш офислари (бўлимлар, бюролар) ва бошқаларнинг асосий функциялари иновацион жараён иштирокчиларини “битта дарча” тамойили бўйича уларнинг салоҳиятини ва инновацион имкониятларини ривожлантиришни амалга ошириш учун барча зарурий шарт-шароитлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Замонавий тушунишдаги бундай марказларнинг дастлабки қалдирғочлари ўтган асрнинг 40-50 йилларида Европа ва АҚШда ҳарбий технологиялар асосида ҳам ҳарбий соҳа ҳам аҳоли учун мўлжалланган кенг кўламдаги маҳсулотни тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида пайдо бўлган. Йигирманчи асрнинг 80-90 йилларида бундай ташкилий шаклнинг кенг ривожланиши давлат томонидан молиялаштириш ҳисобига яратилган

университетларга итшланмаларни яратиш ҳуқуқи берилиши асосида қатор қонунлар қабул қилинди. Улардан дастлабки ва бир мунча машҳурлари американинг “Университетларда ва кичик бизнесда патентлаштириш процедуралари тўғрисида (University and Small Business Patent Procedure Act of 1980), Бэй-Доула (Bayh-Dole Act of 1980),”ги ва «Стивенсон-Уайдлернинг технологик инновациялари тўғрисида» (Stevenson – Wydler Technology Innovation Act of 1980)ги қонунлари ҳисобланади.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва кейинги 1986 йилдаги “Технологияларни узатиш тўғрисида (Federal Technology Transfer Act)”ги норматив актлар-федерал қонун, 1988 йилдаги “Савдо ва ҳамкорлик тўғрисида”ги, 1989 йилдаги “Миллий рақобатбардошлик тўғрисидаги (Omnibus Trade and Competitiveness Act)ги қонунлар АҚШда илмий-таълим соҳасида замонавий технологиялар трансфери инфратузилмасини яратиш борасида яшил чироқ вазифасини ўтади.

АҚШнинг изидан бу йўл бўйича бошқа саноати ривожланган мамлакатлар боришди. Хусусан, Японияда фан ва технология ҳақида 1995 йилда қабул қилинган базавий қонун илмий муассасалар ва саноат компаниялари ўртасидаги инновацион ишланмалар соҳасида кооперацияларни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган. 1998 йилда Японияда американинг “Университетларда ва кичик бизнесда патентлаштириш процедуралари тўғрисида (Bayh Dole Act” ги қонунга ўхшаган “Олий таълим муассасалари ва саноат ўртасида технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тўғрисида («Law of Promoting University- Industry Technology Transfer»)”ги қонун қабул қилинди ва шунга мувофиқ равишда кейинроқ «Саноатни рағбатлантиришнинг махсус чора-тадбирлари тўғрисида» (1999 й.)ги қонун ва «саноат техник салоҳиятни мустаҳкамлаш тўғрисида» (2000 й.)ги қонунга асосан илмий-таълим соҳасида технологиялар трансферини ривожлантиришга турки берувчи қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган<sup>31</sup>.

2004 йилда япон қонунчилиги барча миллий университетларга технологиялар трансфери маркази(ТТМ)ни яратиш билан боғлиқ бўлган ташаббусларда иштирок этишлари учун мустақил юридик мақомни тақдим этди<sup>32</sup>.

Францияда технологиялар трансферини тартибга солиш соҳасидаги кўпгина мавжуд тўсиқларни “Инновациялар ва илмий тадқиқотлар тўғрисида

<sup>31</sup> Глобальная трансформация инновационных систем / Отв. ред. Н.И. Иванова. М.: ИМЭМО РАН, 2010. 163 с.

<sup>32</sup> Грибовский А.В. Приоритетные направления государственно-частного партнерства в научнотехнической и инновационной сферах (зарубежный опыт) / А.В. Грибовский, А.Л. Судариков // Наука, Инновации, Образование. 2011. № 10. С. 175-191.



(Loi no 99-587 du 12 juillet 1999 sur l'innovation et la recherche)»ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида бартараф этилди. Шунингдек, университетлар, илмий тадқиқот институтлари, давлат тузилмалари ва хусусий компаниялар орасидаги кооперация масалалари «Илмий тадқиқотлар тўғрисида (Loi de programme du 18 avril 2006 pour la recherche, traduction législative du «Pacte pour la Recherche» entre l'État et les citoyens)»ги дастурий қонунда, давлат ва аҳолининг тадқиқотларни олиб боришидаги ўзаро муносабатларнинг қонуний асосларини белгиловчи университетлар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги (Loi du 10 août 2007 sur les libertés et responsabilités des universités)<sup>33</sup> қонун билан тартибга солинадиган бўлди.

Ҳозирги даврда аксарият хорижий университетлар тузилмасида университет ва бизнеснинг ўзаро хатти-ҳаракатлари масъулиятини олувчи бўлимлар мавжуд. Уларга университетлар ишланмаларини тижоратлаштириш борасида ёрдам кўрсатадиган технологиялар трансфери марказлари, илғор технологиялар маркази ёки илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш марказлари (Швейцария, Швеция, Буюкбритания, Германия, АҚШ, Хитой, Япония ва бошқалар) тааллуқли. Хусусан, Хитойда ҳар бир йирик илмий-тадқиқот университети ўз таркибий тузилмасида технологиялар трансфери билан шуғулланадиган ва ХХР ҳукумати томонидан университетга ажратилган умумий маблағлар ичида ўз улушига эга бўладиган бўлим мавжуд.

Университетларнинг технологиялар трансфери марказларининг бажарадиган функциялари ҳажми ва мазмуни бўйича иккита асосий турга бўлинади.<sup>34</sup>

Биринчи тури – “ маслаҳатчи-маъмур” ёки “илмий дўкон”. Бундай марказ потенциал ҳамкорлар ва илмий-тадқиқотлар буюртмачиларининг муурожаатлари учун расмий контакт пунктлари функцияларини, шунингдек, университет ходимларига турли тарздаги консультатив ва маълумот бериш хизматларини кўрсатишади. Буларга Германиянинг Аугсбург университетининг технологиялар офиси (Transferstelle der Universität Augsburg) ва Нидерландиянинг Твенте университетининг илмий дўкони (The Science Shop at the University of Twente)ни мисол қилиш мумкин.

Технологиялар трансферига мос келадиган кўпгина ишлар – патенлаштириш, лицензиялаш, экспертизалаш масалалари шундай марказлар орқали аутсорсинга берилади.

Университет технологиялар трансфери марказининг иккинчи тури –

<sup>33</sup> Судариков А.Л. Государственно-частные партнерства в сфере науки, технологий и инноваций: зарубежный опыт / А.Л. Судариков, А.В. Грибовский // Инновации. 2012. № 7. С. 47-59.

<sup>34</sup> Лебедева С.В. Управление коммерциализацией научных исследований.

“тадбиркор”. Биринчидан бундай марказларнинг фарқи, марказ технологиялар трансферининг барча босқичларида кашфиётнинг потенциал қийматини дастлабки баҳолашдан тортиб то саноат корхоналари билан технологияни жорий этиш ва эксплуатациялаш босқичини ташкил этишни мувофиқлаштирувчи ва фаол иштирокчи сифатида намоён бўлади. Масалан, Германиянинг Мюнстерс университетининг технологиялар трансфери Агентлиги (Technologietransfer-Agentur der Westfälischen Wilhelms-Universität Münster)нинг вазифаларига жамоатчиликни илмий ютуқлар билан хабардор қилиш, университетнинг маркетинг тадқиқотларини ишлаб чиқиш ва келишиш, бошқа ташкилотларнинг кўргазма ва ярмаркаларида ўзининг иштирокини ташкил этиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, олимларнинг саноат вакиллари билан алоқаларини ташкил этиш, трансфер лойиҳаларини бошқариш ва дизайн, реклама ва информацион қўллаб-қувватлаш, патенлаштириш фаолиятига раҳбарлик қилиш, стартапларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ва шу кабилар қиради.

Орегон Штатининг давлат университетининг корпоратив ривожлантириш ва тижоратлаштириш офиси (Office for Commercialization and Corporate Development of the Oregon State University) ўзининг венчур фондига эга бўлиб, кенг хизмат турларини, шунингдек, кашфиётларни баҳолаш, патентларни ҳимоялаш, маркетинг ва PR, лицензиялаш, прототиplar яратиш борасида ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.ларни тақдим этади. Технологиялар трансферини таъминловчи тузилмалар ўз ичига бир қатор элементларни олади.

Масалан, Германиянинг Саарланд университетида (Universität des Saarlandes) бундай элементлар тўртта бўлиб, улар қуйидагича:

1. Технологиялар трансфери бюроси, штат бўлинмаси.
2. У билан аффилиланган компания “Илмий-технологик трансфер”.
3. Патент агентлиги.
4. “Бизнесни юритиш майдони-бизнес инкубаторлар”.

Қатор мамлакатларда университетлар ва илмий муассасалар томонидан ташкил этиладиган технологиялар трансфери бўйича тузилмаларда янги технологик ишланмаларда сотувчилар ва харидорлар ўртасида воситачи сифатида фаолият юритадиган махсус компаниялар яратилади. Уларнинг таъсисчилари сифатида ҳам ҳукумат органлари бошқаруви (минтақавий ва маҳаллий) ҳам хусусий компаниялар намоён бўлади.

Буюкбританияда бундай турдаги йирик тузилмалар бўлиб “Британия технологик гуруҳи” (British Technology Groupe – BTG) ва Фарадей (Faraday Community) ҳамжамияти бўлиб, уларнинг асосий фаолият соҳаси университетлардан, политехникумлардан ва турли хил давлат соҳасидаги

тадқиқот муассасаларидан лицензияларни сотиш асосида саноатга янги истиқболли ғояларни киритишда қатнашишдан иборат. Францияда давлат тадқиқот лабораториялари ва юқори технологик корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш учун технологик тадқиқотларнинг Миллий марказлари (Centres nationaux de recherche technologique – CNRT), инновацион тадқиқотлар ва технологиялар трансферининг минтақавий марказлари (Centres régionaux pour l’innovation et le transfert de technologie – CRITT), шунингдек, технологик тадқиқотлар гуруҳлари (Equipes de recherche technologique- ERT) яратилади.<sup>35</sup>

Германияда лабораториялар ва компаниялар ўртасидаги технологик воситачилар функциясини саноатдаги қўшма тадқиқот уюшмалари ва турли илмий жамиятлар бажаришади. Ушбу жараёнда етакчи ролни амалий масалаларни ечиш билан шуғулланувчи ўзига 45 та тадқиқот институтларини бирлаштирувчи Фраунгофер (Fraunhofer-Gesellschaft - FhG) жамияти ўйнайди. Лабораториялар ва компаниялар ўртасидаги технологик воситачилар функцияларини шунингдек, 190 тадан ортиқ трансфер агентликларда, Миллий тадқиқот маркази ҳузуридаги технологик трансфер офисида, Макс Планк жамиятида (MaxPlanck-Innovation GmbH Garching Innovation GmbH), саноатдаги бошқа илмий жамиятлар ва қўшма тадқиқот ассоциацияларида бажаришади. Японияда ҳукумат университет кашфиётчиларининг тадқиқотлар натижаларини бошқариш, тижоратлаштириш ва ишлаб чиқиш, университетлар, тадқиқот ташкилотлари ҳамда саноат ўртасидаги ўзаро хатти-ҳаракатларни шакллантириш бўйича хизматларни амалга оширувчи 27 та технологиялар трансфери марказларини молиялаштиради.<sup>36</sup> Охирги ўн йилликда бутун дунёда кўпинча технологиялар трансфери офиси (ТТО) деб номланадиган инвестицион-тадқиқот фирмаларининг кенгайтиши рўй бермоқда. Бундай тузилмалар ўзида амалий тадқиқотларни олиб боришни ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни бирлаштиради.

Инновацион иқтисодиёт учун технологиялар трансферининг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда саноати ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари уни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор комплекс чоратадбирларни амалга оширишади. Биринчи навбатда технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш қонунчилик актларини қабул қилиш йўли

---

<sup>35</sup> Грибовский А.В. Приоритетные направления государственно-частного партнерства в научнотехнической и инновационной сферах (зарубежный опыт) / А.В. Грибовский, А.Л. Судариков // Наука, Инновации, Образование. 2011. № 10. С. 175-191.

<sup>36</sup> Грибовский А.В. Приоритетные направления государственно-частного партнерства в научнотехнической и инновационной сферах (зарубежный опыт) / А.В. Грибовский, А.Л. Судариков // Наука, инновации, образование. 2011. № 10. С. 175-191.

билан амалга оширилади. Бундан ташқари мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва технологияларни университетлардан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ўтказиш ҳамда қўшма тадқиқотларни амалга оширишни рағбатлантиришга қаратилган ишлар олиб борилади. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда бозор механизмларининг камчиликларини бартараф этиш мақсадида инновацион фаолиятни тартибга солиш борасида технологиялар трансфери марказларини давлат томонидан бевосита қўллаб-қувватлаш схемалари ҳам амалга оширилади.

Технологиялар трансфери марказларини давлат иккита йўл билан қўллаб-қувватлайди: мустақил ташкилотларга бошланғич капитални тақдим этиш, шунингдек, ташкилот ичида тузилган технологиялар трансфери бўйича таркибий бўлинмаларни тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш йўли орқали.

Масалан, АҚШда технологиялар трансфери марказларининг (ТТМ) пайдо бўлиш босқичида (одатда 5 йилдан то 10 йилгача) миллий лабораториялар ва университетлар уларни ўз ички ресурслари ҳисобига тўғридан-тўғри молиялаштириш орқали сезиларли даражада молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашади. Натижада ТТМ тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини тижоратлаштиришдан даромад олиб бошлашлари билан уларнинг фаолиятларини субсидиялаш суммаси камайиб боради ва якуний натижада тўхтатилади. Германияда ТТМ фаолияти федерал ҳукумат субсидиялари ва шартномавий тадқиқотларни бажариш ҳисобига молиялаштирилади. Маҳаллий ҳокимият органлари аввало, ерлар ҳукуматлари ҳам инновацион марказлар ва илмий парклар яратишга катта ҳисса қўшишади. Японияда ТТМни яратиш маъқулланганидан кейин ҳукумат томонидан 5 йил муддатга йилига тахминан 300 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган ҳажмда эксплуатацион харажатларнинг учдан икки қисми учун молиявий маблағлар ажратилади.<sup>37</sup>

Швецияда технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш инновацион тизимлар (SAIS) учун Швед агентлиги, илмий тадқиқотларга кўмаклашиш Миллий агентлиги (ANVAR), трансфер технологиялар Фонди (Teknikbrostiftelser) томонидан амалга оширилади.

Буюкбритания ҳукумати университетлардаги технологиялар трансферини қўллаб-қувватлашни бошланғич босқичида турган лойиҳаларни ва технологиялар трансфери инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар (Бизнес ва ҳамжамият учун олий таълим)ни молиялаштириш

<sup>37</sup> Терехова С.В. Принципы и практика функционирования технологий

зарубежных центров трансфера

/ С.В. Терехова, Л.А. Волкова // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2011. № 1 (13). С. 101-107.

орқали амалга оширади.

Илмий-таълим секторидан бизнесга технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш жараёнида (Швецария, Швеция, АҚШ, Япония, Хитой ва бошқ.) технопарклар, технополислар, илмий парклар, бизнес-кластерлар ва турли шаклдаги бизнес-ҳамкорлар (Буюкбритания, АҚШ ва бошқ.) муҳим рол ўйнашади. Бундай ташкилотлар илмий ва академик ҳамжамиятлардан (ОТМлар, илмий тадқиқот институтлари ва лабораториялар), тижорат саноат компанияларидан ва қўшма тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланувчи вакиллардан иборат бўлади. Бунда агарда АҚШ, Буюкбритания, Франция, Италия, Нидерландия каби мамлакатларда ҳукумат органлари илмий ва тадқиқот муассасаларидан улар томонидан олдин яратилган технологияларни («technologydriven innovation») трансферлаш бўйича махсус тузилмаларни яратишни талаб этишса, Германия, Швецария ва Финляндияда илмий-техник айрибошлашни ривожлантиришда асосий урғу қўшма тадқиқотларни олиб боришга ва истеъмолчилар талабларига («market-driven innovation») мос келувчи технологияларни такомиллаштиришга қаратилади.<sup>38</sup>

Технологиялар трансфери жараёнларини оптималлаштириш учун қатор мамлакатларда технологиялар ривожланиши ва уларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини танлашга жавоб берадиган махсус органлар тузилади.

Масалан, АҚШда ушбу функцияларни илмий-техник сиёсатни амалга ошириш бошқармаси ва миллий хавфсизлик кенгаши, конгресс комиссияси ва қўмиталари, вазирликлар ва мустақил агентликлар бажаришади. Японияда – миллий илмий-техник сиёсатни ишлаб чиқишга масъул бўлган вазирлар кенгаши Бошқармаси (Cabinet office); Буюкбританияда – ҳарбий муассасалар, маънавият ва фан Вазирлиги, саноат Вазирлиги (ушбу органларнинг барчалари ҳузурларида илмий кенгашлар фаолият юритишади) шунингдек, муассасалараро органлар – Бош тадқиқотчи Қўмитаси, амалий тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича Муҳокамали кенгаш; Францияда – Тадқиқотлар ва саноат Вазирлиги; ГФРда эса Илмий тадқиқотлар ва технологиялар Вазирлиги<sup>39</sup>.

Агарда 1970-1980 йилларда фан-таълим соҳасидаги технологиялар трансферини рағбатлантиришда давлат сиёсатидаги устуворлик бутун

<sup>38</sup> European Commission Lessons from a Decade of Innovation Policy [Электронный ресурс] Final Report European Union, 2013. – Режим доступа: [http://ec.europa.eu/geninfo/query/resultaction.jsp?SMODE=two&ResultCount=10&Collection=EuropaFull&Collection=EuropaSL&Collection=EuropaPR&ResultMaxDocs=200&qtype=simple&DefaultLG=en&ResultTemplate=%2Fresult\\_fr.jsp&page=1&QueryText=lessons&y=0&x=0#queryText=lessons+from+a+decade&queryType=ccontaining\\_the\\_exact\\_phrase&tab=europr&summary](http://ec.europa.eu/geninfo/query/resultaction.jsp?SMODE=two&ResultCount=10&Collection=EuropaFull&Collection=EuropaSL&Collection=EuropaPR&ResultMaxDocs=200&qtype=simple&DefaultLG=en&ResultTemplate=%2Fresult_fr.jsp&page=1&QueryText=lessons&y=0&x=0#queryText=lessons+from+a+decade&queryType=ccontaining_the_exact_phrase&tab=europr&summary).

<sup>39</sup> Марголина Н.В. Управление формированием организационной системы трансфера технологий: автореф. дис. канд. экон. наук. М., 2007. 31 с.

инновацияларнинг ҳаётийлик даврини (ғояларнинг пайдо бўлишидан тортиб то уларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача) комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб асосий эътибор фаолияти инновацион старт-ап компаниялари томонидан яратиладиган ва бошқариладиган тижоратлаштириш ва технологияларни узатишни таъминлашга йўналтирилган технологиялар трансфери билан шуғулланувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришга ва инфратузилмавий ташкилотларнинг касбий бирлашмаларини яратишга қаратилди.

Технологиялар трансфери марказларининг ҳам автоном ҳам университетлар, лабораториялар, технопарклар ва технополислар базасида яратилган минтақавий, миллий ва давлатлараро технологиялар трансфери тармоғи, инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш жараёнларининг замонавий тенденциялари ҳисобланади. Бундай тармоқлар ўзида саноатнинг рақобатбадошлигини ошириш учун илмий-тадқиқот фаолияти ва технологиялар трансферини ҳам давлат (ёки нодавлат ташкилотлари) ҳам уларнинг иштирокчилари натижаларидан фойдаланиш мақсадида тузилган турли ташкилотлар ва институтларни, илмий тадқиқот ташкилотларини, университетларни, касбий институтларни, савдо уюшмалари ва фирмаларни қамраб олади.

Бундай тармоқларнинг дастлабкиларидан бири АҚШда 1986 йилда “Технологияларни узатиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ тузилган Миллий технологиялар трансфери тармоғи ҳисобланиб ушбу марказ ўзида технологиялари узатишнинг Миллий маркази (NTTC) бош офисидан ва мамлакатнинг олтига турли ҳудудларида жойлашган технологияларни узатишнинг минтақавий Марказлари ( RTTCs)ни ташкил этади. Бугунги кунда АҚШда технологиялар трансферининг кенайтирилган институционал тармоғи, университет технологик менежерлари Ассоциацияси (Association of University Technology Managers - AUTM), университет компаниялари Ассоциацияси (University Companies Association - UNICO) ва университетлар, илмий ва саноат алоқалари бўйича Ассоциация (Association for University Research Industry Links - AURIL) мавжуд<sup>40</sup>.

Технологиялар трансфери жараёнини ҳаракатга келтириш учун тармоқли ўзаро хатти-ҳаракатлар концепцияси бошқа мамлакатларда хусусан Европада ҳам қўллаб-қувватланиб 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Европа инновацион сиёсатининг асосий дастакларидан бири сифатида тан олинган<sup>41</sup>. Масалан, Францияда инновацияларни ва технологияларни

<sup>40</sup> Подходы к оценке эффективности трансфера технологий. Информационно – аналитические материалы / Сост. Бедный А.Б. Н. Новгород: Изд-во НГТУ. 2011. 96 с. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.innoforum.unn.ru/>

<sup>41</sup> Лукша О.П. Российская сеть трансфера технологий, как составная часть национальной инновационной



узатишнинг махсус минтақавий тармоқ маркази (Centres Regionaux d'Innovations et de Transfert de Technologies – CRITT), минтақавий даражада ушбу жараённинг барча иштирокчиларининг ҳамкорликдаги ишени ташкил этувчи тармоқ яратилган бўлса, Финляндияда инновацияларни силжитиш бўйича Фин миллий тармоқ Марказлари (IRC Finland) мавжуд<sup>42</sup>. Швейцарияда миллий илмий-тадқиқот муассасалари ва хусусий сектор ўртасидаги илмий ва технологик ахборотларнинг алмашинуви технологиялар трансфери ассоциацияси «swiTT» амалга оширади<sup>43</sup>. Буюкбританияда The Orchard Network, The Business Across Borders Partnership Network, DTI Global Watch Service; Knowledge Transfer Networks каби технологиялар трансфери тармоғ фаолият юритади. Бунда технологияларни трансферлашни таъминлаш борасидаги муҳим ролни Бирлашган Қиролликнинг Илмий парклари Уюшмаси ўйнади.

Технологиялар трансфери тармоғи халқаро илмий-техник ҳамкорликни ташкил этиш борасида ҳам муҳим дастаклардан бири айланиб бормоқда, сабаби потенциал ҳамкорлар орасида технологияларни ўтказиш учун коммуникацияларни ўрнатиш талаб этилади. Хусусан 1985 йилда Европа Иттифоқи даражасида Европа Иттифоқи инновацион сиёсатининг асоси ҳисобланувчи “Халқаро инфратузилмаларни ва технологияларни ўтказишни ривожлантириш режаси” (Roadmap international infrastructure innovation and technology transfer to the EU, 1985) қабул қилинди.

Ҳозирги даврда халқаро трансфер тармоқлари бутун дунё бўйича тарқалган бўлиб улар йирик компаниялар томонидан қўллаб-қувватланади ва жаҳоннинг инновацион марказларини глобал даражада бирлаштиришга йўналтирилган. Бунга мисол бўлиб бугунги кунда ўзида жаҳоннинг 50 та мамлакатларидан 600 та ташкилотларни, 250 атрофидаги консорциумларни, 28 та мамлакатдан Илмий ва Инновацион тармоқларни (Science and Innovation Network), инновациялар ва саноат ахборотлари, технологиялар трансфери Европа ассоциацияси (The European Association for the Transfer of Technologies, Innovation and Industrial Information)ни ва бошқаларни бирлаштирувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг Европа тармоғи

---

системы: методология, практика, перспективы / О.П. Лушников, А.Э. Яновский, Г.Б. Пильнов, Ю.Б. Алферов // Инновации. 2009. №10. С. 18-32. [Электронный ресурс]. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/rossiyskaya-set-transferatehнологiy-kak-sostavnaya-chast-natsionalnoy-innovatsionnoy-sistemy-metodologiya-praktika-perspektivy> (дата обращения: 13.05.2016).

<sup>42</sup> Грибовский А.В. Приоритетные направления государственно-частного партнерства в научнотехнической и инновационной сферах (зарубежный опыт) / А.В. Грибовский, А.Л. Судариков // Наука, Инновации, Образование. 2011. № 10. С. 175-191.

<sup>43</sup> Ильин П.В. Зарубежный опыт трансфера технологий – в российскую практику // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2013. №1 (25). [Электронный ресурс]. URL: <http://cyberleninka.ru/n/zarubezhnyy-opyt-transferatehнологiy-v-rossiyskuyu-praktiku> (дата обращения: 17.06.2016).



(Enterprise Europe Network – EEN) келтирилиши мумкин<sup>44</sup>.

Шунингдек, технологиялар миллий трансфери тармоғининг байналминаллашув тенденциялари кузатилмоқда. Масалан, Сингапурда дастлаб саккизта маҳаллий университетларни бирлаштирувчи технологиялар трансфери соҳасида ташкил этилган офислар тармоғи (Technology Transfer Network - TTN) бошқа осиё давлатларидан ташқари АҚШ, Канада, Европа ва Янги Зеландия мамлакатлари аъзоларидан иборат бўлган ташкилотни мисол қилиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб якуний хулоса чиқарадиган бўлсак, ривожланган мамлакатлар амалиётида технологиялар трансфери ривожланишининг қуйидаги замонавий тенденцияларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Технологиялар трансфери мустақил касбий соҳа сифатида ўзига нафақат интеллектуал мулкни, балки рискларни ва инвестицияларни, бозорни тадқиқ этишни, рекламани ва бошқаларни қамраб олувчи тизим сифатида ажралиб чиқди ва ривожланиш босқичини амалга оширмоқда.

2. Саноати ривожланган мамлакатларда (Германия, Буюкбритания, АҚШ, Япония ва бошқ.) давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан технологиялар трансфери Тизими (ТТТ) томонидан тартибга солинадиган ва йўналтириладиган янги бозор сектори яратилмоқда.

3. Технологиялар трансфери бўйича хатти-ҳаракатларни жадаллаштиришни талаб этувчи ҳукумат органлари томонидан илмий ва тадқиқот ташкилотларига босимлар кучаймоқда.

4. Технологиялар трансфери марказларининг базасида яратилган ҳам автоном, ҳам илмий ва таълим муассасалари, технопарклар ва технополислар, минтақавий ва миллий тармоқлар бирлашиши рўй бермоқда.

5. Технологиялар трансферининг миллий тармоқларининг байналминаллашуви кузатилмоқда ва миллатлараро трансфер тармоқлар шаклланимоқда.

Умумий тарзда хулоса қилинадиган бўлсак, технологиялар трансферининг замонавий хорижий тажрибасини ўрганиш ва мослашиш зарурияти мамлакат илмий-техник комплекси ривожланишининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштиришга қаратилган қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Янги ишлаб чиқариш технологияларини кенгайтириш учун ривожланган мамлакатлар амалиётидаги илғор тажрибалардан келиб чиқиб уларни қиёсий ва таҳлилий ўрганиш асосида давлат томонидан

---

<sup>44</sup> Образована в 2008 г. в результате интеграции ранее существовавших сетей Евро-Инфо Центров (ЕИЦ) и инновационных релей центров (центров трансфера технологий – IRC).

қўллаб-қувватланадиган ва йўналтириладиган технологиялар трансфери тизимини (ТТТ) тартибга солувчи янги бозор секторини яратиш зарур.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни қачон қабул қилинган ва унинг асосий мақсади айтиб беринг.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни қачон қабул қилинган ва унинг асосий мақсади айтиб беринг.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони қачон қабул қилинди ва унда белгиланган вазифалардан нималардан иборат?

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармони қачон қабул қилинган ва унинг асосий мақсади айтиб беринг.

5. Университет 1.0, университет 2.0 ва университет 3.0 моделларининг фақли жиҳатларини санаб ўтинг.

6. Университет 3.0 концепциясининг асосий жиҳатлари нималардан иборат?

6. Тижоратлаштириш нима?

7. Тадбиркорлик университети деганда нимани тушунасиз?

8. Янги авлод университетларининг ўзига хос жиҳатларини санаб ўтинг.

9. Академик тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?

10. Ўзбекистонда университет 3.0 концепциясини жорий этишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини санаб ўтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

  - эскирган технология - ўртача сифатли маҳсулотдан паст сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш.

Даромадларни шакллантириш нуқтаи назаридан, технологияларни ўтказиш тижорат ва нотижорат қисмларга бўлинади. Илмий-техник адабиётлар, патентлар, маълумотномалар ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотлар университет муҳиtida технологияни нотижорат бўлмаган ҳолда ўтказиш мавзуси бўлиши мумкин. Илмий ва техник мавзуларда мақола ёзиш ва нашр этиш; илмий конференциялар ва кўрғазмалар ташкил этиш; ўқитувчилар ва мутахассислар алмашинуви; талабалар таълими ва бошқалар университет технологияларини нотижорат мақсадларида ўтказиш шакллари бўлиши мумкин.

Тижорат технологиясини ўтказиш субъекти саноат мулкининг объектлари (патентлар, фойдали моделлар, саноат намуналари), ноу-хау, техник тавсифлар, технологик ва техник билимлар ва бошқалар ҳисобланади. Тижорат технологияларини узатиш шакллари қўшма корхоналарни ташкил этиш; техник маслаҳатларни ўтказиш; франчизе савдоси; лицензияларни сотиш ва бериш; ноу-хау ўтказиш; муҳандислик хизматларини кўрсатиш; лизинг ва бошқалар ҳисобланади. Технологиялар трансферида ишлатиладиган шартномавий муносабатларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд, масалан, ошкор этмаслик тўғрисидаги шартнома (NDA), материаллар ва намуналарни топшириш тўғрисидаги битим, опцион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш шартномаси, қўшма ихтиро шартномаси ва бошқалар, уларнинг баъзилари қуйида келтирилган.

Ошкор этмаслик тўғрисидаги шартнома (NDA) - бу савдо сирлари ва шахсий маълумотларнинг учинчи томонга тарқалишининг олдини олиш учун иккала томонга махфий маълумотлар ва материаллар билан алмашиш имконини берадиган ҳуқуқий келишув.

Вариант (опцион) - харидорнинг интеллектуал фаолият натижаларини олишга бўлган қизиқиши тўғрисидаги гувоҳнома бўлиб хизмат қилади ва маълум бир вақт учун лицензия ва интеллектуал мулк ҳуқуқини кичик миқдордаги ҳақ эвазига сақлаб қолади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш шартномаси - илмий-тадқиқот ва / ёки конструкторлик ишларини олиб бориш учун университет ва учинчи томон компанияси ёки жамғармаси ўртасида келишув.

Технологияларни узатилишидан кўзланган мақсадларга ва кутилаётган натижага қараб, келишувларнинг тури ва интеллектуал мулкни топшириш натижаси белгиланади.

Технологияларни узатиш мураккаб ва узоқ жараёндир, шунинг учун узатишни бошлашдан олдин, технология аудитини ўтказиш орқали технологиянинг потенциалини баҳолаш керак - янгиликни (инновацияни) объектив баҳолаш талаб этилади. Кўпинча, технологик аудитнинг мақсади мижозларнинг барча ихтироларини кашф этиш ва уларнинг кейинги тижорат ҳамда ўтказиш имкониятларини таққослашдир.

Технологик аудитни сифатли ўтказиш учун, аудит жараёнини ташкил қилишда буюртмачининг раҳбариятини жалб қилиш талаб этилади, шунингдек, ходимларни аудитнинг вазифалари ва воситалари тўғрисида хабардор қилишда иштирок этиш зарур. Университет лойиҳаларининг технологик аудитини ташкил этишда лойиҳа раҳбари ёки лойиҳа амалга ошириладиган лаборатория раҳбари кўрсатма сифатида ишлайди (етақчи рол ўйнайди).

Чет эл тажрибасига кўра, технология аудити технологияни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ходимларнинг ёзма сўровидан бошланиши керак, шундан сўнг маълум ходимларни суҳбатга таклиф қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ушбу босқичдаги технологик аудитнинг мақсади мижоз (буюртмачи) ходимларининг кейинги суҳбатлар ўтказиш бўйича асосий кўникмаларини аниқлашдир. Суҳбатдош, ўз навбатида, мунозарали масалаларни ойдинлаштириш ва аниқлаштириш учун асосий ваколатларга эга бўлиши керак.

Лойиҳани баҳолашнинг иккита асосий усули мавжуд - LIFT (боғловчи инновация, молия ва технология) ва ТАМЕ (технология ва бозорни баҳолаш). LIFT методологияси инновацион лойиҳани тижоратлаштириш даражасини аниқлаш учун Европа Иттифоқининг Тадқиқот ва технологик ривожланиш бўйича комиссиясининг V доирасида ишлаб чиқилган. LIFT методологиясига кўра, интервью (суҳбат) олдида компанияга лойиҳа бўйича сўровнома юборилади, сўнг натижалар батафсил таҳлил қилинади, уларнинг асосида

саволлар тайёрланади ва ташқи экспертлар суҳбатга таклиф қилинади. Шунингдек, компания ўрганилаётган лойиҳа билан боғлиқ ҳужжатлар тўпламини тайёрлайди. Лойиҳа икки гуруҳга бўлинган ҳолда, жозибadorликни ва мумкин бўлган хатарларни кўрсатадиган мезонлар бўйича баҳоланади. Кўпинча, лойиҳанинг жозибadorлиги баҳолашнинг ўнта омилини ўз ичига олади: бозор ўсиши ҳажми ва ҳаракати, рентабеллик, лойиҳани бозорда бошлаш вақти ва бошқалар.

Лойиҳа билан боғлиқ хавфларни баҳолаш йигирмата омилга кўра амалга оширилади: лойиҳани ишлаб чиқиш босқичи, бозорни ўрганиш ва маркетинг режасининг мавжудлиги, молиявий барқарорлик, ходимларнинг мавжудлиги ва малакаси, патент қидируви тозаллиги ва бошқалар. TAME методологияси Lambic Innovation Ltd. томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий хусусияти сотишнинг мумкин бўлган бозорларини баҳолашга қаратилган. TAME баҳолашнинг беш бўлимини ўз ичига олади: янги технологиянинг мазмуни; маҳсулотнинг кучли ва заиф томонлари; интеллектуал мулк ва бозорни баҳолаш ва бошқалар. Баҳолаш кўрсаткичларининг таърифи ва технологик аудит методологиясини танлаш тадбирнинг мақсадлари, баҳоланадиган компания соҳаси ва бошқа омиллар билан белгиланади. 2.2.1-жадвалда<sup>67</sup> тижоратлаштириш ва технологияларни ўтказиш имкониятларини баҳолаш мезонларига мисоллар келтирилган. Аудит жараёнида аниқланган барча технологиялар учун баллар ҳужайраларга киритилади.

Кўрсаткичлар баҳоланган ташкилот учун одатий балл тизимига мувофиқ баҳоланади. Ҳар бир мезон учун ўлчов омилларининг киритилиши, аудит натижаларини бозор нуқтаи назаридан, имкон қадар объектив ва тўғри ечишга имкон беради. Ҳисоб-китобларни жадвалга киритгандан сўнг, ҳар бир ўрганилаётган соҳалар учун қийматлар қўшилади ва технологиянинг потенциали, шунингдек уларнинг умумий баллари аниқланади, уларнинг асосида технологиялар билан келгусида ишлаш бўйича қарор ва таклиф шаклланади.

**2.2.1-жадвал.**

**Тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери салоҳиятини ҳисоблаш матрицаси.**

Тижоратлаштириш салоҳияти		1-технология	2-технология
1	Тижорат ишланмалари таннархининг англоланглиги		

<sup>67</sup> Оценка коммерциализируемости технологий: сб. науч. тр. / Коммерциализация технологий: мировой опыт рос. регионам; под ред. Н.М. Фонштейн. М.: Академия народного хозяйства при правительстве РФ, 1995. 228 с.

2	Битта эмас, балки маҳсулотлар оиласи ёки иловаларни олиш имконияти		
3	Бозорнинг мавжудлиги		
4	Рақобатчилик устуворликлари		
5	Саноат қайта ишлашни амалга ошириш		
<i>Тижоратлаштириши салоҳиятини якуний баҳолаш</i>			
Трансфер салоҳияти			
1	Узатиш учун технологияни тайёрлаш		
2	Технологияларни ишлаб чиқиш ёки узатиш борасида ёрдам берадиган гуруҳ мавжуд		
3	Бозорда технологияларга қизқиқшнинг мавжудлиги		
4	Тижорат муддатларини қайта ишлаш		
5	Технологияларнинг потенциал ёки ҳақиқатдаги харидорларини аниқлаш		
<i>Тижоратлаштириши салоҳиятини якуний баҳолаш</i>			
Жами баҳолаш			

Технологик аудитнинг якуний босқичи якуний ҳисоботни ёзиш бўлиб, унда қуйидаги бандлар бўлиши керак <sup>68</sup>:

- етакчи технологиялар, компетенциялар (ваколатлар) ва технологиялар ҳақида қисқача маълумот;
- қўшимча технологиялар, компетенциялар ва технологиялар ҳақида қисқача маълумот;
- ўтган ва жорий битимлар ва саноат билан ўзаро алоқаларнинг қисқача мазмуни;
- тадқиқот шартномалари, молиялаштириш манбалари ва уюшмаларнинг қисқача мазмуни;
- кейинги тадқиқотлар учун устувор йўналишлар;
- ўқув дастурларини яратиш ва амалга ошириш имкониятларини аниқлаш;
- компания ичида ҳамкорлик қилиш имкониятлари;
- мартаба потенциалини ва ходимларнинг мотивациясини аниқлаш;

<sup>68</sup> Оценка коммерциализируемости технологий: сб. науч. тр. / Коммерциализация технологий: мировой опыт рос. регионам; под ред. Н.М. Фонштейн. М.: Академия народного хозяйства при правительстве РФ, 1995. 228 с.



– кўшимча ривожланиш векторлари ва бошқалар.

Ҳисобот ташкилотда мавжуд бўлган технологиялар ва жиҳозларнинг миқдори ва сифатини; ходимларнинг аниқ бўлмаган кўникмалари ва тажрибасини; компаниянинг саноат билан ўзаро ҳамкорлиги тажрибасини ва истиқболли ҳамкорлик истиқболларини прогнозлашни; ходимларнинг тақдирини аниқлаш ва уларнинг мотивациясини аниқлашни баҳолайди, ушбу маълумотлар асосида ходимларнинг мартаба йўналиши бўйича тавсиялар тайёрланади. Технологик аудит бизга янги маҳсулотни бозорга чиқаришда хатарларни сезиларли даражада камайтирган ҳолда лойиҳанинг тижорат истиқболларини ва уни кейинчалик ривожлантириш имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Технологияларни узатиш университет 3.0 моделининг ажралмас қисмидир, чунки уни ташкил этиш учун университетлар кўп сабабларга эга, масалан:

- иқтидорли ўқитувчиларни жалб қилиш ва сақлаш;
- университет кашфиётлари ва ихтироларини тан олиш ва тарқатиш;
- кўшимча молиялаштиришни жалб қилиш;
- кейинги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш учун лицензиялаш;
- иқтисодий ривожланиш ва бошқалар.

Технологияларни узатиш вариантлари:

- компанияларни жалб қилиш ва улар билан тадқиқотлар ва ишланмалар учун шартномалар тузиш;
- консалтинг, муҳандислик, конструкторлик ва тадқиқот хизматларини кўрсатиш;
- лицензия шартномаларини олиш;
- ўқув курслари ва дастурларини яратиш;
- тадқиқотларни ҳомийлик қилишга инвесторларни жалб қилиш;
- бизнес ва саноат билан биргаликда корхоналарни ташкил этиш;
- спин-офф компанияларни ташкил этиш;
- янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Сўнгги йилларда мамлакатда технологик узатиш инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам берадиган қонунчилик базаси фаол такомиллаштирилмоқда. Технологияларни узатиш марказлари, технопарклар, илмий-технологик парклари, бизнес-инкубаторлар, ахборот технологиялари марказлари тармоғи, инновацион кластерлар ва бошқа инфратузилмалар яратилмоқда.

Биринчи бўлимда тавсифланган АҚШда Бай-Доле қонуни қабул қилингандан сўнг, кафедралар университетларнинг интеллектуал мулкни лицензиялаш ва патентлашга ихтисослашган университетларида ва



технологияларни лицензиялаш идоралари, технологияларни узатиш идоралари ёки технологияларни ривожлантириш идоралари деб номлана бошладилар. Патент бериш ва стартапларни яратиш учун маълумот маркази Массачусетс технология институти бўлиб, у технологияни узатиш жараёнини "Массачусетс технология институти кучлари томонидан ишлаб чиқарилган билим маҳсулотларининг жамоат майдониға ҳаракати" сифатида белгилайди<sup>69</sup> ва 10 босқичдан иборат.

Биринчи босқич - бу кашфиёт ёки ихтироға олиб келган тадқиқотлар. Иккинчи босқич - тадқиқотчи интеллектуал фаолиятнинг мумкин бўлган натижасини мулк ҳуқуқини баҳолаш ва ҳимоя қилиш учун лицензиялаш маркази билан муҳокама қилади. Учинчи босқич технологияни узатиш жараёнини тўғридан-тўғри ишға туширади - ихтиро ҳақидаги маълумотларни очиб берадиган ёзма ариза. Тўртинчи босқич кейинги узатиш стратегиясини белгилайди - кашфиётнинг тўлиқ баҳоси, шу жумладан патент тадқиқотлари ва тижорат потенциалини баҳолаш учун бозорни таҳлил қилиш. Керакли таҳлилни ўтказгандан сўнг, мавжуд бўлган компанияға технологияни сотиш ёки стартап яратиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бешинчи босқич - тижоратлаштириш жараёнида, шу жумладан патентға талабнома топширишда ҳуқуқий ёрдам.

Олтинчи босқич - технологияни сотиш ёки стартап яратиш учун муносиб компанияни топиш учун маркетинг тадқиқотлари.

Еттинчи босқич - янги компанияни ташкил этиш ёки потенциал харидорларни қидириш ва бизнес-режа тузишда ҳуқуқий ва бошқарув ёрдами.

Саккизинчи босқич - бу стартап яратиш ёки компания технологияларини сотишдан қатъий назар, университет ва учинчи томон ўртасида лицензия шартномасини имзолаш.

Тўққизинчи босқич - бу технологияни тижоратлаштириш ва такомиллаштириш.

Ўнинчи босқич - бу университет томонидан фойда олиш.

Массачусетс технология институтининг технология узатиш модели Ғарб университетларида классик ҳисобланади.

Технологияларни узатиш офисларининг умумий бош мақсади тадқиқотчилар, инвесторлар ва технологияларнинг истеъмолчилари ўртасидаги алоқани таъминлаш, идораларнинг (офисларнинг) вазифаларига шунингдек қуйидагилар киради:

- университетнинг кейинчалик тижоратлаштиришға яроқли илмий ва

<sup>69</sup> An Inventor's Guide to Technology Transfer at the Massachusetts Institute of Technology / MIT Technology Licensing office. Cambridge: 2010. 36 p.

амалий лойиҳаларини излаш ва таҳлил қилиш;  
 - патент ва бозор тадқиқотларини ўтказиш;  
 - технологиялар трансфери ва интеллектуал мулк билан боғлиқ бошқа битимларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;  
 - технологик аудитни ўтказиш;  
 - университетнинг интеллектуал мулкани ҳимоя қилиш;  
 - инвесторларни ва қўшимча молиялаштиришни излаш ва жалб қилиш;  
 - илмий-тадқиқот ва ишланмалар учун грантларни жалб қилиш ва бошқалар.

Билимлар ва технологияларни тижоратлаштириш моделларини ва технологияларни узатиш усулларини ўрганиб чиқиб, университетларнинг 3.0 моделида билимларни тарқатиш, шакллантириш ва тижоратлаштиришни ахборот билан таъминлаш бўйича университетларнинг мавжуд тажрибасини кўриб чиқишимиз керак.

### **2.3. Университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш.**

Тадбиркорлик университети моделига мос келишга интилаётган замонавий университетлар томонидан билимларни тарқатиш, шакллантириш ва тижоратлаштириш бўйича муваффақиятли ахборот кўмаги учун турли хил ахборот тизимлари, платформалар, веб-сайтлар ва бошқа ахборот воситаларидан фойдаланиш керак. Амалдаги ахборот тизимларини баҳолаш учун "5-100-2020" дунёнинг етакчи тадқиқот ва таълим марказлари орасида "Россиянинг етакчи университетларининг рақобатбардошлигини ошириш" дастурида иштирок этган университетлар танлаб олинди<sup>70</sup>, чунки дастурнинг асосий кўрсаткичларидан бири университетлар, саноат ва бизнес ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришдир.

Уларнинг ахборот ресурслари таҳлили мақсадли гуруҳлар, яъни талабалар, ўқитувчилар, шериклар ва инвесторлар учун тақдим этилаётган маълумотларнинг мавжудлиги ва сифати асосида амалга оширилди. Асосий мезонлар сифатида интеллектуал фаолият натижаларини олиш имконияти тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги танланди; инвестиция ва ҳомийлик учун очиқ бўлган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар; бизнес билан ҳамкорлик турлари тўғрисида маълумот; талабалар ва ўқитувчилар ўртасида технологик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шакллари тўғрисидаги маълумотлар. Асосий хизмат кўрсатувчи провайдерларни

<sup>70</sup> Список университетов // Проект повышения конкурентоспособности ведущих российских университетов среди ведущих мировых научно-образовательных центров. 2017. URL: <https://5top100.ru/universities/> (дата обращения: 06.11.2017).

аниқлаш учун университетларнинг инновацион ва илмий инфратузилмаси ҳам ўрганилади.

Тизимни яратишдан асосий мақсад университетлар, саноат ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги учун ягона платформани шакллантириш, улар томонидан тегишли маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш, шунингдек, ахборотдан фойдаланувчилар сонини кўпайтиришдан иборат. Шундай қилиб, ишлаб чиқиладиган тизим электрон онлайн платформа (веб-сайт) сифатида жорий этилиши керак.

#### *Сайтнинг мақсади*

Сайт университетлар ва бизнес фойдаланувчилари учун мўлжалланган, шунинг учун ҳар бир мақсадли гуруҳ учун тизимдан фойдаланишнинг асосий мақсадлари, университет учун:

- университетларнинг рақобатбардошлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- потенциал шериклар ва инвесторларни, шу жумладан хорижий шерикларни излаш;
- технологиялар трансфери ва тижоратлаштириш жараёнини соддалаштириш;
- бизнес ва инвесторлар учун тезкор ва объектив маълумот этказиш канали;
- ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида, шунингдек, бизнес билан олиб бориладиган ва муваффақиятли ҳамкорлик тўғрисида хабардор қилиш орқали университетнинг ижобий имижини шакллантириш;
- иқтидорли ўқитувчилар ва талабаларни жалб қилиш;
- олиб бориладиган тадқиқотлар, жалб қилинган сармоялар ҳажми, шартномалар ҳажми ва ҳоказолар тўғрисида жамлама таҳлилий маълумотларни олиш;
- талабалар ўртасида тадбиркорлик маданиятини оммалаштириш ва бошқалардан иборат.

#### **Бизнес учун:**

- университетларда ишлаб чиқарилган технологиялар ва инновацияларни сотиб олиш ва жорий этиш орқали компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш;
- сайтга бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш орқали илмий кашфиётлар ва дизайн ишланмаларининг потенциал ижрочиларини излаш;
- технологиялар трансфери ва тижоратлаштириш жараёнини соддалаштириш;

- бизнеснинг тадқиқот ва ишланмаларга эҳтиёжлари ҳақида жонли эфир канали;

- университетлар билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали компаниянинг ижобий имижини шакллантириш;

- талабалар орасидан янги иқтидорли кадрларни излаш ва жалб қилиш ва бошқаларни ташкил этади.

Давлат учун:

- университет 3.0 тушунчасини ривожлантириш ва оммалаштиришга кўмаклашиш;

- университетлар ва бизнес ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш;

- университетлар ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида йиғилган таҳлилий маълумотларни олиш ва бошқалардан иборат.

Сайт тили: ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида бўлади. Инглиз тили 3.0 университетлари ва йирик компаниялар учун асосий фойдаланиладиган тили ҳисобланади. Чет тилининг мавжудлиги ҳам чет эллик шерикларни жалб қилишда ёрдам беради ва билимларни эшиттиришни халқаро даражадаги каналга айлантиради. Сайтда маълумотларни тўлдирганда, фойдаланувчи нафақат, ўзбек ва рус тилида, балки инглиз тилида ҳам маълумотларни киритиши талаб қилинади. Инглиз тилида маълумот киритиш қобилияти мажбурий эмас, балки маслаҳатдир; "Инглиз тилида маълумот кўшиш" тугмачаси ёрдамида сайтнинг ҳар бир саҳифасида ушбу функция бажарилиши керак.

Сайтни қидирув тизимлари томонидан излаш керак бўлган асосий калит сўзлар (ички **SEO**): университет, 3.0 университети, учинчи авлод университети, технология узатиш, маълумот (билимларни) узатиш, технологияни тижоратлаштириш, инновацион тижоратлаштириш, интеллектуал фаолият натижаси, ўқиш, ишланмани сотиб олиш, ихтирони (инновацияни) сотиб олиш, интеллектуал фаолият натижаларини сотиб олиш, ихтиро ҳақидаги маълумотни қаерга жойлаштириш, ихтирони қандай сотиб олиш биотехнологиялар, нанотехнологиялар, финтеч, бпла, катта маълумотлар, қаерда ихтиро ҳақида маълумот жойлаштирилиши, инновация сотиб олиш, фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, илмий-техник инновациялар, 3.0 университети, технология трансфери, технологияни тижоратлаштириш, инновацияларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ва ишланмалар, илмий-тадқиқот, аеронет, компютершунослик, аутонет, маринет, нейротехнология, соғлиқни сақлаш, финтеч, катта маълумотлар, ва ҳоказо.

Сайт **SEO** иштирокчилари ҳақида маълумот билан тўлдирилганлиги сабабли, университетлар ва иштирок этувчи компанияларнинг номлари,

шунингдек эълон қилинадиган лойиҳалар ҳам кўшилиши керак.

Сайтнинг тузилиши.

Қуйида сайтнинг асосий қисмини рухсатсиз фойдаланувчилар кўриши мумкин бўлган тузилиши келтирилган:

- лойиҳа ҳақида;
- лойиҳанинг мақсад ва вазифалари;
- ташкилотчилар ва шериклар;
- билимлар базаси;
- иштирокчининг мақоласи;
- алоқалар.

### **Назорат саволлари:**

1. Замонавий университетнинг бош функциясини айтиб беринг?
2. Инновация деганда нимани тушунаси?
3. Тадбиркорлик университетлари ривожланиши орқали миллий иқтисодиётнинг трансформациялашуви нима?
4. Университетда тижоратлашув деганда нимани тушунаси?
5. Технологик қиймат яратилишининг ўзаро боғлиқ бешта босқичларини сана беринг.
6. Технологияларни тижоратлаштириш нима?
7. Дунёдаги энг машҳур технологияни узатиш усули нима?
8. Спин-офф компаниялари деганда нималарни тушунаси?
9. Билимларни узатишнинг (билимлар трансферининг) мақсади нималардан иборат?
10. Вариант (опцион) деганда нимани тушунаси?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони,

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

#### **Махсус адабиётлар.**

11. Бадеева, Е.А. (2012), Университетское планирование в рамках процессного подхода: монография, Москва: Издательский дом Академии Естествознания. <http://econom.khsu.ru> [Доступ 24 марта 2010 г.]

12. Балмасова Т.А. «Третья миссия университета» –новый вектор развития? // Высшее образование в России. – 2016. – № 8-9. – С. 48-55.

13. Ватагина М.В. Стратегические направления в развитии маркетинговой деятельности вузов// Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России№2(42)2009. С.113-116.

14. Веретенникова, О. Б., Дрантусова, Н. В., Ключев, А. К., Кортков, С. В., Майданик, В. И., Малышева, Л. А., Попова, Л. Н. (2008), Разработка стратегии образовательного учреждения: методические рекомендации, Екатеринбург: Университетское управление: практика и анализ.

15. Виссема Йохан Г. Университет третьего поколения: управление университетом в переходный период. – М.: Сбербанк, 2016. – 422 с.

16. Волкова Н. С. Анализ системы дополнительного профессионального образования России и его роль в современных условиях // Молодой ученый. — 2012. — №5. — С. 412-415. — URL <https://moluch.ru/archive/40/4761/> (дата обращения: 28.08.2019).



17. Гафуров И.Р., Васильев В.Л., Кашбиева Р.Р. Инновационные кластеры и социально-экономическое развитие регионов: анализ методических подходов. – М.: «Анкил», 2012. – 292 с.
18. Головкин Н.В., Зиневич О.В., Рузакина Е.А. Университет третьего поколения: Б. Кларк и Й. Уисема // Высшее образование в России. – 2016. – № 9. – С. 40-47.
19. Каргин Д.Б. Предпринимательское образование, предпринимательский университет, коммерциализация технологий. Астана, 2016: [http://www.enu.kz/downloads/materials/ Каргин. Предпринимательское образование.pdf](http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательское_образование.pdf).
20. Клаус Шваб «Четвертая промышленная революция»: Э. Москва. 2016. 48 с.
21. Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Что такое предпринимательский университет // Вопросы образования. – 2007. – № 1. – С. 49-62.
22. Красинская Л.Ф. Модернизация, оптимизация, бюрократизация...Что ожидает высшую школу завтра? // Высшее образование в России. – 2016. – № 3. – С. 73-82.
23. Ксендзова Г. Ф. Тенденции развития маркетингового управления на рынке образовательных услуг // Историческая и социально-образовательная мысль. – 2012. – № 3. – С. 118–121.
24. Хагуров Т.А. Выше образование: между служением и услугой // Высшее образование в России. – 2011. – № 4. – С. 47-57.
25. Мягков Г.П., Бухараев В.М. Трансформация классического университета в условиях «текущей современности» // Классический университет: история и современность: материалы Всеросс. с международным участием научно-практической конференции, посвященной 85-летию Удмуртского гос. ун-та; Ижевск, 3-4 февраля 2016 г. /отв. ред. и сост. В.В. Пузанов, Д.В. Репников. – Ижевск: Издат. центр «Удмуртский университет», 2016. – С. 56-61.
26. Самойленко К.А. Перспективы развития инновационно-предпринимательских университетов: [http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/ Nauk\\_chut\\_2014\\_3\\_177182.pdf](http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk_chut_2014_3_177182.pdf).
27. Тазарбеков К.А. К разработке « Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы.- алматы: Университет «Туран», 2016. -36 с.
28. Паспорт приоритетного проекта «Вузы как центры пространства создания инноваций». – URL: <http://government.ru/media/files/ OnTUmegFLNj5Uqtac57yWG1EtMG9ABe.pdf>



29. Шуклина З. Н., Эшонов Р. Р., Хаданович Н. В. Выбор инструментов и стратегий бенчмаркинга в рискованной конкурентной среде // Молодой ученый. — 2017. — №12. — С. 387-392. — URL

30. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М. Образование в XXI веке: перед лицом новых вызовов. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2010. – 156 с.

31. Шадриков В., Геворкян Е. О процедуре комплексной оценки вуза // Высшее образование в России. 2001. № 1.

32. Шульц Д.Е., Танненбаум С.С., Лаутерборн Р.Ф. Новая парадигма маркетинга. Интегрируемые маркетинговые коммуникации: Пер. с англ. М.: ИНФРА-М, 2004.

33. Щелкунов М.Д. Университеты перед лицом глобальных вызовов: российский путь // Поиск. Альтернативы. Выбор. – 2016. – № 3. – С. 48-59.

34. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М., Фурсова В.В. На пути к международному признанию: Казанский федеральный университет как субъект глобального пространства высшего образования. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2016. – 140 с.

35. Clark B. Creating Entrepreneurial Universities: Organization Pathways of Transformation. – Guildford, UK: Pergamon, 1998. – 163 p.

36. Etzkowitz H., Leydesdor L. The Triple Helix University-Industry-Government Relations: a Laboratory for Knowledge-Based Economic Development // EASST Review. – 1995. – Vol. 14. – № 1. – P. 14-19.

37. E3M-Project. (2012). Green Paper «Fostering and Measuring Third Mission in Higher Education Institutions». – URL: <http://www.e3mproject.eu/docs/Greenpercentage20paper-p.pdf>

Sarah Lurman. The Tradition of Need – Blind Admissions Is Starting to Die // Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

38. Summarized from Sarah Lurman. A Student of Value' Means a Student a no Can Pay the Rising Cost of College // Wall Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

#### **Интернет сайтлар:**

39. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

40. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

41. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

42. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

43. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

### **3-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ**

#### **Режа:**

- 3.1. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
- 3.2. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш.
- 3.3. Бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрни.
- 3.4. ОТМлар рейтинги ва ташқи омиллар

**Таянч тушунчалар:** маркетинг, маркетингнинг ривожланиш босқичлари, таълимда маркетинг, таълим хизмати, таълим хизматлари маркетинги, таълим хизматлари бозори, таълим муассаси хизматлари, таълим хизматига йўналтирилган маркетинг, стратегик режалаштириш, олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш, бенчмаркинг, бенчмаркинг технологияси, рейтинг, ташқи омиллар QS рейтинги, Шанхай рейтинги, THE рейтинги.

#### **3.1. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари.**

Маркетинг бозорга оид ва бошқа муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар яратиб, ўзидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш учун катта тайёргарлик ижодий ёндашишни талаб қилади. Маркетинг ибораси инглизча “market” деган сўздан келиб чиққан бўлиб айнан “бозор фаолияти” деган маъноани англатади. Мазкур ибора иқтисодий адабиётда XIX асрнинг охирида АҚШда пайдо бўлган (3.1.1-жадвал). Маркетинг фани мустақил фаолият юритиш ва фан сифатида эса ўтган асрнинг бошларида шакллана бошлади. Маркетинг соҳаси бўйича машҳур назариётчи Ф.Котлер “маркетинг” тушунчаси, унинг тамойиллари, функциялари, маркетинг фаолияти элементлари ва уларнинг мақсадлари, маркетинг комплекси каби тушунчаларни шакллантирди.

3.1.1-жадвал

Маркетингнинг ривожланиш босқичлари.

Босқичлар	Оралик даври	Ташкилот муҳити ва вазифалари тавсифи
1	XIX аср охири XX аср бошлари-оммавий ишлаб чиқариш даври	Ишлаб чиқариш тузилмаларининг пайдо бўлиши; тармоқларнинг аниқ чегараланиши; талабнинг паст дифференциацияси; жамиятнинг тадбиркорлик секторига паст даражадаги аралашуви; ишлаб чиқаришнинг муваффақиятлик мезони-маҳсулотнинг паст нархи
2	1930-1955 йй. - оммавий сотувлар даври	Асосий товарларга бўлган талаб тўйишиниш даражасига етди-бозорга йўналтирилганлик зарурияти; нафақат арзон тақдим этиш, балки бозорга олиб чиқиш, реклама қилиш, сотувни ташкил этиш; бошқариш вазифалари ички муҳит(ишлаб чиқариш)дан ташқи(бозор)га қайта йўналтирилди; маҳсулотнинг истеъмол тавсифларига, маҳсулотни ишлаб чиқишга бўлган эътиборнинг ортиш тавсифлари.
3	1960-1985 йй. – маркетинг даври	Муҳитнинг нобарқарорлиги ва ноаниқлиги; ташкилотлар фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши; хизматлар соҳасининг ривожланиши; ИТТКИнинг жадаллашуви; истеъмолчиларнинг маҳсулотга бўлган талабларининг ортиши.
4	1990 йилдан hozirgi давргача ривожланган истеъмол даври	Жамоатчиликнинг бизнесга ижтимоий муаммоларни (ижтимоий жавобгарлик) ҳал этиш борасидаги талабларининг ортиши; конъюмеризм.

Ушбу пайдо бўлиш ва фойдаланиш бозорда фаолият юритишни бошқариш тизимини такомиллаштириш заруриятидан келиб чиққан. Бозор таълими бозор иқтисодиёти талабларига мос келиши зарур. Таълим бозори Ўзбекистон учун жуда муҳим ҳисобланади, сабаби мустақилликкача бўлган вақтда инсонлар онгида бозорга қарши фикрлар шаклланган. Бозор иқтисодиётига муқобиллар йўқ, айнан бозор инсон ҳаётининг барча

соҳаларига кириб бориб уни аниқлайди. Бугунги кунда мутахассислар орасида таълимда маркетинг тушунчасини умумий тан олинган ибораси йўқ.

Таълим маркетингининг комплекс концепциясини биринчи бўлиб 1980 йилда ГФРда В.Заргес ва Ф.Хеберлин томонидан таклиф этилган. Улар таълим маркетингининг нафақат иқтисодий балки ахлоқий томонларини ҳам умумлаштиришга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрича, таълим маркетингини малаканинг ишлаб чиқаришни ошириш учун ишлаб чиқилган хизматлар маркетинги сифатида кўриш зарур. Бугунги кунда олимлар томонидан таълим маркетингининг иккита тури таклиф этилади:

**таълим хизматида йўналтирилган маркетинг** - таълим муассаси фаолияти янги таълим хизматларини яратишга ёки мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган;

**истеъмолчида йўналтирилган маркетинг** - таълим муассасининг фаолияти бозор эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, бозор “ўрни”ни ўрганишни талаб этади.

Ривожланган бозор муносабатлари мавжуд мамлакатда маркетинг фаолиятининг турли субъектларига тарқалиши маълум бир қонуниятларга эга бўлади – тармоққа хос: маркетингни қўллаш ишлаб чиқариш соҳасидан бошланади, кейинчалик эса синалган дастаклар хизматлар соҳасига жорий этилади. Маркетинг фаолиятини ҳозирги даврда бозор фаолиятининг турли субъектлари амалга оширишади: хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар, амалиётга - йўналтирилган тузилмалар, нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари ва тиббиёт муассасалари, айрим шахслар ва ҳ.к.лар.

Ўзбекистонда маркетинг жараёнини фаол жорий этиш ва аҳолининг янги бозор менталитетини шакллантириш ўтган асрнинг 90 йилларидан бошида пайдо бўла бошлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бозор таълими бир-бирига мос келиши лозим. Бозор таълими хусусан, собиқ социалистик тизимдан чиққан бизнинг республикамиз каби мамлакатлар аҳолиси учун муҳим ҳисобланади. Сабаби, бизда кўп йиллар давомида мулкчиликка ва бозор қонунларига аҳолида нафрат билан қараш ғояси шаклланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бозор иқтисодиётининг ҳозирча муқобили йўқ, лекин айнан бозор инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига кирган тарзда ҳаёт мезонини белгилайди.

Таълимга бўлган замонавий талабларни аниқловчи муҳим омиллар нималардан иборат? Аввало - янги олтинчи технологик укладга ўтиш. Замонавий бешинчи технологик укладнинг устуворликлари телекоммуникациялар, интернет ва электроника бўлган. Янги технологик

уклад ўзида биотехнологияга, нанотехнологияга, сунъий интеллектга йўналтирилганликни олади, шунингдек, бунда инсонга қўйилма асосий рол ўйнайди. Ушбу уклад янги даражадаги таълим тизимини ўзида намоён этади. Бу ерда гап цивилизация ривожланишининг янги фазаси - ахборот цивилизацияси фазаси ҳақида бормоқда.

Асосийси келажакда ахборотларни яратиш, тўплаш ва трансформациялаш (ўтказиш)ни ривожлантириш тизими, яъни таълим тизими ҳисобланади. Баъзи олимларнинг таъкидлашларича, жуда яқин келажакда жаҳоннинг олтинчи технологик укладга ўтиши - 2020 йилларда рўй беради. Ушбу ривожланишдаги сифатий сакраш жиддий оқибатларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги кескин ўсади, хомашаёга, энергия ва ишчи кучига бўлган талаб шунчалик пасаяди. Эски саноат тармоқларида ишловчи миллионлаб кишилар кераксиз бўлиб қолади. Айнан таълим бундай шароитларда кишиларга, олтинчи технологик уклад шароитида керак бўладиган янги компетенцияларни бера олади. Таълимга бўлган янги талабларни аниқловчи иккинчи омил бу инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши ҳисобланади. Бу иқтисодиёт охирги 300 йилдаги анъанавий иқтисодиётдан тубдан фарқ этадиган янги турдаги иқтисодиёт ҳисобланади. Хусусан, иқтисодий ресурслар тўғрисидаги тасаввурлар ўзгаради.

Классик иқтисодиёт назарияси меҳнат, капитал, ер ва тадбиркорликни ресурс деб ҳисоблайди. Инновацион иқтисодиёт шароитида вазият бошқача. Сўз бу ерда меҳнат тўғрисида эмас, балки юқори малакали ходим меҳнати ҳақида боради. Бугунги куннинг ўзидаёқ жамият ва иқтисодиётда ҳал қилувчи ролни янги турдаги – интеллектуал ходимлар (*intellectual employees*) ўйнамоқда. Ҳаттоки энг зўр компанияларда ҳам улар камчилик (12-15 фоиз)ни ташкил этишиб, аммо айнан шуларнинг меҳнатидан глобаллашув шароитида компанияларнинг нафақат рақобатбардошлиги, балки уларнинг фаолият юритиши боғлиқ бўлиб бормоқда. Бугун инновацион иқтисодиётдаги ресурс - бу ғоя. Ғоя-бу энг асосий ресурс. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат ва капитал фақат ғоя пайдо бўлгандан кейингина намоён бўлади. Масалан, аввало уяли (мобил) алоқа ғояси пайдо бўлган, кейинчалик ушбу ғояни реал уяли телефонга айлантирадиган ишлаб чиқариш яратилган. Инновацион иқтисодиёт ривожланишининг асосий шартин интеллектуал ресурслар таълим тизими ва илмий база ҳисобланади. Олдинги даврларда кўпгина файласуфлар томонидан жамиятнинг олий мақсади борасида шахснинг ривожланиши (нафақат таълим бериш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш) таъкидланган.

Ҳозирги кунда эса бу ҳақда амалиётчилар гапиришмоқда. Масалан, бу

борада “Фақатгина ҳар томонлама таълим олган шахсни шакллантириш билан ҳамоҳанг бўлган тарбия ва таълим орқалигина бизнинг жамиятимиз учун ҳақиқий капитал яратилади” – деб, ёзади BMW (Германия) автомобиль концернининг собиқ президенти Э.фон Кюнхайм. Ва таъкидлайди: фақатгина ушбу учта яхлит вазифани амалга оширишгина Германиянинг жаҳоннинг етакчи индустриал мамлакатлари гуруҳидаги позициясини сақлаб қолади (1996 йил). Германияда ҳозирча Эберхард фон Кюнхаймни эшитишаётганлиги йўқ. Мамлакатда “тарбия-таълим-шахсни шакллантириш” учталигининг муҳимлигини етарлича баҳолашмаяпти. Натижада, бугунги кунда немис ОТМлари битирувчиларининг тайёргарлик сифати инновацион иқтисодиётни шакллантириш талабларига жавоб бермаяпти. Германия ОТМларида тайёрлаш даражаси жуда паст: халқаро Pisa-Stubien тадқиқотлари натижалари бўйича жаҳонда 32-ўринда туради. Бундай ҳолатларни жаҳоннинг кўпгига мамлакатлари таълим сифати тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Муваффақиятли ривожланаётган янги таълим моделига Хитойни мисол қилиш мумкин. Айнан таълим даражаси мамлакат иқтисодиёти олдидаги янги вазифани илгари суришга имкон берди. 2010 йилдаги халқ вакилларининг Умумхитой йиғилишида вазифа қўйилди: “хитой йиғув ишлаб чиқаришдан” “хитой ижодиёти”га ўтиш яъни, ўз брендларини яратиш, хусусий инновацияларни ривожлантириш. Хитойда илмга ажаратилган харажатлар охириги 10-12 йил давомида йилига 20 фоиздан ортиқ ўсиб бормоқда. Мамлакат раҳбарияти томонидан қўйилган мақсадга кўра: 2020 йилда Хитой ОТМлари дунёнинг энг зўр ўнталик таълим муассасалари қаторига кириши лозим. Бугунги кунда дунёнинг энг зўр 100 та етакчи университетлари рўйхатида Хитой 30 позицияни эгаллайди. Давлат ОТМларга жуда катта маблағлар сарфлайди ўртача Хитой институтининг бюджети 120 млн. долларни, йирик ХХР университетларининг бюджети эса бундан 2-2,5 барабар юқори.

Таълим хизматларининг ўзига хосликларини тўлиқ баён этиш учун таълим хизматларининг тавсифий ва ўзига хос қирраларини олди-сотди объекти сифатида қараш зарур бўлади. Бошқа хизматлар турлари каби таълим хизматлари тўққизта асосий тавсифларга эга бўлади:

- 1) харидорлар хизматлар эгаларига айланишади;
- 2) англаб етмаслик;
- 3) истеъмолчиларнинг таълим жараёнига жалб этилганлиги;
- 4) таълим муассасалари ходимлари ва истеъмолчилар хизматларнинг ажралмас қисмлари ҳисобланишади;
- 5) таълимда фойдаланиладиган ресурслар ва олинадиган натижаларнинг доимий сифатини таъминлаш имкониятининг йўқлиги;



- б) истеъмолчиларнинг хизматлар сифатини баҳолашларининг мураккаблиги;
- 7) захираларни яратиш имкониятининг йўқлиги;
- 8) вақтинчалик омилнинг муҳимлиги;
- 9) хизматларни тақдим этиш тизимлари ҳам электрон, ҳам жисмоний каналалар орқали таъсир этиши мумкин.

Таълим хизматлари санаб ўтилган умумий тавсифлардан ташқари, фақат ўзига хос бўлган махсус тавсифларга ҳам эга. Биз таълим хизматларининг асосий атрибутларини олди-сотди объекти сифатида изоҳлашимиз мумкин (3.1.2-жадвал).

Шу сабабли таълим муассасининг асосий маҳсулоти – бу амалдаги таълим стандартлари асосида ишлаб чиқиладиган таълим дастурлари бўлиб, у ўз ичига .

**3.1.2-жадвал.**

**Таълим хизматларининг олди-сотди объекти сифатидаги ўзига хос жиҳатлари.**

<b>Ўзига хосликларнинг номланиши</b>	<b>Ўзига хосликлар тавсифи</b>
Харидорлар хизматларнинг эгалари бўлишмайди	Хизматларни сотиш – бу билимни бериш ва олиш жараёни, лекин истеъмолчи ҳеч қачон ўқитувчининг билимлари ҳажмига эга бўла олмайди
Англамаслик	Таълимнинг натижаси қандай бўлишини олдиндан билиб бўлмайди
Истеъмолчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнига юқори даражада жалб этилганлиги	Ўқув материални ўзлаштириш таълим олувчининг қобилияти ва меҳнатга қодирлигига боғлиқ бўлади.
Ташкилот ходимлари ва истеъмолчилари хизматларнинг ажралмас қисми ҳисобланишади	Билимни ўзлаштириш манбадан(ўқитувчи, компьютер ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва ҳ..клар)дан ажралмаган
Фойданиладиган ресурслар ва олинадиган натижаларнинг доимий сифатини таъминлаш имконининг йўқлиги	Ҳам таълим берувчи ва ҳам таълим олувчининг психологик ва бошқа шахсий ўзига хосликлари орақли аниқланади. Таълим хизматларининг ҳар бир истеъмолчиси алоҳида ўзига хос шахс, ўқув материални бир хилда ўзлаштиришнинг иложи йўқ.



Истеъмолчилар учун хизматлар сифатини баҳолаш қийин	Хизмат кўрсатиш натижалари иш жараёнлари ва истеъмолчи ҳаётий фаолиятида намоён бўлади.
Захираларни яратишнинг имкони йўқ	Билимлар тезда эскиради ва эсдан чиқади
Вақтинчалик омилнинг муҳимлиги	Хизматлар кўрсатиш маълумотлари ўзида бир марталик актни эмас, балки вақти-вақти билан амалга ошириладиган жараён ҳисобланади
Хизматларни тақдим этиш тизимлари ҳам электрон ва жисмоний каналлар сифатида ҳам амалга оширилиши мумкин	Ўқув машғулотлари ҳам аудиторияларда ва уйда интернет орқали олиб борилиши мумкин.
Дуализм	Иккита истеъмолчи: таълим олувчи ва ота-она
Истеъмолчига таъсир этиш тавсифи ва механизми	Таълим хизмати истеъмолчининг ўзини ўзгартиради, у орқали эса бутун жамиятни
Хизмат қийматининг нисбатан юқорили	Мазкур хизматлар таннархида интеллектуал харажатлар солиштирма улушининг катталиги
Таълим сифати ва қийматининг таълим хизматларини кўрсатувчи муассасасининг жойлашган ҳудудга боғлиқлиги	Марказий ҳудудларда таълим хизматлари чекка ҳудудларга нисбатан нархи ва сифати бўйича ассортиментининг кенг диверсификациясига эга бўлади. Таълим хизматлари одатда марказда нисбатан қиммат бўлади.

Ўқув режа, ўқув курслари, фанлар(модул)нинг ишчи дастурлари, календар ўқув графиги ва услубий материалларни, мос таълим технологияларини амалга оширишни таъминлашни олади. Хизматнинг мазкур компоненти нафақат асосий маҳсулотнинг қандай йўллар билан истеъмолчига етказилиши кўрсатади, балки истеъмолчининг ушбу жараёндаги ролини, мазкур хизматни кўрсатиш самарадорлиги даражасини ва тавсифини аниқлайди.

Янада аниқроқ қилиб баён этиладиган бўлса, таълим хизматларини ташкил этувчиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим дастури ва таълим жараёни графиги (ўқув режа, жадвал); ўқитувчилар таркибининг билим ва малакаси; таълим жараёнида қатнашувчиларнинг талаб даражасида таълим дастурларини ўзлаштириш борасидаги қобилиятлари ва хоҳиш-истаклари.

Шундай қилиб, **таълимда маркетинг** – бу бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Маркетингда ҳам бошқа амалий фанлардек ва иқтисодий фаолият соҳасидаги каби муфассаллик аниқ далиллар катта аҳамият касб этади.

Булар кўпинча хал қилувчи омилга айланади, лекин одатдаги тушунчага кўра улар «ортиқча» ҳисобланади. Таълим хизматлари маркетинги фаннинг таълим хизматларини ишлаб чиқарувчи, такдим қилувчи, истеъмол этувчи **таълим хизматлари бозори субъектлари**: таълим муассасалари, кадрлар истеъмолчилари-корхоналар, таълим олувчилар, воситачи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар стратегияси ва тактикасини шакллантирувчи ва ўрганувчи соҳасидир. Таълим инсоннинг билим, малака, кўникмалар тизими кўринишидаги авлодлар тажрибасини ўзлаштиришига қаратилган мақсадли жараён дир.

### **3.2. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш.**

Ҳозирги вақтда ОТМ фаолияти аниқланадиган миссиядан фарқли ўларок келажакни кўришда келгуси фаолиятда исталаётган ҳолат бўлади. ОТМ учун стратегик мақсадлар бўлиб таълим хизматлари бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш ва ўзининг рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган мақсадлар ҳисобланади.

ОТМларнинг стратегик мақсадлари мисол бўлиб:

давлат(минтақа)нинг олий малакали мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжлари қондириш;

айрим фиқаро(корхона, ташкилот)нинг таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш; ОТМнинг минтақа, мамлакат таълим тизимидаги позициясини сақлаб қолиш;

ОТМнинг ўқув ва илмий мактабларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш;

Моддий-техник базани ривожлантириш;

Битирувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш;

ОТМнинг ИТИ ва бизнес ҳамжамиятлари билан интеграцияси.

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган стратегик мақсадларни ОТМларнинг ўзгарувчан шарт-шароитлардаги фаолият юритишларини эътиборга олган ҳолда аниқлаштириш ва тўлдириш талаб этилади

Демак, юқорида биринчи санаб ўтилган мақсадларни қуйидаги тарзда намоён этиш мумкин:

- олий малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги давлат(минтақа) эҳтиёжларини қондириш талаби ҳам тайёрлаш сифати ҳам тайёрланган мутахассислар миқдори бўйича амалга оширилиши;


- битирувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсади қуйидаги тарзда тўлдирилиши лозим: таълимда компетентли ёдашувни амалга ошириш асосида битирувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш.

Бунда асосий диққат-эътиборга охириги мақсад лойиқ бўлиб, янги иқтисодий шароитда таълим хизматларини кўрсатиш бўйича ОТМнинг потенциал истеъмолчилари талабларига ва имкониятларига мос механизм ҳисобланадиган интеграциянинг эмас, балки давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги интеграциянинг аҳамияти ортади.

Бу ўз навбатида «7P» плюс «P» моделини ташкил этувчи маркетинг элементлари бўйича ОТМнинг кенгайтирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

3.2.1-расмда хизматлар учун 7P классик модели ва ОТМлар томонидан минтақа ва мамлакатга кўрсатадиган кенгайтирилган хизматлар модели келтирилган.

Билимлар иқтисодиётига ўтиш шароитида ОТМ стратегиясини шакллантиришда ОТМ стратегиясини ташкил этувчи юқорида санаб ўтилган барча элементлар бўйича қарор қабул қилиш керак бўлади.



### 3.2.1-расм. «7P» Маркетинг комплексининг амалдаги модели ва «7P+P» маркетинг комплекси.

Ташқи муҳит таъсирини эътиборга оладиган аниқ-равшан шаклланган ОТМ стратегияси ўзгарувчан хўжалик юритиш шароитида ўз фаолиятини самарали амалга оширишга, минтақада ва умуман мамалкатда билимлар иқтисодиётини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича таълим муассасаларининг маркетингга мўлжал олишга ўтиши кўшимча ресурсларни жалб этмаган ҳолда уларнинг натижавий кўрсаткичларини сезиларли даражада оширишга имкон беради.<sup>71</sup>

Шунингдек, муқобил ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади ва шу билан бирга фаолиятидаги нотўғри стратегиядан келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олади. Бугунги кунда меҳнат бозорлари ва таълим хизматлари учун мазкур муаммо ниҳоятда долзарб ҳисобланди, сабаби улар тақлифнинг талабдан ошишини тавсифловчи ривожланиш фазасига ўтишди. Шу сабабли барча бозор операторларининг маркетингни кўпроқ жорий этиш этиш зарурияти ортиб бормоқда.

<sup>71</sup> Ватагина М.В. Стратегические направления в развитии маркетинговой деятельности вузов// Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России №2(42)2009. С.113.

Амалда маркетинг ёндашувининг ривожланиши ва жорий этилиши замонавий олий таълим муассасасидан стратегияни ўзлаштиришни, маркетинг тактикаси ва усуллари, фаолият юритишнинг мос келадиган дастакларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Мазкур соҳада хорижий амалиётда тўпланган дастлабки илмий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда таълим соҳасида маркетингнинг стратегик ривожланишининг қуйидаги тамойилларини шакллантириш мумкин:

- барча бозор субъектлари (уларнинг ўзаро хатти-ҳаракатлари ва шу асосда мувофиқлашуви)га маркетинг тизимини киритиш;

- иш берувчига максимал мўлжал олиш билан талаб ва таклиф келишуви механизмининг йўлга қўйиш;

- ёш мутахассислар ва таълим тизими манфаатларини (касбий-малакавий, иқтисодий, ижтимоий) максимал даражада ҳисобга олган тарзда маркетинг стратегияси ва тактикасини амалга ошириш;

- бозорнинг барча сегментлари ва унинг барча субъектлари орасидаги оператив тесқари алоқаларнинг ахборот билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

- жорий вақтдаги самарали ишлаш усуллари билан истиқболдаги усулларга мос келишига мўлжал олиш.

Юқорида келтириб ўтилган тамойиллардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, таълим муассасининг маркетингини субъектга бозордаги ҳолатни, мутахассислар тайёрлаш ва мутахассисларни иш билан жойлаштириш соҳасидаги ўзгариш тенденцияларини баҳолашга ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берадиган фаолият тизими сифатида қараш мумкин.

Ҳозирги даврда ОТМлар иш юритиши амалиётининг кўрсатишича, улар фаолиятининг йўлга қўйилиши маркетинг ёндашувидан анча йироқда ёки бўлмаса кўп ҳолатларда бу соҳа фаолияти бозор муносабатлари тизимига тўлалигига кирмаган.

Умуман олганда, олий таълим муассасида стратегик маркетинг қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олиши лозим:

ОТМнинг маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг фаолиятини маркетингга мўлжал олиш билан қайта ташкил этиш.

Турли даражадаги малакали мутахассисларни тайёрловчи ўқув муассасининг барқарор ва ҳар томонлама фойдали шартномавий муносабатларни шакллантириш, бўлғуси мутахассисларни амалиётга жалб этиш, корхонанинг аниқ бир муаммолари бўйича курс лойиҳаларини ва

диплом ишларини бажаришни йўлга қўйиш орқали кадрлар тайёрлаш жараёнида корхоналарнинг фаол иштирокини таъминлаш.

Классик маркетингда ишлаб чиқилган эталон ёндашувга мос ҳолда олий касбий таълим муассасаларида концентрлашган (бирлашган), интеграллашган ёки диверсификацияланган стратегиялар амалга оширилади (3.2.1-жавдал).

Корхона фаолиятининг конкрет шарт-шароитига мослашган рақобатбардош мутахассис моделини ишлаб чиқиш, бу ўз навбатида маркетинг фаолиятида баҳолаш мезонлари ва мотивациясини яхши англашга, шунингдек, кадрлар менежменти соҳасида ўз тасаввурлари ва хатти – ҳаракатларининг тўғрилигини текширишга, бўлиши мумкин бўлган оқибатлар ва натижаларни олдиндан айтишга имкон беради.

**3.2.1-жадвал.**

**Олий касбий таълим муассасаларида қўлланиладиган ўсишнинг маркетинг стратегияси.**

Стратегия номи		Амалга ошириш усуллари
Концентрлашган	Бозордаги ўрнини кучайтириш стратегияси	Таълим хизматлари бозоридаги улушни ошириш, янги истеъмолчиларни жалб этиш, мажбур(ўзлаштирилган) сегментларда янги имкониятларни излаш, реклама чора-тадбирларини фаоллаштириш
	Бозорни ривожлантириш стратегияси	Мавжуд хизматлар портфели билан янги истеъмол сегментларига ва янги ҳудудий бозорларга чиқиш
	Хизматларни ривожлантириш стратегияси	Хизматлар портфелини модификациялаш, янги дастурларни излаш, янги таълим шакллари ва усуллари қўллаш, таълим хизматларининг функционалиги ва универсаллигини ошириш, сифат менежментини жорий этиш
Интеграллашган ўсиш	Тескари вертикал интеграция стратегияси	Мактаб, лицей, коллежлар билан бевосита ҳамкорликни амалга ошириш. Индивидуал истеъмолчилар ва ташкилотлар учун қўшимча таълим

		хизматларини амалага ошириш имкониятларини излаш
	Олдинга юрвчи вертикал интеграция стратегияси	Битирувчиларни кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида корхона-иш берувчилар, давлат тузилмалари, кадрлар марказлари билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш
	Горизонтал интеграция стратегияси	Қўшма дастурларни ва мутахассисларни тайёрлаш, хорижий таълим муассасалари билан стажировка, талабалар алмашинувини ташкил этиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида рақобатчилар, бошқа таълим муассасалари билан бирлашиш ҳисобига бозор улушини ошириш
Диверсификация	Марказлашган диверсификация стратегияси	Мавжуд касбий мутахассислар(турдош соҳаларда диверсификациялаш) базасида янги таълим йўналишларини очиш
	Конгломерат диверсификациялаш стратегияси	Фаолиятнинг мутлақо янги йўналишлар ва хизматлар, дастурлар турлари ва бозорлар турлари (нотармоқ соҳаларда диверсификациялаш) бўйича ўзлаштириш

Умумий тарзда стратегик маркетингни режалаштиришни ташкилот ривожланишининг бош йўлини ишлаб чиқишнинг даврий жараёни сифатида қараш мумкин. Стратегик режалаштириш жараёнида унинг фаолиятининг бир мунча истиқболли йўналишлари аниқланади.

Стратегик режалаштириш ташкилий фаолиятнинг ташқи муҳитдаги ўзгарувчан шароитга мослашишига ва янги имкониятлардан наф қўришига йўналтирилган. Стратегик режалаштириш роли ташкилотни унинг барқарор ўсишини таъминлашга жалб этадиган имкониятларга мўлжал олишга йўналтиришдан иборат.



### 3.3. Бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрни.

Бугунги кунда бутун дунёда таълим соҳасида рўй бераётган ўзгарувчан вазият шароитида маҳаллий ОТМларимиз қатор камчиликларга эга, уларни куйидагича келтириш мумкин:

- консерватив, пассив, бир хил корпоратив маданият;
- ташқи муҳтдаги ўзгаришларга жуда секин мослашувчанлик;
- янги буюртмачилар учун паст жозибаторлик;
- “инвесторлар” учун паст жозибаторлик.

Юқоридаги мазкур муаммоларни ОТМларда ҳал этиш учун фақатгина хорижий ОТМларнинг ижобий ва муваффақиятли тажрибаларидан фойдаланган ҳолда қайта ташкил этиш (реорганизация) ва бошқа янгиликларни жорий этиш лозим.

ОТМлар бошқа тармоқ ва соҳалардаги муваффақиятли фаолият юритишни хоҳлаган ташкилотлар каби ўз хизматларини такомиллаштиришга, уларни бир мунча муҳим, замонавий, талаби юқори бўлган товарларга айлантиришга интилишлари лозим. Бунда бечмаркинг ёрдам бериши керак.

Бенчмаркинг (ингл. Benchmarking) – бу ўз ташкилоти (ўз мамлакатида ёки хорижда фаолият кўрсатаётган тармоғига ёки тармоққа тааллуқлигидан қатъий назар жараёнлари ўхшаш ташкилотлардан) фаолиятини яхшилаш учун бошқа ташкилотларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, амалиётига мослашиш жараёни. У тенг даражада ўзида икки жараённи қамрам олади:

Одатда намуна сифатида ташкилотни ўзининг хусусий маҳсулотлари ва ишлаш усулларини такомиллаштириши мумкин бўлган усулларини аниқлаш учун бошқа шунга ўхшаш соҳаларда ишлайдиган бевосита рақобатчилар ва ташкилотлар томонидан қўлланиладиган “энг зўр” маҳсулот ва маркетинг жараёни олинади<sup>72</sup>.

Бенчмаркингни стратегик йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг йўналишларидан бири сифатида қараш мумкин. Бечмаркинг шиори “Зўрдан зўрга”.

Бенчмаркинг усули 1972 йилда Кембрижда стратегик режалаштириш Институти томонидан бизнес самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган.

Биринчи марта мақсадга йўналтирилган тарзда бечмаркингни Херох компанияси 1979 йилдаги оғир инқироз даврида ўз хусусий харажатлари таҳлили ва маҳсулотлари сифатини япон компаниялари билан таққослашда

<sup>72</sup> Азоев Г. Л. Конкурентные преимущества фирмы: учеб. пособие. М.: Новости, 2004. –с.18. 176 с.

қўллади.

Таълим соҳасида бенчмаркингни қўллаш нисбатан яқинда бошланди. Қуйида олий таълим соҳасида бенчмаркингдан фойдаланиш борасидаги бир нечта таърифларни кўриб чиқамиз.

2002 йилда ENQA-Сифат кафолати Европа тармоғи семинарида гуруҳ бечмаркингга қуйидагича изоҳ беришган: “Бенчмаркинг – бу такомиллашиш мақсадида энг зўр амалиётларни танлаш ва мослашиш, ишонч, тушунишни талаб этадиган ўрганиш жараёни”.

Копенгаген бизнес-мактаби бенчмаркингни “бутун ташкилотни энг зўр амалиётларни излашга жалб этиш: нафақат, ҳаммадан зўр бажаришган, балки бунга қандай эришилган” усули сифатида таърифлайди.

Сифатни таъминлаш бўйича Агентлик – (QAA-Буюкбритания) бечмаркингни бошқа ракурсдан қарайди: “Бенчмаркинг – бу аниқ даражада малака мазмун-моҳияти ва стандартларини ифодалайдиган, яъни даража олишга олиб борадиган дастурга киритилган предмет, профессионал ҳамжамият”. Ушбу агентлик «Subject benchmark statements» деб номланган қатор фан соҳалари бўйича даражалар стандартлари тўғрисидаги кутишларни белгиловчи мезонларни киритган. Улар фаннинг нима беришини, унинг асосланганлиги ва ўзига хослигини ва битирувчининг мазкур фан соҳасидаги тушуниши ва малакасининг ривожланиши учун зарур бўладиган қобилиятлари ва кўникмаларини ифодалайдилар.

Бизнинг республикада бечмаркинг янги ҳисобланади. У ҳали бизнес соҳасида ҳам етарлича ривожланмаган бўлиб, таълим соҳасида бенчмаркингни ўзлаштириш борасида айрим қадамлар ташланган ҳолос.

Бенчмаркингдан фойдаланган ОТМлар амалда нима олишлари мумкин деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

Биринчидан, бу энг асосийси “ўзини ён тарафдан кўриш” - ўзининг кучли ва ожиз томонларини объектив таҳлил этиш имкониятини беради.

Иккинчидан, етакчи - ОТМларни ўрганишга йўналтирилганлик ўз навбатида етакчи қаторларда бўлиш учун стратегик мўлжал олишларни аниқлашга ёрдам беради.

Учинчидан, бенчмаркинг ҳам ўқув жараёнини ташкил этишда ҳам маркетинг хизматлари соҳасидаги янги ғоялар билан тўқнаш келинади.

Тўртинчидан, доимий бенчмаркинг рақобатчиларнинг “қўлининг томир урушини билиб туриш” ва шунга мос фаолроқ ҳаракат қилишга имкон беради.

Бешинчидан, бенчмаркинг рақобатчилар кўрсаткичлари таҳлили асосида режалаштиришга ўтиш имкониятини яратган ҳолда эришилган ҳолатдан анъанавий стратегик режалаштиришга муқобилликни танлашга имкон

беради.

Шундай қилиб, бечмаркинг технологияси бутун соҳани ва рақобатчиларни таҳлил этган ҳолда ягона стратегияни ишлаб чиқишни намоён қилади.<sup>73</sup>

Бечмаркингни амалда қўллаш нуқти назаридан тўртта кетма-кет хатти-харакатларни келтириб ўтиш мумкин:

- 1) ОТМ фаолиятининг ўқув, илмий ва инновацион жараёнларини бошқаришнинг ўзига хос деталларини англаш;
- 2) бошқа ОТМлар фаолиятини таҳлил этиш;
- 3) бошқа ОТМлар натижаларини таҳлил этилаётган ОТМ натижалари билан таққослаш;
- 4) фарқни қисқартириш бўйича керакли ўзгаришларни жорий этиш.

Шартли равишда **бечмаркинг турларини** қуйидаги гуруҳларга киритиш мумкин: **ички** – хусусий институт бўлинмаларини ишини таққослаш, илғор тажрибаларни аниқлаш ва уни кенгайтириш; **рақобатчили** – рақобатчи ташкилотлар билан асосий кўрсаткичлардаги фарқларни кузатиш ва таҳлил этиш, улар тажрибаларини ўзлаштириш; **тармоқлараро/умумий** – ОТМларни турли компания ва ташкилотлар билан маълум бир параметрлари, функциялари, жараёнлари бўйича таққослаш.<sup>74</sup>

Ички бечмаркинг аввало ОТМда ички тизимни таъминлаш ва мониторинг учун зарур.

Рақобатли бечмаркинг қуйидаги саволларга жавоб беришга ундайди:

1. Биз бошқалар билан таққослаганда қандай ишляпмиз?
2. Биз нимага интилишимиз керак?
3. Ким буни ҳаммадан яхши қилади?
4. Улар қандай қилиб буни яхши қилишади?
5. Биз қандай қилиб бошқа ОТМлар фойдаланаётганларни қўллашимиз мумкин?
6. Биз қандай қилиб энг зўрлардан ҳам зўр бўлишимиз мумкин?

Тармоқлараро ёки умумий бечмаркингда ОТМни маълум бир функцияларда ёки бошқа компаниялар ёки ташкилотлар билан нима бирлаштиришини топиш керак, кейин эса зарурият бўлганда энг фойдалисини қўллаш “тўқнашиш нуқтаси” таққослаш керак бўлади.

Бечмаркингни амалга ошириш технологияси ўзида қуйидаги кетма-кет босқичларни намоён қилади.

<sup>73</sup> . Алексунин В. А. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности: учеб.пособие. – М.: Маркетинг, 2007. – с. 76.

<sup>74</sup> Алексунин В. А. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности: учеб.пособие. – М.: Маркетинг, 2007. – с. 78.

### 3.4. ОТМлар рейтинги ва ташқи омиллар.

Рейтинг ҳаётнинг кўпгина соҳаларида, масалан иқтисодиётда, социумда, спортда аҳамияти ортиб бораётган кўрсаткич бўлиб инновацион жараённи рағбатлантиришга имкон беради.

Аmmo жамият рейтинглар бўйича таълим сифати паст бўлганда юқори бўлиши учун уни молиявий қўллаб-қувватлашни тақсимлашга интилади.

Одатда ОТМларни рейтинг бўйича ранжирлаш (кетма-кетлик) қуйидаги мезонлар бўйича олиб борилади:

- таълим бериш даражаси;
- халқаро интеграция даражаси;
- ресурс таъминоти(шу жумладан инновацион инфратузилма);
- ОТМнинг абитуриентлар орасидаги нуфузи;
- ОТМ битирувчиларининг иш берувчилар томонидан талаб этилувчанлиги;
- ОТМнинг бизнес вакиллари, саноат сектори, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик тизимининг ривожланиш даражаси.

МДХ мамлакатлари олий таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш масаласи 2001 йилдан бошланиб уларнинг рейтинги нашр этириладиган бўлди.

THE-QS рейтинги ҳар йили QS Quacquarelli Symonds деб номланган инглиз компанияси томонидан тузилади ва унинг иловаси Times Higher Education нашр этирилади. Бунда олимлар томонидан қайси университетлар мамлакат ичида ва унинг ташқарисида энг зўр дб ҳисоблашишлари бўйича анкеталар орқали аниқланади (масалан, 2008 йилда 6500 атрофидаги кишилар ўз жавобларини жўнатишган).

Бундан ташқари жаҳоннинг йирик компанияларининг ҳам фикрлари эътиборга олинади, яъни улар қайси олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга олишни хоҳлашлари, талабалар ва ўқитувчилар нисбати, хорижий талабалар улуши ва ҳ.к.лар.

Шундай қилиб, ретинг тўлалигича жамоатчилик ҳамда бизнес экспертларининг фикри бўйича аниқланади.

Барча QS бўйича университетлар рейтингига ва THE WURнинг репутация рейтингига кириш учун курашишади. Анъанавий равишда рейтингга фақатгина кўп даражадаги талабаларни тайёрлайдиган ва илмий журналларда юқори ҳавола(цитаталанганлик)га эга бўлган ОТМларгина киришади.

## 3.3.1-жадвал.

## Quacquarelli Symond (QS).

Индикаторлар		Салмоғи
1	Академик репутация(academic reputation)	40 %
2	Иш берувчи репутацияси(employer reputation)	10 %
3	Университет ходимлари илмий ишларининг цитаталанганлиги(citations per faculty)	20 %
4	Университет талабалари нисбати(faculty student ratio)	20 %
5	Хорижий талабалар билан нисбати(proportion of international students)	5 %
6	Хорижий ўқитувчилар нисбати(Proportion of International faculty)	5 %

QS бўйича баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагича (3.3.1-жадвал):

- 1) илмий тадқиқотлар соҳасидаги нуфузи(авторитети) (салмоғи 0,4);
- 2) ўқитувчилар таркибининг талабалар сонига нисбати (салмоғи 0,2);
- 3) иш берувчилар орасидаги обрўси(репутацияси) (салмоғи 0,1);
- 4) цитаталанганлик индекси (салмоғи 0,2);
- 5) хорижий талабалар улуши (салмоғи 0,05);
- б) хорижий ўқитувчилар улуши (салмоғи 0,05).

Халқаро рейтинг турлари ва уларнинг индикаторларини кўриб чиқамиз.

QS рейтинги мезонларини баҳолаш(юқоридаги жадвал)да таълим сифати билан яқиндан алоқада бўлгани 2-мезон – иш берувчилар репутацияси бўлса, энг мунозаралиси 1 индикатор – академик репутация ҳисобланади, сабаби у фан намоёндалари фикрлари асосида тузилиб субъектив тавсифга эга бўлган тарзда, рейтингга катта ишонч билан қарашга салбий таъсир этади.

Шанхай рейтинги жаҳон ҳамжамиятида бир мунча танқид қилинадиган рейтинг тизими ҳисобланади, сабаби бунда кўп сонли нобель лауреатларига маърузаларни олиб бориш учун олдин мукофотга эга бўлган фан намоёндаларини таклиф этиш йўли орқали ҳам эришиш мумкин, аммо ушбу индикатор ҳисобига таълим муассасининг рейтинги ошади, натижада бошқа индикаторлар ҳам мунозаралари бўлиб қолади.

## 3.3.2-жадвал.

**Shanghai Ranking TOP – 500 рейтинг.**

<b>№</b>	<b>Индикаторлар</b>	<b>Салмоғи</b>
1	Битирувчилар орасида нобель мукофоти лауреатлари, шунингдек, мукофотлар ва медаллар совриндорлари мавжудлиги ва сони	10 %
2	Ўқитувчилар орасида нобель мукофоти лауреатлари, шунингдек, мукофотлар ва медаллар совриндорлари мавжудлиги ва сони	20 %
3	Олимларнинг 20 та асосий фанлар категориялари бўйича цитаталанганлиги	20 %
4	Илмий-тадқиқотлар, натижалар – Nature да нашр эттирилганларнинг мавжудлиги	20 %
5	Табиий-илмий ва ижтимоий фанлар бўйича нашрлар (Science Citation Index-expanded, Social Science Citation Index)	20 %
6	ОТМ академик даражасининг унинг кўламига нисбатан пропорцияси	10 %

## 3.3.3-жадвал.

## Times Higher Education (THE) World University Ranking рейтингги.

Умумий улуши	Индикаторлар	Салмоғи
2,5 %	Иқтисодий фаоллик/ Инновациялар	
	Тадқиқотлар, саноатдан келган даромадлар	2,5 %
7,5	Халқаро прогноз	
	Халқаро ва ички персонал нисбати	2,5 %
	Халқаро ва мамлакат талабалари нисбати	2,5 %
30 %	Халқаро ҳаммуаллифлар билан нашр этирилган ишлар улуши	2,5 %
	<b>Таълим ўқув муҳити</b>	
	Репутация(сўровнома)	<b>15 %</b>
	Докторлик даражасига эгаларнинг профессор-ўқитувчилар таркибига нисбатани	6 %
	Профессор-ўқитувчилар таркибига нисбатан магистрантларнинг нисбати	4,5 %
	Бакалаврлик даражаларининг докторлик даражаларига нисбати	2,25 %
	Битта академик ходим даромади	2,25 %
	<b>Тадқиқот: ҳажми, даромад ва репутация</b>	
	Репутация(сўров)	18 %
	Тадқиқот даромади(кўлами)	6 %
30 %	Илмий ходимлар томонидан нашр этирилган мақолалар	6 %
	Нашр этирилган илмий ишларнинг умумий сонига нисбатан тадқиқотдан келган даромадлар нисбати	Саломоғи йўқ
	<b>Илмий тадқиқот ва нашрларнинг цитаталанганлиги</b>	<b>30 %</b>



THE рейтинги аниқлашда қуйидаги университетлар қатанаша олмайди: юқори курс талабаларини ўқитишмайдиганлар, тор мутахассисликлар тайёрлайдиган, беш йил ичида 1000 та илмий ишлар, шу жумладан бир йилда 200 тадан кам нашр эттирганлар. Рейтинг мезонлари бир мунча камроқ даражада мунозарали бўлиб, мантиқий таркибдан иборат бўлган ҳолда кўрсаткичлар салмоғи таълим муассаси фаолияти натижаларини акс эттиради: таълим, тадқиқот, ишланмалар, саноат ютуқлари, инновациялар.

### **Назорат саволлари:**

1. Таълим маркетингининг комплекс концепциясини биринчи бўлиб қачон ва кимлар томонидан таклиф этилган?
2. Таълим хизматига йўналтирилган маркетинги деганда нимани тушунсаиз?
3. Таълимга бўлган замонавий талабларни аниқловчи муҳим омиллар нималардан иборат?
4. Таълим хизматларининг ўзига хосликларини тўлиқ баён этиш учун нималарни олди-сотди объекти сифатида қараш зарур?
5. Таълим хизматлари бозори субъектларини санаб ўтинг.
6. Нималар ОТМ учун стратегик мақсадлар бўлиб ҳисобланади?
7. Хизматлар учун 7P классик модели ва ОТМлар томонидан минтақа ва мамлакатга кўрсатадиган кенгайтирилган хизматлар модели моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Таълим соҳасида маркетингнинг стратегик ривожланишининг қандай тамойилларини шакллантириш мумкин?
9. Сизнингча бугунги кунда бутун дунёда таълим соҳасида рўй бераётган ўзгарувчан вазият шароитида маҳаллий ОТМларимиз қандай камчиликларга эга?
10. Бенчмаркинг нима?
11. Таълим соҳасида бенчмаркинг деганда нималарни тушунаси?
12. Бенчмаркингдан фойдаланган ОТМлар амалда ундан нималар олишлари мумкин деган қандай саволга жавоб бериш мумкин?
13. Одатда ОТМларни рейтинг бўйича ранжирлаш (кетма-кетлик) қандай мезонлар бўйича олиб борилади?
14. Анъанавий равишда QS бўйича университетлар рейтингига ва THE WURнинг репутация рейтингига қандай талабларга жавоб берадиган ОТМлар киришади?
15. QS бўйича баҳолашнинг асосий мезонларини санаб ўтинг.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони,
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

### Махсус адабиётлар:

11. Бадеева, Е.А. (2012), Университетское планирование в рамках процессного подхода: монография, Москва: Издательский дом Академии Естествознания. <http://econom.khsu.ru> [Доступ 24 марта 2010 г.]
12. Балмасова Т.А. «Третья миссия университета» –новый вектор развития? // Высшее образование в России. – 2016. – № 8-9. – С. 48-55.

13. Ватагина М.В. Стратегические направления в развитии маркетинговой деятельности вузов // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России №2(42)2009. С.113-116.

14. Веретенникова, О. Б., Дрантусова, Н. В., Ключев, А. К., Кортков, С. В., Майданик, В. И., Малышева, Л. А., Попова, Л. Н. (2008), Разработка стратегии образовательного учреждения: методические рекомендации, Екатеринбург: Университетское управление: практика и анализ.

15. Виссема Йохан Г. Университет третьего поколения: управление университетом в переходный период. – М.: Сбербанк, 2016. – 422 с.

16. Волкова Н. С. Анализ системы дополнительного профессионального образования России и его роль в современных условиях // Молодой ученый. — 2012. — №5. — С. 412-415. — URL <https://moluch.ru/archive/40/4761/> (дата обращения: 28.08.2019).

17. Гафуров И.Р., Васильев В.Л., Кашбиева Р.Р. Инновационные кластеры и социально-экономическое развитие регионов: анализ методических подходов. – М.: «Анкил», 2012. – 292 с.

18. Головкин Н.В., Зиневич О.В., Рузакина Е.А. Университет третьего поколения: Б. Кларк и Й. Уисема // Высшее образование в России. – 2016. – № 9. – С. 40-47.

19. Каргин Д.Б. Предпринимательское образование, предпринимательский университет, коммерциализация технологий. Астана, 2016: [http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательское образование.pdf](http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательскоеобразование.pdf).

20. Клаус Шваб «Четвертая промышленная революция»: Э. Москва. 2016. 48 с.

21. Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Что такое предпринимательский университет // Вопросы образования. – 2007. – № 1. – С. 49-62.

22. Красинская Л.Ф. Модернизация, оптимизация, бюрократизация...Что ожидает высшую школу завтра? // Высшее образование в России. – 2016. – № 3. – С. 73-82.

23. Ксендзова Г. Ф. Тенденции развития маркетингового управления на рынке образовательных услуг // Историческая и социально-образовательная мысль. – 2012. – № 3. – С. 118–121.

24. Хагуров Т.А. Выше образование: между служением и услугой // Высшее образование в России. – 2011. – № 4. – С. 47-57.

25. Мягков Г.П., Бухараев В.М. Трансформация классического университета в условиях «текущей современности» // Классический университет: история и современность: материалы Всеросс. с

международным участием научно-практической конференции, посвященной 85-летию Удмуртского гос. ун-та; Ижевск, 3-4 февраля 2016 г. /отв. ред. и сост. В.В. Пузанов, Д.В. Репников. – Ижевск: Издат. центр «Удмуртский университет», 2016. – С. 56-61.

26. Самойленко К.А. Перспективы развития инновационно-предпринимательских университетов: [http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk\\_chut\\_2014\\_3\\_177182.pdf](http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk_chut_2014_3_177182.pdf).

27. Тазарбеков К.А. К разработке «Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы.- алматы: Университет «Туран», 2016. -36 с.

28. Паспорт приоритетного проекта «Вузы как центры пространства создания инноваций». – URL: <http://government.ru/media/files/OnTUmegFLNj5Uqtac57yWG1EtMG9ABe.pdf>

29. Шуклина З. Н., Эшонов Р. Р., Хаданович Н. В. Выбор инструментов и стратегий бенчмаркинга в рискованной конкурентной среде // Молодой ученый. — 2017. — №12. — С. 387-392. — URL

30. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М. Образование в XXI веке: перед лицом новых вызовов. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2010. – 156 с.

31. Шадриков В., Геворкян Е. О процедуре комплексной оценки вуза // Высшее образование в России. 2001. № 1.

32. Шульц Д.Е., Танненбаум С.С., Лаутерборн Р.Ф. Новая парадигма маркетинга. Интегрируемые маркетинговые коммуникации: Пер. с англ. М.: ИНФРА–М, 2004.

33. Щелкунов М.Д. Университеты перед лицом глобальных вызовов: российский путь // Поиск. Альтернативы. Выбор. – 2016. – № 3. – С. 48-59.

34. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М., Фурсова В.В. На пути к международному признанию: Казанский федеральный университет как субъект глобального пространства высшего образования. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2016. – 140 с.

35. Clark В. Creating Entrepreneurial Universities: Organization Pathways of Transformation. – Guildford, UK: Pergamon, 1998. – 163 p.

36. Etzkowitz Н., Leydesdor L. The Triple Helix University-Industry-Government Relations: a Laboratory for Knowledge-Based Economic Development // EASST Review. – 1995. – Vol. 14. – № 1. – P. 14-19.

37. E3M-Project. (2012). Green Paper «Fostering and Measuring Third Mission in Higher Education Institutions». – URL: <http://www.e3mproject.eu/docs/Greenpercentage20paper-p.pdf>

Sarah Lurman. The Tradition of Need – Blind Admissions Is Starting to Die // Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

38. Summarized from Sarah Lurman. A Student of Value' Means a Student a no Can Pay the Rising Cost of College // Wall Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

### **Интернет сайтлар:**

39. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

40. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

41. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

42. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

43. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси


## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Мавзу. Тадбиркорлик университети - университет-3.0 концепциясини шакллантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (2 соат)

Ҳар қандай ташкилот(ОТМ)нинг бозор муҳитидаги фаолиятини прогноз қилиш учун STEP–таҳлили, шунингдек, минтақанинг таълим хизматлари бозори жозибadorлигини рейтинг баҳолаш кенг қўлланилади. Ушбу усулнинг моҳияти ҳар қандай ташкилот (ОТМ)га таъсир этувчи ташқи, ижтимоий-демографик, техологик, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий омилларни аниқлаш ҳисобланади. Мазкур таҳлил усули орқали келажак учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Мазкур таҳлил усулининг муҳим элементларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.


**Сиёсий-ҳуқуқий муҳит.** Таълим муассаси томонидан қабул қилинадиган маркетинг қарорлари сиёсий ва қонунчилик соҳаларида рўй бераётган сезиларли даражадаги ҳодисалар таъсирида қабул қилинади(1-расм).



1-расм. Сиёсий-ҳуқуқий муҳит.

**Иқтисодий муҳит.** Таълим тизимидаги инқирозни аниқловчи жамият иқтисодий муҳитининг бир мунча ўзига хос муҳим хусусияти корхоналар даромади умумий даражасининг ва аҳоли харид қобилиятининг пасайиши ҳисобланади. Иқтисодий муҳит ўзгариши нафақат миқдорий балки таълимда, таълим хизматларига бўлган талабда таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарадиган қатор муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали аниқланади(2-расм).






**2-расм. Иқтисодий муҳит.**

Шубҳасиз мамлакатдаги иқтисодий вазият барча фаолият соҳаларига, шу жумладан таълим соҳасига ҳам сезиларли даражада таъсир этади. Республикамизда таълим тизими чегараларини ўзгартириш, янги даврга мослаштириш даври анча олдин пайдо бўлганди.


Аввало бу ерда сўз таълимга инвестициялар киритиш борасида бўлиб, бунда нафақат давлат томонидан, балки мутахассислар истеъмолчилари-корхоналар томонидан киритиладиган инвестициялар ҳақида бормоқда. Ривожланган мамлакатларда таълим соҳасига инвестициялар энг ишончли ва юқори қайтимли соҳалардан ҳисобланади. Масалан, америкалик экспертлар баҳолашларига кўра, таълим тизимига 1 доллар сарфлаш 3 дан 6 долларгача фойда олиш имкониятини беради.

**Демографик муҳит.** Демографик омиллар ва аҳолининг ривожланиш тенденциялари қисқа ва ўрта муддатли даврларда ўзига хос барқарорлик билан фарқланади ва таълим хизматларига бўлган талаб конъюнктурасида муҳим рол ўйнайди(3-расм).



**4-расм. Демографик муҳит.**

**Ижтимоий-маданий муҳит.** Таълим бошқа хизмат турларидан фарқли ўлароқ маданиятга анча яқин ва ундан ажралмасдир. Маданият- бу шахнинг муомала қилишига ёрдам берадиган кадриятлар, ғоялар артефакт(суъний қилинган)лар ва бошқа рамзлар йиғиндисидан иборат бўлган, шунингдек бир-бирини жамият аъзолари сифатида тушунтириш ва баҳолашнинг мураккаб мажмуадир(5-расм).



**5-расм. Маданият таркиблари.**

Таълим хизматларига бўлган талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ, сабаби маданият даражаси қанчалик юқори бўлса янги билимларга ва қўшимча таълимга бўлган эҳтиёжлар ҳам шунчалик катта бўлади. Маданият даражасига мос равишда истеъмолчининг англаган тарзда ўз таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратадиган бюджетдаги харажатлар улуши ортади.

Ўзбекистонда таълим инсонлар хулқ-атвори(лекин таълим, фақат оила, пул, дўстлик, адолат, барқарорлик кабилардан кейин туради)ни аниқловчи асосий кадриятлар деб аталадиган гуруҳга киради. Бу ўз навбатида таълим хизматларига бўлган юқори талабнинг ҳаттоки иқтисодий таназзул пайтларида ҳам сақланиб қолишини англатади. Бизда аҳлонинг таълим даражаси анча юқори.

Шундай қилиб таълим хизматлари бозори аксарият ҳолларда жамиятда юқори турувчи кадриятларга, меъёр ва анъаналарга, ижтимоий-иқтисодий муҳитга боғлиқ бўлади. Шунингдек, турмуш тарзининг аниқ ижтимоий-маданий шарт-шароитлари таълим хизматларига бўлган талабга сезиларли даражада таъсир этади. Ҳозирги даврда республикамизда таълимда янги маданият, янги ахлоқ, янги талаб яратилмоқда. Ушбу жараён давлатнинг, турли жамоатчилик ташкилотларининг қўллаб-қувватлашларини талаб этади ва бу айниқса, таълим муассасаларининг фаол иштирокида анча даражада сезиларли бўлиши мумкин.

Таълим муассасининг таълим бозорида самарали фаолият юритиши учун ён атрофда бўлаётган воқеаларни кузатиб бориши, бундан ташқари унга муҳим бўлган ташқи ва ички муҳитдаги барча ўзгаришларни прогноз қилиши лозим. Ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар таълим муассасига қатор муаммолардан қочишга ёки мавжуд вазиятда фойдали қўллаш имконини беради.

Амалиётда таълимнинг маркетинг муҳитини баҳолаш ва прогноз қилиш учун STEP–таҳлили, шунингдек, минтақанинг таълим хизматлари бозори жозибадорлигини рейтинг баҳолаш кенг қўлланилади. Ташқи муҳит(макромуҳит)ни илмий ўрганиш комплекс ижтимоий, техник, иқтисодий ва сиёсий таҳлил(инглиз тилида қисқартирилган STEP) асосида амалга оширилади.

STEP-таҳлил услубиёти таълим муассасига потенциал таҳдидларни ва кутилаётган янги имкониятларни аниқлаш учун ҳолатни баҳолашга ва макромуҳитдаги муҳим омилларнинг ривожланишини башорат қилишни амалга оширишга имкон беради. Таълим муассасалари ушбу омилларга тўғридан-тўғри таъсир эта олишмайди, аммо улар таълим муассасининг ўзига ва унинг атроф-муҳитига жуда кучли даражада таъсир этади. STEP-таҳлилни олиб бориш учун бошланғич маълумотлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- Конституция ва қонунчилик ҳужжатлари.
- Президент фармонлари ва қарорлари.
- Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъат қарорлари ва буйруқлари.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
- Тармоқ вазирликлари буйруқ ва қарорлари.
- илмий журналлар ва марказий газетлар(мас. халқ сўзи).
- Таълим соҳасида аҳоли ва экспертлар социологик сўровларининг натижалари ва ҳ.к.лар.

### **Топшириқ.**

Сиздан STEP - таҳлилнинг ташқи муҳитнинг тизимлаштирилган омилларини жадвал шаклида ва уларни ўзингиз фаолият юритаётган олий таълим муассасининг асосий ривожланиш сценарийлари билан келтирган ҳолда тўлдириб чиқишингиз лозим (1.1-жадвал).

**1.1-жадвал.**

**STEP–таҳлил усули бўйича таълимнинг ташқи муҳити омиллари.**  
**таҳлили.**

Омиллар	Ривожланиш сценарийси		
	пессимистик	реалистик	оптимистик
<b>Ижтимоий</b>			
Турмуш даражаси			
Ижтимоий қадрият ва ахлоқ			
Таълим даражаси			
Жамиятнинг ижтимоий катламлашуви			
Жамиятга ижтимоий гуруҳларнинг таъсири			
Миллий омиллар			
Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбати			
Миллатлараро муносабатлар			
Аҳоли миграцияси			
Ижтимоий-маданий омиллар			
<b>Технологик</b>			
Тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш			
Ресурстежамкор технологиялар			
Техни тараққиётнинг умумий даражаси			
Глобал информацион технологиялар			
Экологик-йўналтирилган технологиялар			
Конверсия ( лат. <i>conversio</i> — «мурожаат», «ўзгариш» ва “иккиталик(мас.ишлаб чиқариш, лойиҳалаш)”) технологиялар			
ИТТҚИни молиялаштириш			
Таълимнинг мультимедия технологиялари (CD-ROM, интернет ва б.қ.лар)			

Очиқ(масофавий) таълимнинг ривожланиши			
Шахснинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб таълимнинг инсонийлашуви ва технологиялашуви			
<b>Иқтисодий</b>			
Давлатнинг кредит сиёсати			
Солиқ сиёсати			
Иқтисодий ўсиш динамикаси			
Аҳолининг харид қобилияти			
Давлатнинг инвестиция сиёсати			
Минтақалараро ва ҳудудий ташкил этилганлик			
Давлат бюджети дефицити			
Мамлакатдаги инфляция даражаси			
Энергия тўловчиларга жаҳон нархлари, хом ашё ва материаллар манбалари			
Миллий бозорлар ҳолати			
Ташқи савдо айланмасида импортнинг улуши			
Харажатлардаги (маҳсулотлар ва хизматлар таннархи) ўзгаришлар			
Миллий бозорда бозор муносабатларининг ривожланиши			
<b>Сиёсий</b>			
Халқаро вазият			
Давлатдаги ички сиёсий вазият			
Қонунчилик ҳокимиятининг самарали ишлаши			
Президент ва унинг ҳудудлардаги вакиллари			
Ҳудудлар раҳбарияти ва ҳокимларнинг таъсири			
Аҳоли сиёсий симпатиясининг кутбланиши			

Сиёсий зиддиятлар			
Партиялар ва ҳаракатлар			
Жамият фаоллиги			
Умумий ва шахсий хавфсизлик			

Жорий ҳолат матрицаси макро муҳитнинг салбий, нейтрал ва ижобий омилларини белгилаш билан мавжуд ҳолатни акс эттиради. Ривожланиш истиқболи матрицаси мумкин бўлган ривожланиш сценарийлари асосида таълим муассасининг барча ташқи муҳитдаги ҳолатни башорат қилишга имкон беради.

STEP–таҳлилни таълим муассасининг стратегик ривожланиш режасини ишлаб чиқишда ёки бешта омиллар гуруҳидан биттаси таъсирининг кескин ўзгариши рўй берган ҳолатда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. STEP–таҳлил натижалари таълим муассасининг келгусидаги 3-7 йиллик ривожланиш сценарийларини баҳолаш ва таълим хизматлари бозорининг истиқболли сегментларини танлаш учун қўлланилади.

**Топшириқ.**

Сиздан юқорида келтирилган жадвалдаги маълумотларни чуқур ўрганган ва таҳлил этгандан кейин ўзингиз фаолият юритаётган олий таълим муассасангизнинг университет 3.0 модели бўйича фаолият юритиши учун таъсир этадиган омилларни **STEP–таҳлил усули бўйича ташқи муҳити омиллари таҳлили амалга оширинг(1.2-жадвал).**

**1.2-жадвал.**

**STEP–таҳлил усули бўйича таълимнинг ташқи муҳити омиллари таҳлили.**

Омиллар	Ривожланиш сценарийси		
	пессимистик	реалистик	оптимистик
<b>Ижтимоий</b>			
<b>Технологик</b>			

<b>Иқтисодий</b>			
<b>Сиёсий</b>			

## **2-Мавзу. Университет 3.0 модели асосида “Илмий мактаблар, трансфер ва инновациялар” бўйича олий таълим муассасаси ички муҳити таҳлили (4 соат)**

Ички муҳит – бу таълим жараёни иштирокчиларининг ва уларнинг функционал ўзаро алоқалари жараёнида таълим муассасасининг мақсадларини амалга оширадиган компонентлар йиғиндиси. Стратегик режалаштириш доирасида ички муҳитни таҳлил этишнинг машхур усулларида бири – бу **SWOT**- таҳлили ҳисобланади. Бу ерда, “S” ташкилотнинг кучли томонлари, “W” – унинг ожиз томонлари, “O” бизнинг ташкилотимиз учун ташқи муҳит яратадиган қулай имкониятлар ва унинг кутилаётган ўзгаришлари, “T”- ташкилот учун ушбу муҳит келтириб чиқарадиган таҳдидлар, хавфлар, рисклардир.

Ушбу вазиятда таҳлилнинг мазмуни ва кўлами у амалга ошириладиган вазифанинг кўламига боғлиқ бўлади. Фараз қилайлик, ушбу вазифа - ОТМда тизимли ўзгаришларнинг имкониятларини умумий баҳолаш - етарлича катта(мураккаб) ва мавҳум(абстракт).

### **1-топширик.**

Ўз таълим муассасангизнинг муаммоли (долзарб) вазиятига эътиборни қаратган ҳолда, масалан, Сиз фаолият юритаётган ОТМнинг **“Илмий мактаблар, трансфер ва инновациялар”** SWOT-таҳлил бўйича унинг кучли ва ожиз томонларини, имкониятлари ва унга бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни аниқланган. Кейинчалик ОТМ ташқи муҳити таҳлилининг барча омилларининг ижобий томонларидан фойдаланган ҳолда улар орасидан ОТМ ушбу йўналиш бўйича ривожланишининг салбий томонларини бартараф этишга қодир имкониятларни танланг.

Қуйидаги **ОТМ** нинг **“Илмий мактаблар, трансфер ва**



**инновациялар**” SWOT-таҳлил ички муҳити таҳлили деб номланган 2.1-жадвалда келтирилган маъумотларни диққат билан ўрганинг, таҳил қилинг ва шу асосида ўзингиз фаолият юритаётган ОТМдан келиб чиқиб шунга ўхшаган жадвал чиқинг ва мос графаларни тўлдириг.

2.1-жадвал

ОТМ нинг “Илмий мактаблар, трансфер ва инновациялар” SWOT-таҳлил ички муҳити таҳлили

<p><b>SWOT-ТАҲЛИЛ</b>  <b>“Илмий мактаблар, трансфер ва инновациялар”</b></p>	<p><b>ИМКОНИЯТЛАР</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Худудий саноат-таълим кластерлари асосида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иштирок этиш</li> <li>2. Технологик платформалар доирасидаги устувор ИТИни бажаришда иштирок этиш</li> <li>3. Стартап лойиҳаларида иштирок этиш орқали молиявий маблағлар топиш</li> <li>4. ОТМда импакт-факторга эга ёки ОАК рўйхатига кирган илмий журналнинг мавжудлиги</li> <li>5. Хўжалик шартномаларини бажариш ва турли грант лойиҳаларида иштирок этиш имкониятига эга ИПКнинг мавжудлиги.</li> <li>6. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича бажариладиган ишларга жаҳон даражасидаги олимларни ёки мавжуд илмий мактабларни жалб этиш</li> <li>7. Иқтисодиётнинг реал секторига илмий(инновацион) ишланмаларни жорий этишни ДХШ асосида ривожлантириш</li> </ol>	<p><b>ТАҲДИДЛАР</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Докторантурага қабулнинг камайиши ёки баъзи бир ихтисосликлар бўйича докторантуранинг мавжуд эмаслиги</li> <li>2. Давлат буюртмалари доирасидаги ИТИ молиялаштиришнинг қисқариши ва бекор бўлиши</li> <li>3. Илмий амалий ишланмаларнинг қисқариши</li> <li>4. Бизнес тузилмаларнинг илмий ишланмаларни қабул қилиш борасида мотивациянинг паст даражадалиги</li> <li>5. Илмий кадрлар бошқа минтақларга чиқиб кетиши</li> </ol>
---	--	--

<b>КУЧЛИ ТОМОНЛАР</b>	<b>КУЧ-ИМКОНИЯТЛАР</b>	<b>КУЧ-ТАҲДИДЛАР</b>
<p>1. Техник, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича илмий мактабларнинг мавжудлиги</p> <p>2. Илмий-техник ва инновацион муаммоларни ечиш тажрибаси</p> <p>3. ИТИ олиб боришни тартибга солувчи ички норматив базанинг мавжудлиги</p> <p>4. Кафедарларнинг лабораторияларини янгилаш имконияти</p> <p>5. Докторантура дастурлари бўйича ИПКларни тайёрлаш имконияти</p> <p>6. Докторлик диссертациясини яқунлаши учун ижодий таътил бериш имконияти</p> <p>7. Оралиқ аттестация натижалари бўйича докторантларга ошган</p>	<p>1. Худудий саноат-таълим кластерлари, республика технологик платформаси доирасида корхоналар ва ташкилотлар, шаҳар ва худудий тузилмаларнинг ўзаро хатти-ҳаракатларининг самарали тизимини йўлга қўйиш</p> <p>2. Бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштиришдан ИТТКИ молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўпканаллиги тизимини яратиш</p> <p>3. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос илмий-тадқиқотларни шакллантириш</p> <p>4. Технопарк, бизнес-инкубаторлар, кичик инновацион корхоналар базасида инновацион инфратузилмани такомиллаштириш</p> <p>5. Лаборатория комплексини бюджетли ва бошқа молиялаштириш шакллари кўллаш орқали модернизациялаш дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Илмий журнал нуфузини ошириш ва.х.к.лар</p>	<p>1. Докторантура самарадорлик кўрсаткичларини ўз вақтида диссертацияларини ҳимоя қилганлар фоизини ошириш орқали таъминлаш</p> <p>2. ОТМ ходимларининг бошқа ОТМлар илмий кенгашларидаги аъзоларнинг маълумотлар базаларини яратиш.</p> <p>3. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича бажариладиган ИТИни бажаришда иштирок этиш</p> <p>4. Илмий тадқиқот фаолияти натижалари бўйича ИПКларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш</p> <p>5. Докторлик диссертациясини яқунлаган ПЎТ юкламаларни оптималлаштириш</p>

<p>стипендия тўлаш имконияти 8. ПЎТга илмий фаолият натижадорлиги учун рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш 9. Илмий ютуқлар асосида лавозимда ўсиш имконияти <b>10.</b> Технопарк ва бизнес инкубаторлар негизда инновацион инфратузилманинг мавжудлиги</p>		
<p><b>ОЖИЗ ТОМОНЛАР</b> 1. Фан, технология ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига ИТИ мавзуларининг мос келмаслиги 2. ОТМ олимларининг инновацион лойиҳалар ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш даражасининг пастлиги</p>	<p><b>ОЖИЗ ТОМОНЛАР-ИМКОНИЯТЛАР</b> 1. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг ва худуднинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича эксперт кенгашни (Илмий Кенгаш таркибида) яратиш. 2. Техника, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича диссертациялар ҳимоясининг бирлашган кенгашини очиш бўйича хужжатларни тайёрлаш 3. ОТМ турли таркибий тузилмалари (кафедлар, лабораториялар) учун фанметрик</p>	<p><b>1. ОЖИЗ ТОМОНЛАР- ТАҲДИДЛАР</b> 2. Бошқа ОТМлар билан докторантура ва магистратура дастурлари бўйича илмий- педагогик кадрларни тайёрлашнинг тармоқ шакли бўйича шартномаларни тузиш 3. ИТТКИ олиб бориш борасида ОТМ ичидаги танлов грантларни ўтказиш ва молиялаштириш.</p>

<p>3. Диссертация Кенгашларининг йўқлиги</p> <p>4. Докторантуранинг йўқлиги</p> <p>5. Докторантура дастурлари бўйича илмий-педагог ходимларни тайёрлаш шаклининг йўқлиги</p> <p>6. Докторантуранинг паст самарадорлиги</p> <p>7. ИТТКИ учун талаб даражасидаги лаборатория жиҳозларининг йўқлиги ва моддий-техник базаси даражасининг пастлиги</p> <p>8. Молиялаштиришнинг етишмаслиги(штатлар, жиҳозлар) сабабли юқори технологик жиҳозлардан жамоавий фойдалана оладиган марказнинг йўқлиги</p>	<p>(наукометрик) кўрсаткичларни ишлаб чиқиш</p> <p>4. Замонавий илмий жиҳозлар ва сарф-харажат материалларини сотиб олишни молиялаштириш</p> <p>5. Юқори технологик жиҳозлардан жамоавий фойдаланиш марказини яратиш</p> <p>6. Мавжуд илмий жиҳозларни тизимли метрологик назорат қилиш</p> <p>риш</p>	<p>4. ОТМ олимларининг интеллектуал фаолияти натижаларини ҳисобга олиш, маркетинг ва реклама тизимини ишлаб чиқиш</p> <p>5. Профессор-ўқитувчиларни нашрий фаоллиги кўрсаткичлари учун моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш</p>
---	--	---

## **2-Топширик.**

Сиз юқоридаги 2.1-жадвалда келтирилган ОТМ нинг “Илмий мактаблар, трансфер ва инновациялар” SWOT-таҳлил ички муҳити таҳлили намунаси асосида ўзингиз фаолият юритаётган олий таълим муассаси мисолида “Иқтидорли ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишни ривожлантириш масалалари”, “ОТМда илмий-педагог кадрлар илмий салоҳиятидан самарали фйодаланиш йўллари”, “ОТМларда илмий салоҳиятни ошириш йўллари” ва “Докторантларнинг ўз муддатларида ҳимоя қилишларини таъминлаш” каби бошқа мавзулар бўйича SWOT-таҳлилин амалга ошириб ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг.

## **3-мавзу. Университет-3.0 модели асосида ОТМ мавжуд муаммоларини ҳал этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш(4 соат)**

ОТМнинг ички муҳити таҳлили топшириғи таҳлилининг биринчи натижалари олингандан кейин, улар билан қуйидагиларни аниқлаш мақсадида кейинги ишларни амалга ошириш лозим:

- университет-3.0 модели асосида ОТМ мавжуд қайси кучли томонларни янада кучайтириш мумкин ва бунинг учун нима қилиш керак?

- университет-3.0 модели асосида қандай ожиз томонларни йўқотиш мумкин, келгусида уларга йўл қўймаслик, уларнинг таъсирини камайтириш, ўрнини қоплаш ва айнан қандай қилиб?

- университет-3.0 модели асосида ОТМга ташқи қулай таъсирларни кучайтириш учун нималар қилиш керак, уларни ўз вақтида аниқлаш ва улардан ОТМ манфаати йўлида қандай фойдаланиш мумкин?

- университет-3.0 модели асосида ташқи хавфлар, таҳдидлар ва рискларга қандай қилиб қарши туриш мумкин?

Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ОТМ раҳбари бажариш муддатларини ва исталаётган натижани аниқ аниқлаган ҳолда буйруқ билан ишчи гуруҳи тузади.

### 1-топширик

**1. Сиз ишлаётган ОТМнинг университет-3.0 модели асосида мавжуд қайси кучли томонларини янада кучайтириш мумкин ва бунинг учун нима қилиш керак?**

---

---

---

---

---

**2. Сизнинг фикрингизча, университет-3.0 модели асосида қандай ожиз томонларни йўқотиш мумкин, келгусида уларга йўл қўймаслик, уларнинг таъсирини камайтириш, ўрнини қоплаш ва айнан қандай қилиб?**

---

---

---

---

---

**3. Фикрингизча, Сиз фаолият юритаётган ОТМга университет-3.0 модели ўтишда ташқи қулай таъсирларни кучайтириш учун нималар қилиш керак, уларни ўз вақтида аниқлаш ва улардан ОТМ манфаати йўлида қандай фойдаланиш мумкин?**

---

---

---

---

---

**4. Университет-3.0 модели ўтишда Сиз ишлаётган ОТМ ташқи хавфлар, таҳдидлар ва рискларга қандай қилиб қарши туриш мумкин?**

---

---

---

---

---



### **«Замонавий жамиятда таълим ва фаннинг ўзаро алоқаси».**

Сиздан “Замонавий жамиятда таълим ва фаннинг ўзаро алоқаси” мавзуси бўйича кенгайтирилган тарзда ўз фикрларингизни баён этишингиз сўралади. Бунинг учун Сиз ўзингизнинг фикрингиз бўйича ушбу мавзунини ёритишга мос келадиган режа тузинг. Режа учта пунктдан кам бўлмаган ва уларнинг ҳар бири камида яна 2 та бир мунча деталлаштирилган пункт остиларидан иборат бўлиши лозим.

Мазкур мавзунини ёритиш борасидаги режа вариантларидан бири қуйидагича:

1. Фан ва таълим маънавий маданият соҳаси сифатида.
2. Фан ва таълим жамиятнинг ижтимоий институти сифатида:
  - а) замонавий жамиятда таълимнинг функциялари (ижтимоий-маданий; ижтимоий-иқтисодий; ижтимоий-сиёсий);
  - б) фаннинг ижтимоий тараққиёт омили сифатида ривожланиши;
  - в) фан ва таълимни давлат томонидан тартибга солиш.
3. Таълимнинг фанга таъсири:
  - а) олий таълимда илмий кадрларни тайёрлаш;
  - б) ёшларда илмий фаолият ва олим мақоми тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш.
4. Фаннинг таълимга таъсири:
  - а) фаннинг асосларини мактаб предметлари доирасида ўрганиш;
  - б) университетларни илмий марказларга айлантириш.
5. Келажакда фан ва таълимни яқинлаштириш истиқболлари.

Юқорида келтирилган режа пунктлари ва пункт остидагиларидан бошқа шаклдаги режаларни ҳам келтиришингиз мумкин.

### **Олий таълимни модернизациялашни амалга ошириш бўйича кейсларни ишлаб чиқиш.**

Кейс услуби (инглизча Case method – кейс-услуб, “Case-study” - кейс стади, аниқ вазият услуби, вазиятли таҳлил услуби) – реал иқтисодий, ижтимоий ва бизнес вазиятларнинг тавсифларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир. Дастлаб кейс усулидан фойдаланиш XX асрнинг бошларида Гарвард бизнес Мактабида бизнес-кейслар сифатида пайдо бўлган. 1908 йилда мактаб ташқил этилган пайтда бизнес-курсларни олиб бориш борасида адабиётларнинг йўқлиги сабаби ўша даврдаги етакчи бизнесментлардан уларнинг фаолиятларини дарсликларда баён этиш қарор қилинган. Шундан кейин ушбу усул кенг

тарқалиб биринчи бизнес кейслар тўплами(The Case Method at the Harvard Business School) 1921 йилда нашр этирилган. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб ушбу амалиёт Европада ҳам кенг тарқалди.

1991 йилда олий таълим муассасалари орасида кейс усулларнинг тарқалишига сабаб бўлган European Case Clearing House (ЕССН) нотижорат ташкилоти ташкил этилган. Ҳозирги даврда унинг таркибига 340 атрофидаги ташкилотлар киради. Ушбу таркибга фақатгина жаҳондаги етакчи мактаблардан Richard Ivey School of Business бизнес мактаби кирмайди қолган мактаблар кейс-услугини фаол қўллашади.

Бугунги кунда бизнес-кейсларни ўрганишнинг иккита классик мактаблари мавжуд: Гарвард (америкача) ва Манчестер (европача). Биринчиси ўзида ягона тўғри қарорни излашни, иккинчиси муаммо ечимининг кўпвариантлигини намоён этади. Аънавий равишда америка кейслари 25-30 бетларга мўлжалланган бўлса, европача кейслар 2-3 марта қисқароқ бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, олий таълим муассасалари бизнес ташкилотлари эмас балки нотижорат ташкилотлари бўлганлиги сабабли бизнес-кейс усулида қўлланиладиган элементлар тўлиқ фойдаланишнинг иложи йўқ. Лекин шунга қарамасдан олий таълим соҳасида етакчи мутахассислар фикрларидан фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар(лойиҳалар, йўл хариталари) ишлаб чиқиш борасида фойдаланиш мумкин.

**2-топширик.**

“Бугунги кунда республикамиз ОТМлари олдида турган муаммолардан қайси бирларини Сизлар энг асосийлари деб ҳисоблайсиз? ”.

Қуйидаги жадвалда келтирилган саволларга жавоб беринг (ўз фикрингизни асослаган ҳолда) ва уларни муҳимлиги бўйича кетма-кетликда рақамлаб чиқинг. Шунингдек, жадвалнинг муаммолар устунидаги “-“ бўш жойларни тўлдиринг.

Муаммо	Жавоб (ха, йўқ ёки қисман)	Муҳимлиги
ОТМлар кадрлар салоҳиятининг пастлиги		
Бюрократия ва самарасиз бошқарув		
Мактаб таълими сифатининг пастлиги ва		

абитуриентлар билимининг камлиги		
Илмий тадқиқотларга талабнинг йўқлиги		
Иқтисодиётнинг реал сектори билан алоқаларнинг йўқлиги		
ОТМ жойлашган ҳудуддаги турли муаммолар: - -		
Бошқа муаммолар: - - -		

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни Сиз фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасида ҳар бир қуйидаги йўналишлар бўйича ҳал этиш борасидаги чора-тадбирларини ишлаб чиқинг:

1. ОТМнинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.
2. ОТМ ва бизнеснинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш
3. ОТМлар ва ҳудудларнинг ўзаро хатти-ҳаракатларини(ҳамкорликларини) ривожлантириш
4. Тадқиқотларни тижоратлаштириш
5. Бошқарувни ислоҳ этиш
6. Абитуриентлар ва мактаб(лицей, коллеж) ўқувчилари билан ишлашни жадаллаштириш

### **1. ОТМнинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.**

Мақсадга эришиш учун мотивацияланган ва стратегик мақсадлар ва жорий вазифаларни ажрата оладиган персонал доимо ташкилотнинг самарадорлигини оширишга, рақобатбардошлигини ва муваффақиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Таълим муассасаларида персонал сифати бошқа ташкилотларга караганда анча муҳим роль ўйнайди. Олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги кўпинча унда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) категорияси фаолияти билан аниқланади.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг самарадорлиги ҳар қандай ОТМнинг рақобатбардошлиги ва муваффақиятининг муҳим шarti ҳисобланади.

ПЎТ фаолиятининг натижадорлиги қуйидаги баҳолашнинг предмети ҳисобланаши мумкин:

- таълим муассаси тури ва шаклини аниқлаш;
- таълим муассаси самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш;
- олий таълим муассаси самарадорлиги мониторингини олиб бориш.

Шунингдек, кадрлар салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий вазибалари сифатида юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим бериш технологиясини ўзгартириш, олий таълим инфратузилмасини янгилаш, таълим беришнинг амалий таркибий қисмини ва таълим дастурлари рўйхатини кенгайтириш, олий таълим фанини кучайтириш, халқаро таълим маконидаги интеграция, академик сафарбарлик (мобиллик)ни кенгайтириш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳозирги даврда ОТМларда кадрлар салоҳитини ошириш учун бошқарув таркибини ва профессор-ўқитувчилар таркибини ривожлантириш борасида катор чора-тадбирлар тақлифлар этилган бўлиб, хусусан улар қуйидагилардан иборат:

- самарали ректорларни тайинлаш;
- кузатув кенгашлари (иш берувчилар, халқаро академик муҳит билан тесқари алоқаларни таъминлаш) ролини кенгайтириш;
- илмий кенгашларни шакллантириш (илмий фаолият йўналишларини аниқлаш);
- академик сафарбарлик (мобиллик) дастурини амалга ошириш;
- юқори халқаро академик бозор талабларига мос тайёрланган бир мунча малакали кадрларни жалб этиш бўйича фаол ишлаш;
- қўшма (етақчи хорижий ОТМлар билан) таълим ва тадқиқот дастурларини амалга ошириш

Буни қуйидаги тарзда амалга ошириш мумкин:

*Кейснинг тузилиши:*

Аннотация

ОТМ ихтисослиги. Умумий ахборот

Тарихи

Жорий ҳолати

Ривожланиш стратегияси

Кейс: ОТМ лойиҳаси

Манбалар

Мақсадлар

Лойиҳани ёзиш

---

Натижалар

Ўзига хосликлари

Ожиз нуқталари

Келажакда ривожланиш истиқболлари

Хулосалар.

#### **4-Мавзу: “Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” методикаси бўйича ОТМда илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш йўллари(2 соат)**

Сиз ҳал этишингиз мумкин бўлган ички ва ташқи муаммолар Сизнинг ташкилотингиз ривожланишидаги устувор йўналишлар бўлади.

Мақсадлар дарахтини амалга ошириш бўйича уни қуришга ва хатти-ҳаракатларни аниқлашга имкон берувчи бир мунча оддий ва самарали усуллардан бири - бу “Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” ҳисобланади. Ушбу методикани ўзлаштириб олгандан кейин сиз кейинги топшириқни бажаришингиз мумкин.

“Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” методикаси алгоритми билан танишиб чиқинг:

1-қадам: Битта конкрет муаммони шакллантиринг ва уни ёзинг.

2-қадам: Унинг асосий келиб чиқиш сабабларини аниқланг(сабаблар “ҳа” ва “йўқ” сўзларида баён этилади).

3-қадам: Муаммо мақсадга қайта шакллантирилади.

4-қадам: Сабаблар вазифа бўлади

5-қадам: Ҳар бир вазифа учун комплекс чора-тадбирлар - уни ечиш бўйича қадамлар аниқланади, чора-тадбирларни амалга ошириш учун жамаоа тузилиб ҳар бир қадам учун масъуллар белгиланади.

6-қадам: Масъуллар чора-тадбирларни бажариш учун керак бўладиган моддий ресурсларни ва вақтни аниқлашади.

7-қадам: Ҳар бир вазифа блоки учун чора-тадбирлар билан аниқ маҳсулот ва вазифаларни ечиш самарадорлиги мезонлари аниқланади.

Энди эса ўзингизнинг таълим муассасангизнинг бир мунча долзарб муаммосини танлаб “Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси”ни тўлдиринг.

**“Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” методикаси**

1. Муаммони қўйиш: \_\_\_\_\_

2. Сабаблар: \_\_\_\_\_

(“эмас” ва “йўқ” иборалари )

“минус” вазият

\_\_\_\_\_

“плюс” вазият

3.Мақсад: \_\_\_\_\_

4. Вазифалар:

А) \_\_\_\_\_

Б) \_\_\_\_\_

В) \_\_\_\_\_

5. Чора-тадбирлар, масъуллар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

6. Ресурс: \_\_\_\_\_

7. Маҳсулот \_\_\_\_\_

8. Самарадорлик мезонлари \_\_\_\_\_

9. Муаммонинг ишланганлиги даражаси \_\_\_\_\_

### **1. Муаммонинг қўйилиши.**

Бу ерда муаммонинг мазмун-моҳияти қисқача баён этилади. Бунинг учун ўзингизга савол беришингиз керак: “Нима мени хавотирга солмоқда?”. Гап бу ерда инновациялар ҳақида борар экан олий таълимдаги фаолиятимиз амалиётидаги масалаларни кўриб чиқамиз (аслида ушбу методикадан бошқа соҳаларда, ҳатто ижтимоий турмушда ҳам фойдаланиш мумкин). Демак, ўзингизга шундай савол беришингиз лозим: “Нима мени касбий фаолиятимда хавотирга солмоқда?” Жавоб: “Менинг талабаларим ўқишни хоҳлашмайди”. Буни “талабаларнинг паст мотивацияланганлиги муаммоси” шаклида шакллантириш ёки бўлмаса бошқа шаклда баён этиш мумкин, лекин унинг мазмун-моҳияти ўзгармайди. Асосийси муаммо аниқ-равшан баён этилган ва иложи борича қисқа бўлиши зарур.

### **2. Сабаблар.**

Бу ерда ёрдамчи савол “Ушбу муаммонинг пайдо бўлишига нима сабаб ҳисобланади?” Сабаблар “эмас” ва “йўқ” орқали изоҳланади. Улар бир нечта бўлишлари мумкин.

Биз талабаларнинг паст мотивацияланганлиги муаммоси мисолида кўриб чиқишни давом эттирган ҳолда сабабларни келтириб ўтаемиз.

1. **Муаммо:** Талабалар ўқишни хоҳлашмайди.

2. **Сабаблар:**

-ўқитувчи талабаларни қандай қизиқтиришни билмайди;

-ўқитувчи зарурий методикани эгалламаган;

-ўқитувчи муаммоли вазият орқали ўқитишни билмайди.

Сабабларни шакллантиришда фақатгина лойиҳа гуруҳи иштирокчиси



(ёки гуруҳнинг ўзи) чекланган вақт ва чекланган ресурслар билан таъсир этиши мумкин бўлганларинигина қолдиришлари тавсия этилади. Умуман таъсир қилишнинг иложи бўлмаган (масалан, уларни ҳал этиш сизнинг ваколатингизга қирмайдиган) ёки лойиҳа бўйича белгиланган вақт оралиғида шакллантиришнинг мантиғи йўқ бўлган сабабли келтириш керак эмас.

Сабаблар билан ишлашда биринчи сабабдан ёки ёки иккинчи даражадаги сабаблардан келиб чиқадиган муаммо билан аралаштирмаслик лозим.

Кўпгина ўқитувчиларнинг талабаларнинг паст мотивацияланганлигини ўз предметига қизиқишнинг йўқлигида деб ҳисоблашларига қарамасдан буни биринчи сабаб деб бўлмайди. Бу кўпроқ оқибат.

Сабабни оқибатдан қандай қилиб фарқлаш мумкин, нима биринчи даражали ҳисобланади? Бунинг учун савол бериш лозим: “Бунинг орқасида нима турибди?”, яъни бунинг орқасида нима ва кейингисининг орқасида нима турибди-то сабаб ва оқибат занжири мантиқан тугамагунича давом этади. Буни мисолда изоҳлаймиз.

Талабалар ўқишмайди-сабаб: талабаларга фан қизиқарли эмас. Сабаб нимада? Дарсда улар учун зерикарли. Улар дарсда пассив. Дарс улар учун зерикали ва уларнинг ҳеч нима қилишни хоҳлашмасликларига сабаб нимада? Ўқитувчи уларни қандай қизиқтиришни, қандай фаол қилишни билмайди. Нимага ўқитувчи билмайди? У методикани ўрганмаган, унда зарурий билимлар йўқ.

### **3. Мақсад.**

Мақсад – бу муаммодан ойнадагидек каби акс этадиган нарса. Шундай таърифлаш ҳам бор : “*мақсад-бу муаммонинг ойнадаги акси*”. Агарда муаммо - бу “*минус*” белгисидаги вазият бўлган бўлса, унда ойнада ҳаммаси тескарисига акс этади: вазият “*плюс*”га ўзгаради, ва муаммо мақсад сифатида акс этади. Бизнинг муаммомиз “*Талабалар ўқишни хоҳлашмайди*” эди. Демак, бизнинг мақсадимиз- “*Талабаларни ўқишни хоҳлайдиган қилиш*” бўлади.

### **4. Вазифалар.**

Вазифалар сабаблардан келиб чиқиб “акс этади”, бошқача айтганда вазифалар – бу сабабларнинг ойнадаги акси. Сабаблар нечта бўлган бўлса – ҳар бир сабаб (минус-вазият)дан ўзининг вазифаси (плюс-вазият)ни акс эттирадиган шунча вазифалар қўйилиши керак.

Мисол келтирамиз. Сабаблар.

А) Ўқитувчи талабаларни қандай қизиқтиришни билмайди – *вазифа: талабаларни қизиқтиришни билиш.*

Б) Ўқитувчи зарурий методикага эга эмас – *вазифа: методикани*

эгаллаш.

В) Ўқитувчи муаммоли вазият орқали ўқитишни билмайди – *вазифа*: муаммоли ўқитиш контекстида ишлашни ўрганиш.

### **5. Чора-тадбирлар.**

Чора-тадбирларни қандай режалаштириш кераклигини билиш учун, ўзига: қўйилган вазифани қандай ҳал қилиш керак, қандай хаттти-ҳаракатлар зарур? деган саволни бериш лозим.

Чора-тадбирлар мантиқан вазифалардан келиб чиқади. Ҳар бир вазифа бир нечта босқичларда ҳал этилиши, ечими эса бир нечта қадамлардан таркиб топган бўлиши мумкин. Ушбу қадамлар чора-тадбирлар ҳисобланади, яъни вазифаларни ҳал этиш учун бажариладиган зарурий аниқ хатти-ҳаракатлар. Бунда: санаб ўтилган вазифаларнинг ҳар бирини ҳал этиш учун қанча чора-тадбирлар керак? деган саволга жавоб бериш лозим.

Лекин чора-тадбирни ўйлаб топиш унчалик мураккаб эмас. Бунда қийинчилик уларни бажариш борасидаги масъулиятни, нима айнан қилинишини ва ким уларни ўз бўйнига олиши ҳисобланади. Шундай ибора бор: “кейин кимдан сўралади?” Айнан мана шунинг учун бу методикага “масъуллар” деган белги бор.

### **Мисоллар келтирамиз.**

1. **Вазифа**: талабаларни қандай қилиб қизиқтиришни билиш.  
чора-тадбир, масъуллар.

1.1. Мотивация билан ишлашнинг қандай воситалари борлигини Интернетдан билиш.

Ушбу вазифани А.Абдуллаевга топшириш, сабаби у интернетда ишлаш имкониятига ва ахбротларни йиғиш борасида юқори малака ва кўникмага эга. Ундан ойнинг охиригача бу борада топган барча материалларни беришини сўраш.

1.2. Мотивацион тренинг ва семинарларга бориш.

1.3. Ўзингиз олиб борадиган фан бўйича бошқа (масалан, ОТМ ёки кафедрадаги) ўқитувчининг очик дарсида иштирок этиш.

2. **Вазифа**: мен олиб борадиган предметнинг қизиқ ва керакли бўлиши учун талабалар билан ишлаш методикасини эгаллаш.

Чора-тадбир, масъуллар.

2.1. Лойиҳалар методи ҳақидаги адабиётларни топиш ва ўрганиш.

2.2. Малака ошириш марказида, лойиҳалар методи бўйича малака ошириш курси борлигини аниқлаш ва унда малака ошириш.

2.3. Ўқитувчилардан кимлар ўз дарсларида лойиҳалаш методикасидан фойдаланишини билиш.

3. **Вазифа:** ДТСда кўрсатилганидек муаммоли ўқитиш мазмунида ишлашни ўрганиш.

Чора-тадбир, масъуллар.

3.1. Журналлардаги муаммоли вазиятлар орқали ўқитиш тўғрисидаги мақолаларни ўқиш.

3.2. Инновацион таълим бериш борасидаги вебинар дарсларга қатнашиш.

3.3. Кафедрадан муаммоли ўқитиш борасидаги бир нечта презентацияларни олиш ва уларни ўрганиш.

Юқоридагилардан кейин сиз муаммоли дарс ўтиш борасидаги ўз фикрингизни баён этасиз: адабиётларни ўрганиш, вебинарлар, ҳамкасблар билан презентацияларни кўриб чиқиш ва ўрганиш. Агарда мураккабликлар бўлса ушбу методика бўйича ўқитиш курсларини тугатишингизга тўғри келади.

Шундай қилиб, бизнинг мисолимиз бўйича вазифаларни ечиш учун режалаштираладиган барча чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини етарлича кўриб чиқдик.

## **6. Ресурс.**

Ресурс – бу ўз муаммомизни ҳал этиш учун биз эга бўлган, яъни биз нимага ишонимиз мумкин бўлган нарсамиздир. “Ойна”-методикаси бўйича ишлаганда ўқитувчилар томонидан рўй бериладиган хатолик кўпинча тўлиқ имкониятга эга бўлмаган ресурсларни қайд этиши ҳолатларида масалан, умуман олганда Интернет бўлганлиги билан унинг талаб даражаси (компьютерлар қуввати, тезлиги, имконияти ва ҳ.к.лар)да ишламаслик ҳолатларида келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатларда Интернетни ресурс сифатида кўрсатиш мумкин эмас, сабаби у билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни сифатли даражада амалга ошириш имконияти бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, пулларни ҳам кўп ҳолатларда ресурс сифатида кўрсатишади, натижада кўпгина салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

Ресурслар нафақат ташқи, балки ички ҳам бўлишади. Энг қудратли бўлган ресурсни аксарият ҳолатларда кўрсатишни унитишади ва унга таяниш мумкинлиги тўғрисида қайд этишмайди. Бу – профессор-ўқитувчиларнинг мазкур муаммо бўйича шуғулланиш борасидаги хоҳиш-истаклари.

Вақт - бу ҳам эсдан чиқариш мумкин бўлмаган муҳим ресурс. Масалан, сизнинг атрофингиздаги кишиларнинг қайси бирида сиз билан ушбу муаммони ҳал этиш билан шуғулланиш учун вақт бор? Кимнинг сиз томонингиздан режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириши учун вақти бор ва сиз унга юклашингиз мумкинми?

Алоқалар (муносабатлар) - яна битта ресурс. Инсонлар билан

ишбилармонлик ва норасмий алоқалар сизнинг муаммоларингизни ечишда ёрдам бериши мумкин, шу сабабли ушбу пунктда уларни ҳам кўрастиб ўтиш керак бўлади.

### **7. Маҳсулот**

Маҳсулот сифатида сизнинг муаммонгизни ҳал этиш натижасида олинган нарсани ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун ўзингизга савол бериш керак бўлади: менинг касбий амалиётимда (ёки умуман менинг ҳайтимда) қандай янгилик рўй беради, қачон менинг муаммом ҳал бўлади? Маҳсулот одатда ким? нима? саволига жавоб беради.

Бизнинг мисолимизда маҳсулот билан талабалар қизиқишади. Ушбу асосий маҳсулот атрофидаги иш жараёнида биз бир нечта кўшимча маҳсулотларни оламыз: ўқиган ўқитувчи, у ишлай олиши мумкин бўлган методикалар комплекти, дарсларда фойдаланиши мумкин бўлган дидактик материаллар ва қўлланмалар, мультимедия воситалари. Моҳияти бўйича ҳар бир режалаштирилган чора-тадбирлар баъзи бир маҳсулотларда акс эттирилиши мумкин: дастур, сценариялар, режа, видеофильм ва ҳк.ларда.

Биз олган маҳсулотимизнинг яхшилигини қандай биламыз? Балки бу биз кутган маҳсулот эмасмикин? Бунинг учун қуйидаги пункт керак: самарадорлик мезони.

### **8. Самарадорлик мезонлари**

Ушбу пунктни тўлдириш учун ўзингизга савол беришингиз керак: “Нимани яхши натижа деб ҳисоблаш керак?” ёки “Мен ўз маҳсулотим яхшилигини қандай билиб оламан, у мени қаноатлантирадимми?”

Бизнинг мисолимизда, маҳсулот бу ўқишга қизиқган талаба, самарадорлик мезони эса қуйидаги кўрсаткичлар (мезонлар) ёрдамида аниқлашингиз мумкин бўлган, яъни талабаларнинг сизнинг предметингизни ўрганишга бўлган хоҳишлари бўлади:

1. Талабаларнинг дарсдаги фаоллиги: эшитишади, саволлар беришади, мулоқотда иштирок этишади, кўзингизга тўғри қарашади, бемалол жавоб беришади, гипотезалар тузишади, муҳокамаларда иштирок этишади.

2. Уй вазифаларни бажариш: уларга вазифаларни бажариш ёқади, бунга ижодий ёндашишади, норасмий жиҳатдан ўз вариантларини таклиф этишади, мураккабликларни баҳам кўришади, бажаришганлари тўғрисида хурсандчилик билан гапиришади.

3. Сизнинг фанингиз бўйича талабалар назорат ишларини бажаришади, доскада жавоб беришади, даомат ошди, талабалар олимпиадаларда қатнашишади.

Бу ерда шунингдек, натижаларни текшириш учун назорат-ўлчаш

материаллари комплекти (НЎМК)ни танлаш муҳим. Ҳал этилаётган муаммога боғлиқ ҳолда самарадорлик мезонлари, шу жумладан, НЎМК зарурий диагностикадан келиб чиқиб ўзгаришлари мумкин. Фақатгина олинган натижаларни баҳолагандан кейингина унинг керак бўлган натижадорлигини ва мақсадга ўзгартиришлар киритишга зарурият йўқлигини англаш мумкин.

Ва ниҳоят биз охириги пунктга етиб келдик: муаммонинг ишланганлиги даражаси.

### **9. Муаммонинг ишланганлиги даражаси**

Ушбу пунктни тўлдириш кимнинг тажрибасига таяниш мумкинлигини билиш учун керак бўлади. Ва бу олимлар ёки бутун бир илмий мактаб тажрибаси бўлиши шарт эмас. Бу одатда амалиётда ушбу муаммо билан тўқнашган ва уни ҳал этган оддий ўқитувчи-ҳамкасб ёки хоҳлаган киши бўлиши мумкин.

Бизнинг мисолимизда бунга ўқитувчининг ДТС, шу жумладан ҳамкасблар тажрибаси бўйича вазифаларни ҳал этиш жараёнига мурожаат қиладиган барча нашрдан чиққан мақолаларни, китоб ва қўлланмаларни киритиш мумкин.

### **Мустақил иш учун вазифа.**

Энди Сиз қўйида келтирилган саволларга жавоб беришингиз керак.

1) Муаллиф томонидан танланган муаммо Сизнинг фикрингизча долзарбми?

2) Ўқитувчининг компетенцияси ушбу масалани ҳал этишга қодирми?

3) Барча сабаблар реалми ва ўз кучи билан ҳал этса бўладими?

4) Кўрсатилган сабаблар биринчи даражалими ёки оқибатларми?

5) У орқали муаммолар келиб чиқиши мумкин бўлган қўшимча сабаблар борми? Агарда “ҳа” бўлса уларни санаб ўтинг.

6) Шакллантирилган мақсад аниқ-равшанми: у етарлича конкретлаштирилганми? Унинг ютуқларини қайд этиш мумкинми?

7) Ишлаб чиқарувчилар компетенциясида баён этилган вазифаларни ҳал этиш мавжудми? Ҳар бир вазифани ҳал этиш бўйича ресурслар борми?

8) Ҳар бир вазифани ечиш бўйича келтирилган чора-тадбирлар етарлими? Уларга ўзгартиришлар (корректировкалаш) киритиш керакми? Агарда “ҳа” бўлса ўзгартириш киритинг.

9) Мезонлар тўғри танланганми ва улар бўйича муаммо ва вазифаларни ҳал этиш даражасини аниқлаш мумкинми? Агарда мезонларни ўзгартириш лозим деб ҳисобласангиз уларни аниқлаштинг.

### Топшириқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сиз ҳал этишингиз мумкин бўлган ички ва ташқи муаммолар Сизнинг ташкилотингиз ривожланишидаги устувор йўналишлар бўлади.

“Амалиётда инновацион таркибий ўзгаришлар ойнаси” методикаси бўйича ўзингиз фаолият юритаётган олий таълим муассасангизда университет 3.0 моделига ўтиш борасидаги битта аниқ муаммони танланг ва уни юқоридаги келтириб ўтилган 9 та кетма-кетликлар бўйича ҳал этиш йўллари асослаб беринг.

# V. ГЛОССАРИЙ



## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>"Академик тадбиркорлик" -</b>	бу тадқиқотчилар ва олимларнинг ривожланишини тижоратлаштиришда иштирок этишини (ўз ишланмалари билан тижоратлаштиришда иштирок этишини) англатади.	
<b>Бенчмаркинг (ингл. Benchmarking) -</b>	бу ўз ташкилоти (ўз мамлакатада ёки хорижда фаолият кўрсатаётган тармоғига ёки тармоққа тааллуқлигидан қатъий назар жараёнлари ўхшаш ташкилотлардан) фаолиятини яхшилаш учун бошқа ташкилотларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, амалиётига мослашиш жараёни.	
<b>Бошқарув стратегияси -</b>	бу стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир.	
<b>Давлат илмий-техник дастурлари -</b>	ресурслар, ижрочилар ва уларни бажариш бўйича келишилган фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, инновацион илмий-техник ишлар ва бошқа дастурий фаолият(лойиҳа)ларни амалга ошириш мажмуи, қўйилган масалада зарур	

	мақсад ва ечимларга эришишни таъминловчи илмий тадқиқот шакли.	
<b>Идоралараро илмий техник кенгаш -</b>	ҳар бир фан йўналиши бўйича вазирликнинг илмий-техник сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашадиган, давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажариладиган илмий-техник лойиҳаларни баҳолаш, экспертиза қилиш ва мониторингдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширадиган, тегишли фан соҳаларининг етакчи олимлари ва мутахассисларидан иборат, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган илмий-техник жамоа.	
<b>Ижтимоий инновация -</b>	бу социум ҳаёт фаолиятини янгилашнинг янги усули: таълим, хизмат кўрсатиш, бошқарув тизими, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий низоларни ҳал этиш.	
<b>Инновация -</b>	фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни	

	таъминлайдиган янги ишланма.	
<b>Инновацион инфратузилма -</b>	инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услугий, ахборот, консультатив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуи.	
<b>Инновацион лойиҳа -</b>	янги ишланмалар яратиш учун бажариш муддатларини, ижрочиларни, молиялаштириш манбаларини ва тегишли инфратузилмани шакллантиришни назарда тутувчи тадбирлар мажмуи.	
<b>Инновацион табиркорлик -</b>	техник-технологик ва соcioижтимоий янгиликларни яратиш ва тижоратлаштириш мақсадида фойдаланиш жараёни.	
<b>Инновацион фаолият -</b>	янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият.	
<b>Инновациялар яратиш учун давлат</b>	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	

<b>бююртмаси -</b>	ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига инновацион лойиҳани бажариш учун топшириқ.	
<b>Инновацион экотизим -</b>	бу ўзини саралаш тизими, самарали “ўзгартиришлар жамоасини” шакллантириш , стратегик бошқарувга ўтиш	
<b>Маркетинг -</b>	инглизча “market” деган сўздан келиб чиққан бўлиб айнан “бозор фаолияти” деган маъноани англатади.	
<b>Маркетинг стратегияси -</b>	анъанавий тарзда «4P» - товар (product), нарх (price), тақсимлаш(жойлашув) каналлари (place) ва коммуникация (promotion) асосланади.	
<b>Мақсадли давлат илмий-тадқиқот дастурлари -</b>	Республика иқтисодиёти тармоқларининг аниқ муаммоларини ҳал қилиш, рақобатбардош илмий ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар шакли.	
<b>ОТМларни бошқариш моделлари -</b>	давлат томонидан бошқарилиш; қисман автономлик; қисман мустақиллик; мустақиллик.	
<b>Стратегия -</b>	юнонча (“strategos”) сўз бўлиб, “генерал санъати” деган маънони билдиради. Ҳозирда стратегия тушунчаси инсонлар дунёқарашининг	

	ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади.	
<b>Стратегия -</b>	бу истиқболни тадқиқ қилиш, турли сценарияларни таҳлил этиш санъати ҳамда истиқболда рақобат курашида афзаллик берувчи ғоядир.	
<b>Стратегик менежмент -</b>	ўз ичига ҳам ишланмани ҳам стратегияни амалга оширишни қамрайдиган ташкилотлар барча вазифаларини қамрайди.	
<b>Стратегик режалаштириш -</b>	стратегик бошқаришнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Ёки бўлмаса, янада аниқроқ қилиб айтганда, “Стратегик режалаштириш-бу режалаштиришлар бўйича бошқариш бўлса, стратегик менежмент-бу натижалар бўйича бошқаришдир”.	
<b>Тадбиркорлик университети -</b>	<b>бу: биринчидан,</b> университет-ўз миссияси доирасида тадбиркор; <b>иккинчидан,</b> университет-инноватор. Унинг субъектлари инновацион, унинг фаолияти инновацион, унинг маҳсулоти инновацион; <b>учинчидан,</b> университет-интегратор. Унинг барча субъектлари фаолияти якуний натижага йўналтирилган бўлиб минтақавий ҳамжамиятга	

	<p>хамоҳанг тарзда амалга оширилади. У етакчи маҳаллий ва хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги “стратегик бирлашмалар”нинг иштирокчиси ҳисобланади.</p>	
<p><b>Тадбиркорлик университетининг мазмун-моҳияти -</b></p>	<p>янгиликлар (инновациялар)га интилиш; таваккалчиликни билиш; ўз кучига ишониш; ўз мустақиллигини ҳис этиш.</p>	
<p><b>Тадбиркорлик университети(ТУ) миссияси -</b></p>	<p>маданий-таълим; илмий-тадқиқот; инновацион-тадбиркорлик.</p>	
<p><b>Таълим -</b></p>	<p>бу иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий турмуш соҳасида юқори унумдорликни таъминлашга имкон берувчи капитал қўйилма бўлиб, инсон ҳаёт сифатининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади</p>	
<p><b>Таълимда замонавий сифат менежменти -</b></p>	<p>бу раҳбарлик ва қўллаб-қувватлашнинг самарали таркиби бўлиб, қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. ОТМда сифат менежменти ғоялари ва усулларидан фойдаланиш барча бўғинларда: ОТМ даражасида, унинг бўлимларида, факультет ва кафедраларида, талабалар билими, малакаси ва кўникмалари шаклланадиган ва истеъмолчилар учун</p>	

	“кадриятлар, қийматлар” яратиладиган аудиторияларида амалга оширилиши зарур.	
<b>Таълимда маркетинг -</b>	бу бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири.	
<b>Таълим хизматига йўналтирилган маркетинг -</b>	таълим муассаси фаолияти янги таълим хизматларини яратишга ёки мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган.	
<b>Технология -</b>	1) ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материал ёки ярим фабрикатлар ҳолати, хоссаси шаклини ўзгартириш, уларга ишлов бериш, тайёрлаш усулларининг мажмуи; 2) хом ашёлар, материаллар ёки яримфабрикатларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида таъсир этиш усуллари ҳақидаги фан.	
<b>Технологияларни тижоратлаштириш -</b>	бу истеъмолчи (харидор) билимлардан фойдаланиш ҳуқуқини олган ва ўз эгасига (технологияларни ишлаб чиқувчисига) у ёки бу шаклда лицензия (ёки бошқа) битим шартларида белгиланган миқдорда ҳақ тўлайдиган технологик узатиш шакли.	



<b>Технологиялар трансфери -</b>	бу кўникмалар, билимлар, технологиялар, ишланмалар, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш намуналари ва воситаларини ишлаб чиқарувчилардан фойдаланувчиларнинг кенг доирасига етказиш жараёни.	
<b>Технологиялар трансфери -</b>	янги ишланмани у олинадиган (ишлаб чиқариладиган) соҳадан амалда қўллаш соҳасига ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмуи.	
<b>Тижоратлаштириш -</b>	илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик ишлар ҳамда инновацион ишланмалар натижаларини иқтисодий айланмага (фуқаролик муомаласи)га киритиш.	
<b>“Тўртинчи спирал” тамойили ғояси -</b>	университетнинг давлат, бизнес ва технопарклар (истеъмолчи буюртмачиларнинг манфаатларини ифодловчи сифатидаги) билан ҳамкорлиги.	
<b>Университет -</b>	бу фундаментал ва кўпгина амалий фанлар бўйича мутахассислар таҳсил олишадиган олий таълим муассаси.	
<b>Университет - 1.0 -</b>	бу асосий функцияси билимлар етказилиши ва кадрлар тайёрлаш, яъни таълим беришдан иборат	

	бўлган муассаса.	
<b>Университет - 2.0 -</b>	бу таълим хизматлари ва илмий изланишларни тақдим этиш билан чекланган, ихтироларни тижоратлаштириш талаб қилинмаган - амалий тадқиқотлар ва илмий-техник ишланмалар билан боғлиқ вазифаларни амалга оширувчи муассаса.	
<b>Университет 3.0</b> (Тадбиркорлик университети) -	бу: биринчидан, университет-ўз миссияси доирасида тадбиркор; икинчидан, университет-инноватор. Унинг субъектлари инновацион, унинг фаолияти инновацион, унинг маҳсулоти инновацион; учинчидан, университет-интегратор.	
<b>“Учала спирал” моделининг асоси -</b>	бизнес, ҳукумат ва университетнинг ўзаро ҳамкорликдаги тадбиркорлик фаолияти имконияти тамойили; ҳукумат, бизнес ва таълим моделида улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, инновацион иқтисодиётда университет бош ролни ўйнайди; кўрсатилган субъектлар орасидаги ўзаро муносабатлар борган сари яқинлашиб, чегаралар босқичма-босқич йўқолиб бормоқда.	

<p><b>Фан -</b></p>	<p>бизни қуршаб турган дунё тўғрисида объектив аниқ билимларни ишлаб чиқиш бўйича инсон самарали фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлиб, борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий томондан системалаштириш унинг вазифаси ҳисобланади.</p>	
<p><b>Фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари -</b></p>	<p>жаҳон фанининг илғор ютуқлари, инновацион ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, иқтисодиётининг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш, шунингдек, давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш заруратидан келиб чиқадиган илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг фан соҳалари;</p>	
<p><b>янги ишланма -</b></p>	<p>мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта</p>	

	ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси (ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа хусусиятга эга янги ёки мукаммал технология, хизмат ва ташкилий-техник ечим).	
<b>spin-off -</b>	спинофлар ( <i>“реклама, хабар жўнатиши”</i> , <i>“ҳамкорликдаги натижа”</i> ) -тижорат мақсадидаги тадбиркорлик компанияларини яратиш. Спин-офф компаниялари университет шароитида технологияларни тижоратлаштиришнинг энг муваффақиятли ва самарали шакли деб ҳисобланади.	
<b>star-up -</b>	стартаплар ( <i>“жараённинг бошланиши”</i> ) асосан ёшлардан иборат бўлган янги жамоалар муваффақияти	
<b>SWOT- таҳлили -</b>	бу стратегик режалаштириш доирасида ички муҳитни таҳлил этишнинг машҳур усулларида бири.	

# VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони,

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

### **III. Махсус адабиётлар:**

48. Бадеева, Е.А. (2012), Университетское планирование в рамках процессного подхода: монография, Москва: Издательский дом Академии Естествознания. <http://econom.khsu.ru> [Доступ 24 марта 2010 г.]

49. Балмасова Т.А. «Третья миссия университета» –новый вектор развития? // Высшее образование в России. – 2016. – № 8-9. – С. 48-55.

50. Ватагина М.В. Стратегические направления в развитии маркетинговой деятельности вузов// Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России №2(42)2009. С.113-116.

51. Веретенникова, О. Б., Дрантусова, Н. В., Ключев, А. К., Кортков, С. В., Майданик, В. И., Малышева, Л. А., Попова, Л. Н. (2008), Разработка стратегии образовательного учреждения: методические рекомендации, Екатеринбург: Университетское управление: практика и анализ.

52. Виссема Йохан Г. Университет третьего поколения: управление университетом в переходный период. – М.: Сбербанк, 2016. – 422 с.

53. Волкова Н. С. Анализ системы дополнительного профессионального образования России и его роль в современных условиях // Молодой ученый. — 2012. — №5. — С. 412-415. — URL <https://moluch.ru/archive/40/4761/> (дата обращения: 28.08.2019).

54. Гафуров И.Р., Васильев В.Л., Кашбиева Р.Р. Инновационные кластеры и социально-экономическое развитие регионов: анализ методических подходов. – М.: «Анkil», 2012. – 292 с.



55. Головкин Н.В., Зиневич О.В., Рузакина Е.А. Университет третьего поколения: Б. Кларк и Й. Уисема // Высшее образование в России. – 2016. – № 9. – С. 40-47.

56. Исправление расширением. Гуманитарному образованию вернули право на развитие // Поиск. – 2017. – № 5(1443). – С. 8.

57. Каким должен быть университет будущего? – URL: <http://indicator.livejournal.com/24905.html>. Движение имиджей. Российские вузы крепнут в борьбе // Поиск. – 2016. – № 25(1411). – С. 6.

58. Каргин Д.Б. Предпринимательское образование, предпринимательский университет, коммерциализация технологий. Астана, 2016: [http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательское образование.pdf](http://www.enu.kz/downloads/materials/Каргин.Предпринимательскоеобразование.pdf).

59. Касаткина Е. А. Градобоев В. В. Место бенчмаркинга в международной конкурентной среде // Научная электронная библиотека «КИБЕРЛЕНИНКА». — 2012. — № 6–1

60. Клаус Шваб «Четвертая промышленная революция»: Э. Москва. 2016. 48 с.

61. Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Что такое предпринимательский университет // Вопросы образования. – 2007. – № 1. – С. 49-62.

62. Красинская Л.Ф. Модернизация, оптимизация, бюрократизация...Что ожидает высшую школу завтра? // Высшее образование в России. – 2016. – № 3. – С. 73-82.

63. Ксендзова Г. Ф. Тенденции развития маркетингового управления на рынке образовательных услуг // Историческая и социально-образовательная мысль. – 2012. – № 3. – С. 118–121.

64. Луман Н. Введение в системную теорию. – М.: Изд-во «Логос», 2007. – 360 с.

65. Хагуров Т.А. Выше образование: между служением и услугой // Высшее образование в России. – 2011. – № 4. – С. 47-57.

66. Лагутина Е. Е., Леонгардт В. А., Шапошников В. А. Профессиональное образование по специальности «маркетинг» как товар в системе маркетинга // Вестник ЮУрГУ. – 2010. – № 7. – С. 98–101.

67. Мамонтов, С.А. (2001), Сфера образования как многоуровневая маркетинговая система, Москва: Финпресс.

68. Мягков Г.П., Бухараев В.М. Трансформация классического университета в условиях «текущей современности» // Классический университет: история и современность: материалы Всеросс. с

международным участием научно-практической конференции, посвященной 85-летию Удмуртского гос. ун-та; Ижевск, 3-4 февраля 2016 г. /отв. ред. и сост. В.В. Пузанов, Д.В. Репников. – Ижевск: Издат. центр «Удмуртский университет», 2016. – С. 56-61.

69. Николаева Е.М., Щелкунов М.Д., Ившина О.Я. Феноменология потребительства. Личностное и институциональное измерения. – Казань: Изд-во Казанский ун-т, 2014. – 160 с.

70. Панкрухин А. П. Маркетинг образовательных услуг в высшем и дополнительном образовании: учебное пособие. – М.: Интерпакс, 1995.

71. Самойленко К.А. Перспективы развития инновационно-предпринимательских университетов: [http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk\\_chut\\_2014\\_3\\_177182.pdf](http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk_chut_2014_3_177182.pdf).

72. Тазарбеков К.А. К разработке « Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы.- алматы: Университет «Туран», 2016. -36 с.

73. Паспорт приоритетного проекта «Вузы как центры пространства создания инноваций». – URL: <http://government.ru/media/files/OnTUmegFLNj5Uqtac57yWG1EtMG9ABe.pdf>

74. Шуклина З. Н., Эшонов Р. Р., Хаданович Н. В. Выбор инструментов и стратегий бенчмаркинга в рискованной конкурентной среде // Молодой ученый. — 2017. — №12. — С. 387-392. — URL

75. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М. Образование в XXI веке: перед лицом новых вызовов. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2010. – 156 с.

76. Эфендиев, А.Г., Кратко И.Г., Латышова Л.С. (2004), Маркетинговая активность вуза на рынке образовательных услуг и рынке труда, Москва: АНО «Академия менеджмента и бизнес-администрирования», ИД «Экономическая газета».

77. Хершген Г.Д. Маркетинг: Учебник для вузов. М.: ИНФРА-М, 2000.354 с.

78. Хруцкий В.Е. Современный маркетинг: Настольная книга по исследованию рынка: Учеб. пособие. М.: Финансы и статистика, 2003.

79. Черчилль Г.А. Маркетинговые исследования: Маркетинг для профессионалов. СПб. Питер, 2000.

80. Шадриков В., Геворкян Е. О процедуре комплексной оценки вуза // Высшее образование в России. 2001. № 1.

81. Шульц Д.Е., Танненбаум С.С., Лаутерборн Р.Ф. Новая парадигма маркетинга. Интегрируемые маркетинговые коммуникации: Пер. с англ. М.: ИНФРА-М, 2004.

82. Щелкунов М.Д. Университеты перед лицом глобальных вызовов: российский путь // Поиск. Альтернативы. Выбор. – 2016. – № 3. – С. 48-59.

83. Щелкунов М.Д., Николаева Е.М., Фурсова В.В. На пути к международному признанию: Казанский федеральный университет как субъект глобального пространства высшего образования. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2016. – 140 с.

84. Эванс Дж. Р., Берман Б. Маркетинг. М.: Сирин, 2004.

85. Энджел Д., Миннард П.У. Поведение потребителей. СПб. Питер Ком, 2000.

86. Эриашвили НД. Маркетинг: Учебник. М.: ЮНИТИ, 2003.

87. Ядин Д. Маркетинговые коммуникации: современная креативная реклама. М.: Фаир-Пресс. 2003.

88. Clark B. Creating Entrepreneurial Universities: Organization Pathways of Transformation. – Guildford, UK: Pergamon, 1998. – 163 p.

89. Etzkowitz H., Leydesdor L. The Triple Helix University-Industry-Government Relations: a Laboratory for Knowledge-Based Economic Development // EASST Review. – 1995. – Vol. 14. – № 1. – P. 14-19.

90. E3M-Project. (2012). Green Paper «Fostering and Measuring Third Mission in Higher Education Institutions». – URL: <http://www.e3mproject.eu/docs/Greenpercentage20paper-p.pdf>. Sarah Lurman. The Tradition of Need – Blind Admissions Is Starting to Die // Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

91. Summarized from Sarah Lurman. A Student of Value' Means a Student a no Can Pay the Rising Cost of College // Wall Street Journal. 1994. № 5 (Jan.).

#### IV. Интернет сайтлар:

7. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

8. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

9. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

10. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

11. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

12. <http://tmetod.uz> – ТДПУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази